

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**



# **МИЛЛИЙ ҒОЯ МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ВА ҲУҚУҚ ТАЪЛИМИ**

**Миллий ғоя ва маънавият асослари  
фанларини ўқитишнинг инновацион  
муҳитини лойиҳалаштириш**

**МОДУЛИ БЎЙИЧА  
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ  
МАЖМУА**



**ТОШКЕНТ-2021**



**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:** **М.А. Собирова** – Низомий номидаги ТДПУ, “Миллий ғоя ва маънавият асослари” кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди

**Такризчилар:** **С.Х. Худайназаров** – ЎзМУ “Фуқаролик жамият ва ҳуқуқ таълими” кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди

**Н.Ф. Сайдалиходжаева** - Низомий номидаги ТДПУ “Миллий ғоя ва маънавият асослари” кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди

**Хорижий эксперт:** **п.ф.док., профессор А.Х. Пулотов** – академик Бобожон Гафуров номидаги Хўжанд давлат университети

**Ўқув-услубий мажмуа ТДПУ Кенгашининг 2020 йил 27 августдаги 1/3.6- сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**



## МУНДАРИЖА

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>4</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....</b>	<b>13</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР МАЗМУНИ.....</b>	<b>21</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>89</b>
<b>V. КЕЙСЛАР БАНКИ .....</b>	<b>108</b>
<b>VI. ГЛОССАРИЙ .....</b>	<b>111</b>
<b>VII. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>114</b>

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора тadbирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий ва педагогик компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади. Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари вақонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

модулининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Модулнинг **вазифаларига** қуйидагилар киради:

“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналишлари бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курси тингловчиларининг инновацион муҳит ва дарсни лойиҳалаштириш ҳақидаги тасаввурларини бойитиш;

педагог кадрларнинг миллий ғоя ва маънавият асослари фанларини ўқитишнинг инновацион муҳитини лойиҳалаштириш бўйича касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг соҳага оид касбий компетентлик даражасини ошириш;

педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

– миллий ғоя ва маънавият асослари фанларини ўқитишнинг инновацион муҳитини лойиҳалаштириш;

– Миллий ғоя ва маънавият асослари фанларини ўқитишнинг методлари ва воситалари классификацияси;

– модулнинг таълимий ва тарбиявий мақсад-вазифалари;

– таълим методлари ва усуллари;

– миллий ғоя ва маънавият асослари фанларини ўқитишда қўлланиладиган дарсларида воситалар таснифи;

– таълим мазмунини модернизациялаш;

– таълимдаги инновацияларни ҳақида *билиши керак*.

– фанлардаги инновациялардан таълим жараёнида фойдаланиш;

– миллий ғоя ва маънавият асослари фанларини ўқитишнинг инновацион муҳитини лойиҳалаштириш;

– дарсларда тингловчиларнинг фаоллигини оширишга хизмат қиладиган интерфаол таълим шакллари, методлари ва воситаларидан самарали фойдаланиш;

– таълим жараёнида тингловчиларнинг билимларини объектив баҳолаш механизмлари, рейтинг назоратда қўллашга қаратилган дидактик воситалар: стандарт ва ностандарт ўқув ва тест топшириқлари мажмуасини ишлаб чиқиш;

– таълим жараёнида тингловчиларда мустақил равишда билимларни янада орттириб боришга бўлган эҳтиёжни шакллантириш, мустақил иш вазифаларини табақалаштириш, мустақил иш ва ижодий изланишларини ташкил этиш, уларга раҳбарлик қилиш *кўникмаларига эга бўлиши лозим*.

– ўқитувчининг педагогик фаолиятини лойиҳалаштириш;

– модератор ўқитувчиларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш асосида ўзининг педагогик фаолиятини такомиллаштириш;

– фанларни ўқитиш жараёнида тингловчиларнинг билимларини холисона баҳолаш механизмларини, рейтинг назоратда қўллашга қаратилган дидактик воситалар: стандарт ва ностандарт тестлар ҳамда ўқув топшириқлари мажмуасини ишлаб чиқиш;

– ўқув ахборотни қайта ишлаш, муаммоли вазият, Кейс-стади топшириқларини тузиш;

– таълим жараёнида тингловчиларда мустақил равишда билимларни янада орттириб боришга бўлган эҳтиёжни шакллантириш, мустақил иш вазифаларини табақалаштириш, мустақил иш ва ижодий изланишларини ташкил этиш;

– дидактик таъминотни такомиллаштириш каби **малакаларига эга бўлиши лозим.**

– миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанларнинг замонавий йўналишларига оид назарий қарашлар, етакчи концепцияларини педагогик фаолиятда қўллаш олиш;

– машғулотларда инновацион ва ахборот технологиялар, тингловчилар ўқув фаолиятини фаоллаштирувчи методларни қўллаш;

– таълим жараёнида тингловчиларнинг фаоллигини оширишга хизмат қиладиган интерфаол таълим шакллари, методлари ва воситаларидан педагогик амалиётда самарали фойдаланиш;

– миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълимини бошқаришнинг замонавий механизмларини жорий этиш, бўлажак тарбиячиларда креатив малакаларни шакллантириш **компетенцияларига эга бўлиши лозим.**

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналиши бўйича маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

## **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Миллий ғоя ва маънавият асослари фанларини ўқитишнинг инновацион муҳитини лойиҳалаштириш“ модули мазмуни ўқув режадаги “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш методикаси”, “Олий таълимда миллий ғоя ва маънавият асослари фанларини ўқитишнинг назарий асослари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

## **Модулнинг услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги**

Асосий қисмда (маъруза) модулнинг мавзулари мантиқий кетма-кетликда келтирилади. Ҳар бир мавзунинг моҳияти асосий тушунчалар ва тезислар орқали очиқ берилди. Бунда мавзу бўйича тингловчиларга етказилиши зарур бўлган билим ва кўникмалар тўла қамраб олиниши керак.

Асосий қисм сифатига қўйилдиган талаб мавзуларнинг долзарблиги, уларнинг иш берувчилар талаблари ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мослиги, мамлакатимизда бўлаётган ижтимоий-сиёсий ва демократик ўзгаришлар, иқтисодиётни эркинлаштириш, иқтисодий-ҳуқуқий ва бошқа соҳалардаги ислохотларнинг устувор масалаларини қамраб олиши ҳамда фан ва технологияларнинг сўнгги ютуқлари эътиборга олиниши тавсия этилади.

## **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанларнинг замонавий концепциялари ва фаннинг долзарб назарий муаммолари, тараққиёт тенденциялари ва инновацияларини ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

**Модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	Модул мавзулари	Жами	Жумладан	
			назарий	амалий
1.	Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими фанларини ўқитишнинг инновацион муҳитини лойиҳалаштириш яхлит тизим сифатида.	2	2	-
2.	Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналишидаги ўқитувчиларнинг ўқув-меъёрий ҳужжатлари. Методик ишларни ташкил этиш ва дидактик таъминот.	4	2	2
3.	Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналишидаги фанларни ўқитиш шакллари, метод ва воситалари.	4	2	2
4.	Маъруза, семинар ва амалий машғулотларни ўтказиш технологияси. Масофавий таълимни ташкил этиш.	2	-	2
5.	Таълим жараёнини лойиҳалаштириш ва уни ташкил этиш технологияси.	2	-	2
6.	Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълимига кредит – модул тизимини жорий этиш.	4	2	2
7.	Мустақил таълим ва уни ташкил этиш методикаси.	2	-	2
8.	Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими фанларидан курс иши (лойиҳаси), битирув малакавий ишларини тайёрлашнинг ташкилий, илмий-методик таъминоти ва уларнинг онлайн ҳимояларини ташкил этиш технологияси.	2	-	2
<b>Жами</b>		<b>22</b>	<b>8</b>	<b>14</b>



## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### **1-мавзу: Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими фанларини ўқитишнинг инновацион муҳитини лойиҳалаштириш яхлит тизим сифатида**

Таълим жараёнини лойиҳалаштириш. Лойиҳавий таълимни ривожланиш тарихи. Лойиҳавий таълимнинг муҳим белгилари. Лойиҳавий таълим турлари. Таълим жараёнини лойиҳалашнинг асосий қонуниятлари ва тамойиллари. Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими фанларини ўқитишнинг инновацион муҳити.

Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими фанларини ўқитишнинг инновацион муҳитини лойиҳалаштириш.

### **2-мавзу. Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналишидаги ўқитувчиларнинг ўқув-меъёрий ҳужжатлари. Методик ишларни ташкил этиш ва дидактик таъминот**

Олий таълимни ташкил этиш тартиби ва мазмунини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар: давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режа, фан дастурлари, ўқув-услубий мажмуа ва ўқув адабиётлари. Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналишидаги ўқитувчиларнинг ўқув-меъёрий ҳужжатлари.

Методик ишлар, миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналишида методик ишларни ташкил этишнинг ўзига хусусиятлари.

Дидактика, дидактик таъминот тушунчалари. Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналишида ўқитиладиган фанларнинг дидактик таъминоти.

### **3-мавзу. Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналишидаги фанларни ўқитиш шакллари, метод ва воситалари**

Миллий ғоя ва маънавиятга оид фанларни ўқитишнинг турли шакллари. Дарс жараёнларида анъанавий ва ноанъанавий таълим моделларидан фойдаланиш. Интерфаол таълим методлари тушунчаси. Миллий ғоя ва маънавиятга оид фанларни ўқитиш жараёнида қўлланиладиган таълим методлари таснифи. Миллий ғоя ва маънавиятга оид фанларни ўқитишда тест методини қўллаш.

Таълим воситалари тушунчаси, унинг мазмун ва моҳияти. Бугунги кунда таълим тизимида қўлланилаётган воситалар таснифи. Ўқув адабиётлари.

#### **4-мавзу. Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълимига кредит – модуль тизимини жорий этиш**

Таълимнинг кредит-модуль тизими, мазмун ва моҳияти. Кредит-модуль тизимининг мамлакатимиз олий таълим тизимига таълимнинг амалдагидан кўра анча мукаммал ўлчов бирлигини олиб кириши.

Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълимига кредит – модуль тизимини жорий этишнинг ўзига хос хусусиятлари. Ўқиш юкламасининг мувозанатли тақсимоти. Фанларни танлаш имконияти. Ўқув дастурларида фанларнинг сараланиши.

### **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

#### **1-амалий машғулот: Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналишидаги ўқитувчиларнинг ўқув-меъёрий ҳужжатлари.**

##### **Методик ишларни ташкил этиш ва дидактик таъминот**

Олий таълимни ташкил этиш тартиби ва мазмунини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар: давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режа, фан дастурлари, ўқув-услубий мажмуа ва ўқув адабиётлари. Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналишидаги ўқитувчиларнинг ўқув-меъёрий ҳужжатлари.

Методик ишлар, миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналишида методик ишларни ташкил этишнинг ўзига хусусиятлари.

Дидактика, дидактик таъминот тушунчалари. Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналишида ўқитиладиган фанларнинг дидактик таъминоти.

#### **2-амалий машғулот: Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналишидаги фанларни ўқитиш шакллари, метод ва воситалари**

Миллий ғоя ва маънавиятга оид фанларни ўқитишнинг турли шакллари. Дарс жараёниларида анъанавий ва ноанъанавий таълим моделларидан фойдаланиш. Интерфаол таълим методлари тушунчаси. Миллий ғоя ва маънавиятга оид фанларни ўқитиш жараёнида қўлланиладиган таълим методлари таснифи. Миллий ғоя ва маънавиятга оид фанларни ўқитишда тест методини қўллаш.

Таълим воситалари тушунчаси, унинг мазмун ва моҳияти. Бугунги кунда таълим тизимида қўлланилаётган воситалар таснифи. Ўқув адабиётлари.

### **3-амалий машғулот: Маъруза, семинар ва амалий машғулотларни ўтказиш технологияси. Масофавий таълимни ташкил этиш**

Олий таълим тизимида ўқитиш жараёнида таълим беришнинг турли шакл ва усулларидан фойдаланиш. Маъруза ва семинар, амалий машғулотларнинг ўзига хос хусусиятлари. “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналишида маъруза, семинар ва амалий машғулотларни ўтказиш технологияси.

Масофавий таълимнинг асосий дидактик тушунчалари. Масофавий ўқитишнинг мақсади ва мазмуни. Масофавий ўқитишнинг умумий ва хусусий тамойиллари Масофавий ўқитишнинг методлари ва усуллари. Масофавий ўқитишда фойдаланиладиган воситалар. Масофавий ўқитишни ташкил этиш шакллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлар. Масофавий ўқитиш курсларида назорат ишларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари.

### **4-амалий машғулот: Таълим жараёнини лойиҳалаштириш ва уни ташкил этиш технологияси**

Лойиҳавий таълимни ривожланиш тарихи. Лойиҳавий таълимнинг муҳим белгилари. Лойиҳавий таълим турлари. Ўқув фанларига боғлиқликда ишлаб чиқиладиган лойиҳа турлари.

Лойиҳа технологияси. “Миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанлар ва ҳуқуқ таълими” йўналишида ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятини лойиҳалаштириш.

“Миллий ғоя, миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанлар ва ҳуқуқ таълими” йўналишида ўқув фанларнинг мазмунини лойиҳалаштириш

### **5-амалий машғулот: Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълимига кредит – модул тизимини жорий этиш**

Таълимнинг кредит-модуль тизими, мазмун ва моҳияти. Кредит-модуль тизимининг мамлакатимиз олий таълим тизимида таълимнинг амалдагидан кўра анча мукамал ўлчов бирлигини олиб кириши.

Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълимига кредит – модул тизимини жорий этишнинг ўзига хос хусиятлари. Ўқиш юкламасининг мувозанатли тақсимоти. Фанларни танлаш имконияти. Ўқув дастурларида фанларнинг сараланиши.

### **6-амалий машғулот: Мустақил таълим ва уни ташкил этиш методикаси**

Мустақил таълим тушунчасининг мазмун ва моҳияти. Мустақил таълим -

олиш етук мутахассис бўлиб етишишнинг муҳим омили. Мустақил таълимнинг мақсад ва вазифалари. Талабалар мустақил таълим фаолиятининг асосий босқичлари. Мустақил иш турлари.

Талабаларнинг мустақил таълимини баҳолаш мезонлари. Масофавий таълим жараёнида талабалар мустақил таълимини ташкил этиш.

Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналиши талабаларида мустақил таълим олиш кўникма ва малакаларини шакллантириш вазифалари.

**7-амалий машғулот: Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими фанларидан курс иши (лойиҳаси), битирув малакавий ишларини тайёрлашнинг ташкилий, илмий-методик таъминоти ва уларнинг онлайн ҳимояларини ташкил этиш технологияси**

Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими фанларидан курс иши (лойиҳаси), битирув малакавий ишларини тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари. Курс иши (лойиҳаси), битирув малакавий ишлари мавзулари банкини шакллантириш. Курс иши (лойиҳаси), битирув малакавий ишларини тайёрлашга раҳбарлик қилиш.

Курс иши (лойиҳаси), битирув малакавий ишлари учун адабиётлар рўйхатини шакллантириш. Курс иши (лойиҳаси), битирув малакавий ишлари учун топшириқлар тайёрлаш.

Курс иши (лойиҳаси), битирув малакавий ишларининг бажарилиши. Курс иши (лойиҳаси), битирув малакавий ишларининг анъанавий ва онлайн ҳимояларини ташкил этиш технологияси.

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Маълумки, педагогик технологияларнинг асосий вазифаси – ўқитиш жараёнининг мақсадларини амалга ошириш ва шахсни ҳар томонлама ривожлантиришидир. Бу эса нафақат таълим жараёнининг мазмунан янгилашишига, балким, педагогик жараённинг асосий бошқарувчиси бўлган ўқитувчи шахси, унинг бошқарув мазмуни ва ҳаракат йўналишига ҳам сезиларли ўзгартиришлар киритишни талаб этади. Шунингдек, инновацион ўқитишда билимлар вазифаси ҳам ўзгариб, яъни, аввалги доимий ёд олишдан мантиқий фикрлаш, изланишга ўтилади. Бундай фаолият таълим олувчи фаолиятидаги ижодкорликни ривожлантиради. У ўз тенгдошлари ва ўқитувчиси билан ўзаро фаол “субъект-субъект” муносабатларига киришади.

Шу сабабдан, мазкур жараёнда ўқитувчи нафақат билим берувчи, ахборот ташувчи сифатидагина эмас, балки бўлажак мутахассис шахсини шакллантириш ва ривожлантиришга ёрдам берувчи бошқарувчи сифатида намоён бўлади. Натижада ўқитувчининг талабага таъсир этиш ва бошқариш характери ҳам ўз-ўзидан ўзгаради. Бундай ўқитишни амалга ошириш эса таълимни ташкил этишнинг шакл ва методларига нисбатан ҳам янгича ўзгартиришлар киритиш билан белгиланади. Шу ўринда дарс бериш усуллариининг ўзига ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Дарс бериш усуллари – таълим берувчининг фаолиятини ташкиллаштириш воситасидир, ўқиш усуллари эса, таълим олувчининг фаолиятини ташкил қилиш воситасидир.

Усуллар тизими, яъни, талаба ва ўқитувчининг биргаликдаги иш фаолиятини ташкил қилиш усуллари қуйидаги белгилари бўйича бир неча гуруҳларга бўлинади:

**Биринчи гуруҳ** — талабаларнинг ўзлаштириш, тушуниб етиш, билимини мустаҳкамлаш бўйича персептив (Персептив ўзлаштириш) иш фаолиятини таъминлайдиган, тайёр ҳолатда талабаларга баён қилинган ўқитиш ва билим олиш усуллари:

- маъруза, ҳикоя, тушунтириш;
- намойиш, иллюстрация, видеоусул.

**Иккинчи гуруҳ** — талабаларнинг билимини ўзлаштириш, сингдириш, мустаҳкамлаш бўйича репродуктив фаолиятини таъминловчи, маҳорат ва малакани алгоритм (намуна) бўйича бевосита талаба бошчилигида ишга солишни ташкил этишга асосланган ўқитиш ва билим олиш усуллари:

- китоб билани ишлаш;

- лаборатория усули;
- машқлар.

**Учинчи гуруҳ** — таълимга муҳокама ва ривожлантирувчи характер берувчи, таълим олувчиларни маҳсулдор фаолиятини таъминловчи дарс бериш ва ўқитиш усуллари:

- ўқув суҳбати;
- давра суҳбати;
- баҳс;
- мияга хужум (брейнсторминг);
- ишбилармон ёки ролли ўйин;
- “пинборд”;
- “ақлий хужум”.

**Тўртинчи гуруҳ** — талабалар томонидан муаммони тушуниш ва ечиш, мустақил билим олишни кучайтирадиган ва шунга ундайдиган усуллар:

- муаммоли топшириқлар усули;
- индивидуал (амалий) усул;
- лойиҳалар усули.

Таълим бериш тамойили - бу таълим бериш назариясининг асос қилиб олинадиган қоидалари бўлиб, бунда ўқитувчилар ўқув-тарбиявий ишлар жараёнини ташкил этиш ҳамда дарс беришда уларга амал қилишлари лозим. Таълим бериш назариясидаги қоидалар - таълим беришнинг дидактик тамойиллари бўлиб, буларга тарбиявий ўқитиш, ўқув материалнинг илмий жиҳатдан тўғрилиги, ўқитишнинг кўрғазмали бўлиши, ўқитишни амалиёт - ишлаб чиқариш билан (алоқаси) боғланганлиги, илмларнинг онгли равишда ўзлаштирилиши, ўқув материални тушунтириш ва ўргатишнинг изчиллиги ва мунтазамлиги, ўқитишнинг содда ва тушунарли бўлишлиги, ижодий қобилиятларни ўстириш, ўқув ва тарбиявий жараёнларни бозор муносабатлари қоидалари асосида ташкил этиш (қуриш), билимлар ўзлаштиришдаги пухталиқ, ҳар бир талабага яқка тартибда ёндошиш киради. Тарбиявий ўқитиш-бакалаврлар тайёрлашдаги етакчи тамойил. Бу борада фан ўқитувчиларининг вазифаси фақат ўқитилаётган фан соҳаси тарихини баён қилишдан иборат бўлмай, балки фаннинг ҳар бир жабҳада эришган ютуқларини (илғор ва қимматли томонларини) кўрсатишдан иборатдир. Тарбия масалалари ҳар қандай шаклдаги ўқув машғулотларининг (маъруза, лаборатория-амалий машғулот, маслаҳат, ишлаб чиқариш таълими ва амалиёти, рейтинг-имтиҳон) асосини ташкил қилиши лозим. Ҳар бир дарс олдидан шарқ мутафаккирларининг таълим-тарбияга оид ғояларини, миллий истиқлол мафқурасининг илмий асосларини, жамиятимизнинг маънавий янгиланиш

тамойилларини қизиқарли суҳбатларда қисқача тушунтириш мақсадга мувофиқдир.

Табиийки, дарс жараёнида ва дарсдан ташқари ҳолатларда ўқитувчининг ибратомуз хатти-ҳаракати катта рол ўйнайди. Айниқса, интерфаол усулларни қўлаш жараёнида ўқитувчидан жуда катта маҳорат, билим ва тажриба талаб этилади.

Интерфаол ўқитишда ўқитувчи ўқув фаолиятининг фаол ташкилотчиси бўлиб, талаба бу фаолиятнинг субъекти сифатида намоён бўлади. Интерфаол усуллар талабалардан ахборотларни ўзлаштириш жараёнидаги фаолликни, ижодкорлик, мустақилликни шакллантирибгина қолмай, ўқитиш мақсадларининг тўлақонли амалга ошишига ёрдам беради. Бугунги кунда ўқитиш тизимидаги энг самарали интерфаол ўқитиш методлари ва техникаларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин бўлади: “Синквейн”, “Кластер”, “Чархпалак”, “Ақлий ҳужум”, “Скрабей”, “Икки қисмли кундалик”, “Венн Диаграммаси”, “Тушунчалар таҳлили”, “Дебатлар”, “6-3-5”, “Аквариум”, “Давра суҳбати”, “Инсерт”, “Ассесмент”, “Фидбейк”, “Пинборд”, “Жуфтликларда ишлаш”, “Бешинчиси ортиқча”, “Чорраҳа” техникаси ва ҳ.к.

Шу ўринда миллий ғоя фанини ўқитишда юксак педагогик маҳорат асосида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш йўлларига қисқача тўхталиб ўтишга ҳаракат қиламиз.

Масалан “Ақлий ҳужум” методи. Бу метод орқали талабаларга саволларни бериш билан ўқитувчи аввало ўтган дарсларни мустаҳкамлайди, янги мавзунини ойдинлаштиради, мавзулараро боғланишга эришади, талабаларда эркин фикр, мустақил дунёқарашни шакллантириб, фикрларни зудлик билан жамлаш, тез, аниқ ва лўнда жавоб бериш, вазиятни тўғри баҳолаш каби кўникмаларни уйғотади.

Дарс жараёнида “Ақлий ҳужум”дан мақсадли фойдаланиш ижодий, андозасиз тафаккурлашни ривожлантириш манбаи ҳисобланади. “Ақлий ҳужум”ни уюштириш содда бўлиб, ундан таълим мазмунини ўзгартириш жараёнида, ишлаб чиқариш маммолари ечимини топишда ҳам фойдаланиш мумкин. Дастлаб гуруҳ йиғилиб, улар олдида муаммо қўйилади. Бу муаммо ечими тўғрисида иштирокчилар ўз фикрларини билдиришади. Бу босқичда ҳеч кимнинг ўзгалар ғоясига “ҳужум” қилиши ёки баҳолашига ҳаққи йўқ. Демак, “Ақлий ҳужум”да қисқа вақтда ўнлаб ғояларнинг юзага келиши имкониятлари мавжуд бўлади. Аслида, ғоялар сони мақсад эмас, улар муаммо ечими учунгина асос бўлади. Бу метод шартларидан бири қатнашувчиларнинг ҳар бири ташқи таъсирсиз фаол иштирокчи бўлиши керак.

“Ақлий ҳужум” қоидаларини қуйидагича белгилаш мумкин:

- олға сурилган ғоялар баҳоланмайди ва танқид остига олинмайди;
- иш сифатига эмас, санига эътибор қаратилади, ғоялар қанча кўп бўлса, шунча яхши;
- исталган ғояни мумкин қадар мукаммаллаштириш ва ривожлантириш мумкин;
- муаммо ечимидан ғоялар ҳам қўллаб қувватланади;
- барча ғояларнинг асосий мавзулари(фаразлари) ёзиб олинади;
- “хужум” вақти аниқланади ва унга риоя қилиниши шарт;
- саволларга қисқача(асосланмаган) жавоблар бериш кўзда тутилади.

“Ақлий хужум” методи қийин вазиятдан қутулиш чораларини топишга, муаммони чегарасини кенгайтиришга, фикрлар хилма-хиллигига эришишга ва тафаккур доирасини кенгайтиришга имкон беради. Энг асосийси, муаммони ечиш жараёнида ижодий ҳамкорлик кучайиб, гуруҳ(аудитория ёки синф) янада жипслашади.

“Ақлий хужум” методи қўлланиш мақсадига кўра, универсал ҳисобланиб, илмий изланишлар жараёнида янги муаммони ечишга имкон яратади, ўқитиш жараёнида ўқув материалларини тезкор ўзлаштиришга ёрдам беради, фикрни мустаҳкамлашда асқотади, яъни талабада ўз-ўзини бошқариш асосида фаол фикрлашни шакллантиради.

“Ақлий хужум” методини қуйидагича тартибда қўллаш мумкин. Мазкур методнинг иштирокчилари муаммо мулоҳаза-таклифларни билдиришлари мумкин, айтилган фикрлар ёзиб олинади. Метод самараси фикрлар хилма- хиллиги билан тавсифланади ва улар танқид қилинмайди, қайтадан ифодаланмайди. “Ақлий хужум” тугагач, энг яхши таклифлар бирлаштирилиб, муаммонинг ечими учун зарур бўлганлари танлаб олинади.

“Ақлий хужум” бу методи америкача “Ақлий хужум” методи бўлиб, бугунги кунда таълим тизимида анча оммалашди. Талабаларнинг мустақил дунёқараши, эркин тафаккурини ривожлантириш мақсадида дарс жараёнларида ушбу методни фойдаланиш кутилган самарани бериши шубҳасиз.

“Ақлий хужум” методи бўйича талабалар мустақил ўқиб, изланишлари ва муайян маънода билим ва тасаввурларга эга бўлишлари учун ўтган дарсларда улар мазкур мавзу юзасидан керакли адабиётлар ёки ўқитувчи томонидан тайёрланган таянч маъруза матни билан таъминланишлари зарур.

Миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги дарсларда қўлланиладиган методлардан яна бири “Ажурли арра” методи бўлиб, бу метод тузилиши жиҳатдан ўзида қуйидаги босқичларни қамраб олади:

1. Топшириқларни бўлиш: “Топшириқ ва матнли материаллар бир нечта асосий қисмларга (ёки мавзулар)га қирқилади”.



2. Бирламчи гуруҳлари: “Ҳар бир гуруҳ аъзолари қирқилган мавзунини оладилар ва экспертга айланадилар”.

3. Эксперт гуруҳлари: “Қўлида бир мавзуга оид ўқув топшириқлари мавжуд бўлган талабалар мавзунини муҳокама қилиш, бошқаларга ўргатиш режасини эгаллаш учун эксперт гуруҳларга бирлашадилар”.

4. Бирламчи гуруҳлар: “Талабалар ўзларининг бирламчи гуруҳларига қайтадилар ва эксперт гуруҳларда ўрганганларини ўқитишади”.

Изоҳ: “Ажурли арра” моҳиятига аниқлик киритиш учун баъзи бир тавсияларни ёритиш лозим.

1. Ўқитиш жараёнида бу тарзда ёндашилганда талабаларнинг ҳамкорликда ишлашга ва қисқа вақт ичида катта ҳажмдаги ахборотларни ўзлаштиришга имкон туғилади.

2. У ёки бу фаолиятни дарсда амалга ошириш учун талабаларга бошланғич ахборотларни узатиш зарурати туғилса, маъруза ўрнини боса оладиган самарали инструментарий ҳисобланади.

3. Ўқитувчи мураккаб мазмунли мавзулар бўйича талабаларни дарсга тайёрлаш учун олдиндан уларнинг ҳар бирига мўлжалланган алоҳида ахборотли пакет тайёрлайди. Унда дарсликдан, қўшимча тарзда газета, журнал, мақолалардан материаллар бўлиши керак.

4. Ҳар бир талаба 2 гуруҳ таркибида иштирок этади: дастлаб “ўз уйи” (бирламчи) гуруҳига бирлашиб, ўқув элементларини мустақил ўрганишади. Эксперт гуруҳини тезда ташкил этиш учун талабалар олган ахборотли пакетларда ҳар бир мавзуга оид материаллар бир ҳил рангдаги қоғозларга ёзилган ёки рангли қалам билан қоғознинг бирор бир бурчаги бўялгани маъқул.

5. Ҳар бир гуруҳда 3 тадан 5 тагача киши талаба сонига қараб бўлиши мумкин. Ҳар бир талаба “ўз йўл”дагиларни ва қайта учрашиш жойини аниқлаб олиш керак.

6. Ўқитувчи талабаларга “рангли” топшириқлар асосида гуруҳга бирлашишини таклиф этади ва улар алоҳида мавзулар бўйича экспертга айланади. Мисол учун, “қизил” ларни ҳонаси охирида, “кўк”ларни эса аудитория йўлакчасида учрашиши белгиланади. Ҳар бир эксперт гуруҳда 3тадан кам талаба бўлмаслиги керак.

7. Гуруҳларга ахборотли пакет тарқатилади. Ҳар қайси гуруҳ турли ҳил материаллар тўпламини олишлари ва уларни ўқиши, муҳокама қилиши, айнан шу ахборотлар бўйича экспертга айланиши лозим. Ўқув материаллари бўйича “эксперт” бўлиши учун талабаларга вақт етарли бўлиши керак. Бу учун агар материаллар мураккаб ва катта бўлса, эҳтимол бир дарс тўлиқ талаб қилинади.

8. Талабаларга қуйидагича топшириқлар берилади:

- пакетдаги материалларни кунт билан ўрганинг ва муҳокама қилинг;
- бир-бирингиздан сўранг ва ўқув материалларини ҳар бирингиз тушиниб олганингизга ишонч ҳосил қилинг;
- ўз уйингиз гуруҳини ўқитиш зарурлигини ҳисобга олиб материалларнинг муҳим ўқув элементларига эътиборни қаратинг.

9. Талабалар ўз уйларига қайтишларини илтимос қилинг. Ҳар бири ўз “уйи” – гуруҳига ахборот беради. Шаксиз, “уй” гуруҳида эксперт гуруҳларидан биттадан талаба бўлиши шарт. Талаба ўрганиб келган материалларни ўз гуруҳи талабаларига ўргатиш жавобгарлигини бўйнига олиш лозим. Бу жараён ўқув материалларининг ўзлаштириш зарурлигига қараб яна бир соат давом этиши мумкин.

10. Талабалар бир-бирларидан ахборотларни ўрганишиб бўлишгач, ўқитувчи олдиндан режалаштирган фаолият турини ўтказиши мумкин.

Миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги дарсларда қўлланиладиган методлардан яна бири мунозара методидир. Бу метод ёрдамида талабаларга муайян муаммо бўйича тўлиқ ахборотлар етказилади, мунозара учун танланган мавзунини талабалар аёвсиз “штурм” қиладилар ва пировард натижада муаммога тегишли маълумотларни атрофлича ўрганалидар.

Мунозарани ўтказиш методикаси:

1. Мунозара олиб борувчи-бошловчи (ўқитувчи, журналист, бошлиқ ва ҳоказо) мавзунини олдиндан танлайди ва иштирокчиларни таклиф этади.

2. Бошловчи иштирокчиларга “ақлий ҳужум” топшириғини беради ва унинг қоидаларини тушунтиради:

- “ҳужум”дан мақсад – муаммо ечимига оид вариантларни мумкин қадар кўпроқ таклиф этиш;

- ўз ақл-идрокингизни марказлаштиришга ҳаракат қилинг ва диққатни муаммо ечимига қаратган ҳолда фикрлар билдиринг. Билдирилган ғоялар умумий фикрга зид бўлсада, ҳеч бири рад этилмайди;

- бошқа иштирокчилар ғоялари ҳам ривожлантирилади ва ҳқ.

Миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанларни ўқитишда

**“Венна диаграммаси”** методидан фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятга эга:

Маълумки, **Венна диаграммаси** методи икки ва ундан ортиқ жиҳатларни ҳамда умумий томонларини солиштириш, таққослаш ёки қарама-қарши қўйиш учун қўлланилади. Ушбу метод ўқувчиларда тизимли фикрлаш, солиштириш, таққослаш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Қуйида **“Венна диаграммаси”** методини қўллашга доир намунани келтириб ўтамиз:



Шунингдек, “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналишида талаба ёшларга мамлакатимизда юритилаётган ижтимоий сиёсатнинг мазмун ва моҳиятини атрофлича тушунтиришда мавзунинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги усул ва методлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

“ТАРМОҚЛАР” методи – талабани мантиқий фикрлаш, умумий фикр доирасини кенгайтириш, мустақил равишда адабиётлардан фойдаланишни ўргатишга қаратилган бўлиб, бу метод ижтимоий сиёсатнинг мезонларини ёритишда аҳамиятлидир. Бу усулнинг маъноси – фикрларнинг тармоқланиши. Яна шунингдек, “Тармоқлар” методи – педагогик стратегия бўлиб, у талаба ёшларни ушбу мавзуни чуқур ўрганишларига ёрдам беради. Талаба ёшларни мавзуга тааллуқли тушунча ёки аниқ фикрни эркин ва очиқ равишда кетма-кетлик билан узвий боғланган ҳолда тармоқлашларига ўргатади. Бу усул бирон мавзуни чуқур ўрганишдан аввал талаба ёшларнинг фикрлаш фаолиятини жадаллаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилади. Шунингдек, ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш, умумлаштириш ҳамда талаба ёшларни шу мавзу бўйича тасаввурларини чизма шаклида ифодалашга ундайди.

“3x4” методи – талабаларнинг эркин фикрлаши, кенг доирада турли ғояларни бера олиши, таълим жараёнида яқка, кичик гуруҳ ҳолда таҳлил этиб, хулоса чиқара олиши, таъриф бера олишига қаратилган.

“БЛИТС-ЎЙИН” методи – ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри ташкил этишга, мантиқий фикрлашга, ўрганаётган предмети асосида кўп, хилма-хил фикрлардан, маълумотлардан кераклигини танлаб олишни ўргатишга

қаратилган бўлиб, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда ижтимоий сиёсатнинг ўрни ва аҳамиятини ёритишда бу методдан унумли фойдаланиш мумкин.

“ИНТЕРВЬЮ” техникаси - талабаларга савол бериш, эшита олиш, тўғри жавоб бериш, саволни тўғри тузишни ўргатишга қаратилган. Ўз ўрнида талаба ёшлар мавзунинг моҳиятини тўлақонли англаб етишларида мазкур метод муҳим аҳамият касб этади.

“ИЕРАРХИЯ” техникаси – оддийдан мураккабга, мураккабдан оддийга ўтиш усулларини қўллаш орқали уларни мантиқий, танқидий, ижодий фикрлашга ўргатишга қаратилган бўлиб, ушбу техникани қўллаш айнан ижтимоий сиёсатнинг моҳиятини оддийдан мураккабга томон тушунтириб боришга ёрдам беради.

“ТАЛАБА” тренинги - талабалар билан индивидуал ҳолда ишлаш ўқитувчи ва талаба ўртасидаги тўсиқни йўқ қилиш, ҳамкорликда ишлаш йўллариини ўргатишга қаратилган, унинг негизида айнан ижтимоийлашув мезони ётади.

“ЎҚИТУВЧИ ШАХСИ” тренинги – ўқитувчининг инновацион фаолиятини очиб берувчи “Ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар” мавзусидаги мустақил фикрлашга, ижодий иншо ёзиш орқали фикрларни баён қилишга қаратилган.

“МУЛОҚОТ” техникаси ўқитувчиларни аудитория диққатини ўзига жалб этиш, дарс жараёнида ҳамкорликда фаолият кўрсатишга, уни ташкил этишни ўргатишга қаратилган.

“БОШҚАРУВ” техникаси ўқитувчиларни аудиторияни бошқаришдаги усуллари ҳамда талабаларни иш жараёнида бошқариш усуллари билан таништирувчи ва шунга ўргатишга қаратилган.

Юқорида келтирилиб ўтилган усул ва методлар ўқув жараёнида керак бўлувчи малака, хотира, фикрлаш, диққат ва тасаввур кабиларни шакллантирувчи омиллар ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги ёшларимизни ижтимоий фаол, билими ва тайёргарлиги давр талаби даражасида бўлган, онги ва тафаккури юксак, баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш – ҳар бир педагогнинг олийжаноб бурчидир.

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР МАЗМУНИ

#### **1-мавзу: МИЛЛИЙ ҒОЯ, МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ВА ҲУҚУҚ ТАЪЛИМИ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИОН МУҲИТИНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ ЯХЛИТ ТИЗИМ СИФАТИДА**

##### **Режа:**

1. Таълим жараёнини лойиҳалаштириш. Лойиҳавий таълимнинг ривожланиш тарихи. Лойиҳавий таълимнинг муҳим белгилари.
2. Лойиҳавий таълим турлари. Таълим жараёнини лойиҳалашнинг асосий қонуниятлари ва тамойиллари.
3. Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими фанларини ўқитишнинг инновацион муҳити.
4. Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими фанларини ўқитишнинг инновацион муҳитини лойиҳалаштириш.

**Таянч тушунчалар:** Таълим жараёни, лойиҳа, инновацион муҳит, таълим жараёнини лойиҳалаштириш, лойиҳавий таълим, технология, педагогик технология, технологиялаштириш, таълим жараёнини технологиялаштириш, тарбия жараёнини технологиялаштириш, инновация, миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими фанларини ўқитишнинг инновацион муҳити.

##### **1. Таълим жараёнини лойиҳалаштириш. Лойиҳавий таълимни ривожланиш тарихи. Лойиҳавий таълимнинг муҳим белгилари.**

Олий таълим республикамиз таълим тизимининг муайян соҳалар бўйича мутахассислар тайёрловчи энг юқори таълим босқичи бўлиб, талабаларни соҳавий, касбий фаолиятига йўналтириш, ҳар бир фанни мутахассислик йўналиши билан боғлаб бориш, талабаларнинг мустақил ўқиб-ўрганиш фаолиятини ривожлантиришга кенг эътибор қаратиш кўзда тутилади. Шундан келиб чиқиб, олий таълимдаги дидактик тамойиллар тизимида илмийлик, онглилик, касбий йўналтирилганлик, фаоллик, мустақиллик ва индивидуаллик каби таълимнинг тарбияловчи ва такомиллаштирувчи тамойилларини ўзаро узвий боғлиқликда қўшиб олиб бориш талаб қилинади.

Бугунги кунда олий таълим тизимида фаолияти олиб борувчи ҳар бир педагогнинг ўз олдига қўйган педагогик вазифасига эришишида ўқитувчи ва талаба фаолиятларининг мазмуни, воситаларини лойиҳалаш муҳим ўрин

тутмоқда. Аслида ҳам ўқитувчи касбий фаолиятини ташкил этишда таълим жараёнини лойиҳалаштириш алоҳида аҳамиятга эга. Ҳар бир ўқув курси каби миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналишидаги фанларни ўрганиш ҳам алоҳида мавзу ва бўлимларни лойиҳалаштириш асосида амалга оширилади.

Таълим жараёнини лойиҳалаштириш – педагогик фаолият кўриниши бўлиб, у таълим жараёнининг технологик тузилма ҳамда ўқитиш натижасини кафолатловчи метод ва воситалар йиғиндисига эгаллиги билан тавсифланади.

Лойиҳавий таълим педагогика амалиётида 300 йилдан ортиқ қўлланилиб келмоқда. Немис педагоги М. Кноллнинг тадқиқотига кўра, “лойиҳа” тушунчасининг пайдо бўлиши XVI асрга тааллуқли бўлиб, италиялик меъморларнинг меъморликни фан деб эълон қилиб, уни ўқув фанлари даражасига чиқарган ҳолда ўз фаолиятларини касбга айлантиришга уринишлари билан боғлиқ.

XVIII аср охирида муҳандислик касблари пайдо бўлиши натижасида ўқув лойиҳаси дастлаб Франция, сўнгра Германия, Австрия, Швейцарияда, XIX аср ўрталарида эса АҚШдаги техника ва саноат олий мактабларида қўлланила бошланган.

Америкалик педагоглар В. Килпатрик, Е. Коллингс ва Е. Пархерстнинг ишларида ривожлантирилди, улар таҳсил олувчиларнинг нафақат фаол ўрганиш фаолияти, балки биргаликдаги меҳнат, ҳамкорлик асосидаги фаолиятини ташкил эта бошладилар.

Лойиҳалар усули «ўқитиш усули» дидактик тоифа сифатида XIX аср бошларида шаклланди. Бу даврда прагматик педагогика доирасида «эркин тарбия» ғоялари юзага келди.

1911 йилда АҚШ Тарбия бюроси «лойиҳа» атамасини қонунлаштирди ва у америка педагогикасида янада мустаҳкамлана бошлади.

Ўқув лойиҳаси – бу ўрганилган мавзу ёки бўлимни янада чуқурроқ ўрганишга йўналтирилган, таълим жараёнига тажриба, фаолият асосида ёндашувга имкон берувчи, тадқиқотчилик ва изланишга доир методлардан фойдаланишни талаб этувчи таълимни ташкил этиш шакли.

Лойиҳа (design - дизайн) – баъзи мураккаб ишланмаларни яратиш бўйича ҳужжатлар йиғиндиси. Лойиҳа (projekt) тушунчаси кенгроқ маънода маълум натижа (лойиҳанинг бекиёс маҳсули)га эга мақсадли фаолиятни ташкил этиш учун бирор-бир ташкилий шаклни белгилаш учун фойдаланилади.

Лойиҳалаштириш – реал натижага олиб келувчи, қатъий тартибга солинган ҳаракатлар изчиллигини ўз ичига олувчи муаммони ўзгартирувчи фаолиятни англатади.

Таълимий тавсифдаги лойиҳалаштириш ўқитувчи томонидан талабанинг муаммони излаш, уни ҳал этиш бўйича фаолиятини режалаштириш ва ташкил этишдан то (интеллектуал ёки моддий маҳсулотни) оммавий баҳолаш учун уни ҳал этиш усулини тақдим этишгача мустақил ҳаракат қилишини таъминловчи махсус ташкил этилган мақсадли ўқув фаолиятидир.

“Ўқув лойиҳаси” тушунчаси кенг қамровга эга бўлиб, қуйидаги мазмунга эга:

- муайян истеъмолчига мўлжалланган, муаммоларни излаш, тадқиқот қилиш ва ечиш, натижани ноёб (моддий ёки интеллектуал) маҳсулот кўринишида расмийлаштиришга қаратилган талабаларнинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил қилиш усули;

- назарий билимлар орқали амалий вазифаларни ечишга қаратилган ўқув воситалари ва куроллари;

- ривожлантирувчи, таълим ва тарбия ҳамда билимларни кенгайтириш, чуқурлаштириш ва малакаларни шакллантиришга қаратилган дидактик восита.

Ўқув лойиҳасидан фойдаланиш ўзида қуйидаги мақсадларни акс эттиради:

- лойиҳавий таълим жараёни иштирокчиларида ўз-ўзига ишончни қарор топтириш, эгалланган билимларни амалиётда қўллай олишга эришиш;

- тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш;

- қўлга киритиладиган натижа учун талабаларда жамоа бўлиб ишлаш, ижодий топшириқларни бажариш жараёнида биргаликда ҳамкорликдаги фаолиятга доир кўникма ва малакаларни ривожлантириш.

Ўқув лойиҳасини ишлаб чиқиш босқичлари:

1. Тайёргарлик (мотивация, муаммоли вазиятларни аниқлаш, мавзунини танлаш, лойиҳанинг мақсадини белгилаш).

2. Лойиҳалашга доир (умумий режани ишлаб чиқиш, фаолиятни амалга оширишнинг аниқ режасини тузиш, танлаб олинган нуқтаи назар билан боғлиқликда топшириқларни талабалар ўртасида тақсимлаш, мустақил иш, гуруҳли иш, семинар, “ақлий ҳужам”, практикум...).

3. Амалий (муаммони тадқиқ этиш, маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш, натижа олиш, натижаларни синовдан ўтказиш, натижаларни график кўринишида тақдим этиш, ҳужжатларни расмийлаштириш).

4. Аналитик (режалаштирилган ишлар ва олинган натижаларни таққослаш, умумлаштириш ва хулосалаш).

5. Назорат ва баҳолашга доир (мувафақиятларни ва йўл кўйилган хатоларни таҳлил этиш, хатоларни тўғрилаш йўллари излаш, реал ҳолат билан боғлиқликда лойиҳага ўзгартиришлар киритиш).

6. Якуний (иш мазмуни билан таништириш, хулосаларни асослаш, лойиҳа ҳимояси).

Таълим муассасаларида таълим жараёнини лойиҳалаш икки даражада: а) ўқитувчи фаолияти даражасида (таълим жараёнининг алоҳида қисмларини лойиҳалаш); б) таълим менеджери фаолияти даражасида (таълим жараёнини яхлит лойиҳалаш) амалга оширилади. Таълим жараёнини лойиҳалашда нафақат ҳар бир таркибий қисм, балки улар орасидаги алоқалар ҳам моделлаштирилади ҳамда лойиҳалаш қонуниятлари лойиҳалаш тамойилларининг назарий асосларини ишлаб чиқишга, педагогик фаолият амалиётида қўллашга замин тайёрлайди.

Лойиҳавий таълимнинг муҳим белгилари:


Муаммога йўналтирилган ўқув изланишини тизимли ташкиллаштириш ўқув муҳитини яратади;

Талабаларга мустақил ҳаракат қилиш, (амалиётга йўналтирилган) аниқ якуний натижа олишни таъминловчи ўқув муҳитини яратади;

Муаммога йўналтирилган ўқув изланишини тизимли ташкиллаштириш ўқув муҳитини яратади;

Фан билимларини мустаҳкамлашга ва уларни ривожлантиришга ёрдам берувчи ўқув муҳитини яратади;

Ҳақиқий ҳаёт билан таълимнинг мустаҳкам алоқасини ўрнатади.





## 2. Лойиҳавий таълим турлари. Таълим жараёнини лойиҳалашнинг асосий қонуниятлари ва тамойиллари

Ҳозирги вақтда таълим амалиётида ўқув лойиҳасининг хилма-хил турларидан фойдаланилади:

- 1) етакчи фаолият турига кўра: тадқиқот, амалий йўналтирилган ва ахборотли;
- 2) фанга йўналтирилганлигига кўра: монолойиҳа ва фанлараро лойиҳа;
- 3) давомийлигига кўра: узоқ муддатли, ўрта муддатли, қисқа муддатли;
- 4) лойиҳа иштирокчиларининг сонига кўра: индивидуал ва гуруҳли.

Умумтаълим фанларини ўқитиш жараёнида одатда, фанга доир амалий кўникма ва малакаларни ривожлантириш зарурияти пайдо бўлади. Бундай ҳолатда амалий йўналтирилган лойиҳалардан фойдаланиш яхши самара беради. Энг оддий ҳолатда, ўқитувчи талабалардан фанга доир тарқатма материаллар ёки математик ўйинлар сценарийси, фразеологик луғатлар, тарихий атласлар яратиш топшириғини буюриши мумкин. Амалий йўналтирилган лойиҳалар билан ишлаш жараёнида талабаларда нафақат фанга доир билим, кўникма ва малакалар ривожланибгина қолмай, балки фаолиятга доир компетентлик ҳам қарор топади.

Ўқув лойиҳаларининг яна бир муҳим жиҳати уларда қандайдир маҳсулотнинг яратилишида ўз аксини топади. Ижодий лойиҳалар кўпинча турли жанрдаги санъат асарларини яратиш ёки ижодий тадбирлар ўтказиш билан якунланади.

Амалий йўналтирилган лойиҳалар қоидага мувофиқ моддий маҳсулотлар, баъзан тадбирлар кўринишида ёки ёзма кўрсатмалар, тавсиялар шаклида тугалланади.

Тадқиқотчиликка доир лойиҳалар натижасида илмий мақолалар, рисоалар, моделлар ёки макетлар, ўқув фильмлари, тақдимотлар яратилади.

Ахборий тавсифдаги ўқув лойиҳаларининг якуний натижаси талабалар қоғоз вариантда ёки Интернетда жойлаштиришлари мумкин бўлган рисола, жадваллар, чизмалар, графиклар, диаграммалар тарзида шакллантирилади.

Ўйинли ва ролли лойиҳалар деярли ҳамма вақт тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш кўринишида намоён бўлади.

Лойиҳани ишлаб чиқиш турли манбалардан: монография, журнал мақолалари, газета нашрлари, социологик сўровномалар, электрон маълумотларни излаш билан боғлиқ.

Лойиҳа натижаси – буклет, нашр, Интернет саҳифаси шаклидаги тақдим этилган, танлаб олинган, таҳлил қилинган, умумлаштирилган, тизимлаштирилган ахборотдир.

Масалан: “Этномаданият” фани бўйича машғулотда бажарилган назарий лойиҳа ва ўзбек халқининг этнохусусиятлари ва этномаданиятини тадқиқ ва таҳлил қилишга йўналтирилган лойиҳа “Ўзбек халқининг асрлар давомида шаклланган этно маданияти” видеофильмини тайёрлаш билан борилади ва бу ўқув материали сифатида қўлланилади.

Таълим жараёнини лойиҳалашнинг бир неча қонуниятлари мавжуд. Улар:

1) таълим жараёнининг лойиҳалаш самарадорлиги барча таркибий қисмлар (технологик бошқарув, восита, ахборот, ижтимоий-психологик муҳит)нинг лойиҳада мақсадга мувофиқ ёритилиши асосида таъминланади;

2) таълимнинг технологик воситалари талабаларнинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ ҳолда танланади;

3) лойиҳалаш стратегиялари ўқитувчининг индивидуал услубига мувофиқ танланади;

4) лойиҳалаш сифати тескари алоқа (ўқитувчи ва талаба ўртасидаги) қўлами, лойиҳалаш мазмуни, шунингдек, барча омиллар самарадорлигига боғлиқ.

Моҳиятига кўра таълим жараёнини лойиҳалашнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

1. Марказлаштириш тамойили технологик жараёнда талабалар фаолияти моделини лойиҳалашнинг бош элементи сифатида ифодаланади. Таълим жараёни тузилмасида асосий тизимлаштирилувчи таълим мазмуни ва талаба фаолияти технологик жараён ҳисобланиб, унинг мазмунини талабаларнинг ижтимоий тажриба асосларини ўзлаштириб олишга йўналтирилган ўқув фаолияти ташкил этади. Ҳар бир ўқув фани бўйича таълим мазмуни умумий таълим мақсади ва вазифаларига мувофиқ белгиланади. Фаолиятли ёндашув нуқтаи назаридан умумий ўрта таълим мазмунини ташкил этувчи ҳар бир унсур (элемент) субъект фаолиятининг турларидан бирига мувофиқ келиши керак. Субъект фаолиятининг турлари, ўз навбатида, аниқ моделлар йиғиндиси сифатида умумлашган фаолият моделлари орқали ифодаланиши зарур. Талабалар фаолияти модели тизимлаштирилувчи элемент бўлиб, талабанинг яхлит фаолияти мазмунини аниқлашга хизмат қилади. Марказлаштириш тамойили лойиҳалашни қуйидаги тартибда амалга оширишни талаб этади: фаолият моделларини мақсадга мувофиқ яратиш, уларни талабалар томонидан ўзлаштириш усуллари, воситаларини танлаш (технологик операциялар), ўқув фаолиятини бошқариш усуллари (ўқитувчи фаолияти)ни асослаш.

2. Рефлексивлик тамойили субъектнинг ўзига, шахсий фаолиятига ва билимига баҳо бериши, ўзгаларнинг у ҳақидаги фикрлари ва улар ўртасидаги ҳамкорлик фаолиятига оид муносабатларни тавсифлайди. Лойиҳалаш

жараёнида ўқитувчига доимо таълим жараёни, унинг аниқ ва идеал шароитлари, талабаларнинг билишга бўлган эҳтиёжлари, уларни тўлдириш имкониятлари, шахсий сифат ва қобилиятлари, педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш имкониятларини инобатга олиш мақсадга мувофиқ. Рефлексивлик тамойили яратиладиган таълим жараёнининг лойиҳасини таълим жараёни иштирокчиси – субъектнинг эҳтиёжлари ва имкониятларини таҳлил қилиш асосида узлуксиз тузатиб, тўлдириб боришни талаб этади.

3. Натижавийлик тамойили педагогик шарт-шароитларнинг қулайлиги, оз вақт ва куч сарфлаш эвазига самарали натижаларга эришишни тавсифлайди. Натижавийлик- ижтимоий тажриба фаолият моделлари мазмуни, технологик операциялар, уларни ўзлаштириш, бошқариш услубларини танлаш, ўқув фаолиятининг мувофиқлиги, таълим-тарбия воситалари, технологик жараёнда субъектнинг қисқа вақт ва куч сарфлаши воситасида белгиланган мақсадга эришишни назарда тутиши лозим.

4. Кўп омиллилик тамойили. Ҳар бир таълим жараёни бир қатор объектив ва субъектив омиллар таъсирида амалга ошади. Улар сирасига ўқитувчи ва талабаларнинг ижтимоий–иқтисодий ҳаёт шароитлари, таълим муассасалари атрофидаги ижтимоий ишлаб чиқариш ва табиий иқлим муҳити, ўқув муассасасининг ўқув-моддий базаси, ўқитувчиларнинг касбий малака даражаси, таълим муассасаси ёки маълум синфдаги маънавий–психологик муҳит, талабаларнинг ўқув имкониятлари, синфнинг интеллектуал салоҳияти, жамоанинг шахслараро муносабатлари киради. Таълим жараёнини лойиҳалашда ўқитувчи ана шу омилларни ҳисобга олиши зарур.

5. Талаба шахсини таълим жараёнига мослаштириш тамойили. Бола мактаб остонасига қадам қўйганидан бошлаб унинг фаолият кўлами (ўз-ўзига хизмат, меҳнат, дам олиш тарзида) кенгаяди. Бу каби фаолият кўникмаларини эгаллаши натижасида ижтимоий тажрибага эга бўлиб боради. Шунинг учун таълим жараёнининг самарали бўлиши, уни лойиҳалашда таълим мазмуни ва бошқа фаолият моделлари ҳисобга олинishi, уларни талабалар кундалик ҳаёт фаолиятида эгаллаб бориши таъминланиши зарур. Айни вақтда умумий таълим муассасаларида шахсни ривожлантириш ва уни ижтимоий ҳаётга мослаштириш муайян қонуниятларга мувофиқ психолог ва социологларнинг иштироклари (психопедагогик ташхис хулосаси) асосида амалга оширилади.

6. Таълим жараёнида табиий ривожланиш ва ижтимоийлашув тамойили. Табиий жараёнлар моҳиятини билиш таълим жараёнини самарали, талабаларнинг ёш хусусиятлари, сензитив ривожланиш даврлари, ривожланишнинг кейинги босқичига ўтиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш имконини беради. Тамойилнинг мазмуни таълимни

ижтимоийлаштириш, талабалар томонидан ижтимоий тажрибани индивидуал қонуниятлар асосида ўзлаштирилиши билан изоҳланади.

Таълим жараёнини лойиҳалашда ўқитувчи лойиҳачи ва бажарувчи сифатида лойиҳани амалга оширишнинг қулай йўлини танлайди. Лойиҳалашда талабани ўқув фаолиятига йўналтирувчи усуллар, мустақил таълим шакли, ўз-ўзини ривожлантириш ва ўзини хурмат қилиш имкониятларини аниқлаш зарур.

### **3. Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими фанларини ўқитишнинг инновацион муҳити**

Маълумки, луғавий жиҳатдан “инновация” тушунчаси инглиз тилидан таржима қилинганда (“innovation”) “янгилик киритиш” деган маънони англатади. “Инновация” тушунчаси мазмунан аниқ ҳолатни ифодалайди.

“Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”да кўрсатилишича, инновация қуйидагича мазмун ва тушунчаларга эга: “Инновация (ингл. “innovations” – киритилган янгилик, ихтиро) – 1) техника ва технология авлодларини алмаштиришни таъминлаш учун иқтисодийга сарфланган маблағлар; 2) илмий-техника ютуқлари ва илғор тажрибаларга асосланган техника, технология, бошқариш ва меҳнатни ташкил этиш каби соҳалардаги янгиликлар, шунингдек, уларнинг турли соҳалар ва фаолият доираларида қўлланиши”<sup>1</sup>.

Агар фаолият қисқа муддатли, яхлит тизим хусусиятига эга бўлиб, фақатгина тизимдаги айрим элементларни ўзгартиришга хизмат қилса у новация (янгилик) деб юритилади. Борди-ю, фаолият маълум концептуал ёндашув асосида амалга оширилиб, унинг натижаси муайян тизимнинг ривожланишига ёки уни тубдан ўзгартиришга хизмат қилса, у инновация (янгилик киритиш) деб аталади.

Илмий адабиётларда “новация” (янгилик, янгилик) ҳамда “инновация” (янгилик киритиш) тушунчаларининг бирбиридан фарқланишига алоҳида эътибор қаратилади. Мисол учун, В.И. Загвязинскийнинг эътирофи эътибори, “янги”, “янгилик” тушунчаси нафақат муайян ғояни, балки ҳали амалиётда фойдаланилмаган ёндашув, метод ҳамда технологияларни ифодалайди. Аммо бунда жараён элементлари яхлит ёки алоҳида олинган элементларан иборат бўлиб, ўзгариб турувчи шароит ва вазиятда таълим ва тарбия вазифаларини самарали ҳал этиш ғояларини ўзида акс эттиради. Дарҳақиқат, янгилик – восита саналиб, у аксарият ҳолатларда янги метод, методика, технология ва б. кўринишида намоён бўлади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Зебунисо-Кониғил / 4-том. Бош таҳрир хайъати аъзолари: М.Аминов ва б. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002, 169-бет.

Миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларни ўқитиш дарсига тайёрланишда биринчи навбатда талабаларга янги дарс материали юзасидан қандай меъёрда тайёрланганлигини, бунинг учун нимани такрорлаш зарурлигини аниқлаш керак.

Ўқитувчи миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанлар дастурини, ишчи режасини, дарслик ва ўқув кўлланмаларини, методик адабиётларни ва кўрсатмали қуролларни ҳозирлагандан кейин навбатдаги дарсга тайёргарликни бошлайди. Энг аввало навбатдаги дарс миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанлар дастурида қайси ўринда, қайси мавзулар билан боғлиқ ҳолда, тушунчани нималарга боғлаб тушунтириш кераклигини аниқлайди.

Бу саволларнинг ҳаммаси баён қилинганидан кейин дарснинг асосий дидактик мақсадини ва унинг типик хусусиятини катъий ўрганиш кераклиги келиб чиқади. Бу эса дарснинг мазмунини аниқлашга ёрдам беради. Дарснинг дидактик мақсадида унинг мазмунидан дарснинг бир тизимга, яъни дарснинг алоҳида бўлимларининг бирлашиши, уларнинг органик бирлиги дарснинг қисмларини тўлдирди ва ўзаро бир-бирини боғлайди. Дарснинг режа ёки матнини тузишда мавзунинг дидактик мақсадига жавоб берувчи асосий қисмларни тузишдан бошлаш керак. Агар дарс янги билимларни баён қилишдан иборат бўлса, ўтган дарсдан нималарни такрорлаш кераклигини, бу асосда янги мавзунини яхши ўзлаштириш мумкинлигини, яъни мавзудан уй вазифасини текшириш зарурми ёки йўқми, янги мавзунини ўзлаштириш учун талабаларга қайси топшириқни тавсия қилишлигини ўйлаб кўриш керак. Шундан кейин ўқитувчи қайси ўқув материали билан дарснинг айрим қисмини тўлдириш зарурлигини, ўқитишнинг қайси метод ва усулларини қўллаш, қандай кўргазмаларни қуролларни тайёрлаш ва қўллаш мумкинлигини ҳисобга олади.

Дарснинг ҳар бир бўлимини бажариш учун қанча вақт талаб қилишни аниқлаш зарур. Табиийки, дарснинг энг катта қисми дарснинг асосий дидактик мақсадини ечадиган бўлимга қаратилиши зарур.

Шундай қилиб, ўқитувчи қуйидаги ишларни бажариши лозим:

- ўқув дастури ва ўқитувчи режасида дарснинг ўрнини аниқлаш
- дарснинг асосий дидактик мақсадини аниқлаш
- дарс мазмунини аниқлаш
- дарс босқичларини тузиб чиқиш
- дарс режасини тузиш
- дарс матнини ёзиш
- дарс ўқиш методларини аниқлаш
- дарсда ва уйга бериладиган вазифаларни бажариш

-кўргазмали қуролларни тайёрлаш

-ҳар бир босқичга сарфланадиган вақтни аниқлаш ва х.з.

Миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанларни ўқитиш дарсининг режа ёки матни ўқитувчига ўқувчилар билан бажарадиган иш турининг умумий йўналиши ва кетма-кетлиги намуналарини кўрсатиб туради.

Ўқитувчи дарс ўтишда тузган режа ёки конспектидан эркин фойдаланади, баъзан тузган режасидан чеккага чиқиш зарурати туғилади. Масалан, талабалар ўқитувчининг баёнини ёмон тушунган бўлсалар, кўшимча тушунтириш ўтказди, талабалар қийналаётган бўлсалар зарурий ёрдам кўрсатади. Билимларни мустаҳкамлаш учун билимларни талабалар қандай тушунганлигини билиш мақсадида сўраш, топшириқларни бажаришини текшириб кўриш мумкин.

#### **4. Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими фанларини ўқитишнинг инновацион муҳитини лойиҳалаштириш**

Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими фанларини ўқитишнинг инновацион муҳитини лойиҳалаштиришда энг катта эътибор талабаларда ижодий қобилиятларини ривожлантиришга қаратилади. Айнан шу жиҳат талабаларга ўзини намоён эта олиш, исталган жанрдаги асарни яратиш имконини беради ва талабаларни гуруҳдаги мақомининг ошиши, ўз-ўзини баҳолашга имкон бериши орқали уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиради. Ҳар қандай ижодий иш уни тақдим этиш ва аудитория билан қайта алоқани тақозо этади. Ана шу сабабли ижодий лойиҳалар талабаларда коммуникатив компетентликни ривожлантиришга катта таъсир кўрсатади.

Коммуникатив кўникмаларни ривожлантириш шунингдек, ўйинли ёки ролли лойиҳалар давомида ҳам амалга ошади. Бундай лойиҳадан кўзланган асосий мақсад муаммони ҳал этиш жараёнида иштирокчиларнинг қамровини кенгайтиришда эркин намоён бўлади. Бунга эришиш учун эса, нафақат ахборотни излаш ёки санъат асарини яратиш, балки бошқаларнинг ҳам фаолиятини ташкил этиш, уларни ишга жалб эта олиш, ишни ҳамма учун қизиқарли бўлишига эришиш лозим бўлади.

Айнан олий таълим муассасаси талабаларининг ёш хусусиятлари билан боғлиқликда ўйинли ва ролли лойиҳалардан фойдаланиш уларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантиришда катта аҳамият касб этади.

Ўқув лойиҳаларидан фойдаланиш жараёнида талабаларнинг ҳам индивидуал, ҳам гуруҳли фаолияти йўлга қўйилади. Ўқув лойиҳаларини баҳолашда аниқ мезонлар ва баҳолаш меъёрларга риоя этилиши лозим.

Ўқув лойиҳаларини баҳолашнинг умумий мезонлари сифатида қуйидагиларни белгилаб олиш мумкин:

- муаммонинг долзарблиги ва аҳамиятини ёритиб бериш;
- муаммонинг тўлиқ ёритилганлиги;
- муаммони ҳал этишдаги оригиналлик;
- артистизм ва ифоданинг ёрқинлиги;
- ахборот технологияларидан фойдалана олиш;
- лойиҳа юзасидан саволларга жавоб бера олиш.

Мазкур умумий мезонлар асосида беш баллик шкала бўйича баҳолашга доир меъёрлар шакллантирилиши мақсадга мувофиқ:

“5” балл: агар талабанинг бажарган иши лойиҳа мавзусига тўлиқ мос келса; муаммо тўла ёритилган бўлса; далилий материаллар тўғри бўлса; муаммо изчил, муайян кетма-кетликда баён этилган бўлса; нутқи равон ҳамда стилистик ва орфографик хатолар мавжуд бўлмаса қўйилади.

“4” балл: агар талабанинг бажарган иши лойиҳа мавзусига тўлиқ мос келса; далилий материаллар тўғри бўлса; муаммо изчил, кетма-кетликда баён этилган бўлса; матн тушунарли ва ёрқин ифодага эга бўлса, ишда жузъий бир ёки икки камчиликка йўл қўйилган бўлса қўйилади.

“3” балл: агар талаба лойиҳа муаммосидан баъзи ўринларда бир оз четга чиққан бўлса; лойиҳада айрим далилий материаллар етарли бўлмаса; баъзи ҳолатларда лойиҳани баён этиш кетма-кетлиги бузилган бўлса; матнда айрим ғализлик ва нутқ ёрқин ифодага эга бўлмаса қўйилади.

“2” балл: агар иш лойиҳа муаммосига тўғри келмаса; далиллар етарли бўлмаса; фикрларни баён этишда кетма-кетлик ва изчилликка риоя этилмаган бўлса, матн қисқа ва тўлиқ бўлмаган кўринишдаги гаплардан тузилган бўлса, яхлитликда лойиҳа мазмунида олти, нутқда эса етти хатолик мавжуд бўлса, қўйилади.

### НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Таълим жараёнини лойиҳалаштириш деганда нимани тушунасиз?
2. Лойиҳавий таълимнинг ривожланиш тарихи ҳақида нималарни биласиз?
3. Лойиҳавий таълимнинг қандай муҳим белгилари мавжуд?
4. Лойиҳавий таълим турларини санаб ўтинг...
5. Таълим жараёнини лойиҳалаш қандай асосий қонуниятларга таянади?
6. Таълим жараёнини лойиҳалашда қандай тамойиллар устувор саналади?

## АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Зебунисо-Кониғил / 4-том. Бош таҳрир ҳайъати аъзолари: М.Аминов ва б. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002.
2. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С. Илғор педагогик технологиялар. – Т.: Ўқитувчи, 2004.
3. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006.
4. Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳолиқова.Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Мет.қўлл. – Т.: Низомий номли ДТПУ, 2013.
5. Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Ҳ., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015.
6. Тоҳириён А., Собирова М., Замонов З. Миллий ғоя туркумига кирувчи фанларни ўқитишда интерфаол таълим методларидан фойдаланиш бўйича услубий тавсиялар. – Т.: РТМ, 2017.

## **2-мавзу: МИЛЛИЙ ҒОЯ, МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ВА ҲУҚУҚ ТАЪЛИМИ ЙЎНАЛИШИДАГИ ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ЎҚУВ- МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ. МЕТОДИК ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ДИДАКТИК ТАЪМИНОТ**

### **Режа:**

1. Олий таълимни ташкил этиш тартиби ва мазмунини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар: давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режа, фан дастурлари, ўқув-услубий мажмуа ва ўқув адабиётлари.
2. Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналишидаги ўқитувчиларнинг ўқув-меъёрий ҳужжатлари.
3. Методик ишлар, миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналишида методик ишларни ташкил этишнинг ўзига хусусиятлари.
4. Дидактика, дидактик таъминот тушунчалари. Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналишида ўқитиладиган фанларнинг дидактик таъминоти.

**Таянч тушунчалар:** олий таълим, меъёрий ҳужжатлар, давлат таълим стандартлари(ДТС), малака талаблари, ўқув режа, фан дастурлари, ўқув-услубий мажмуалар, ўқув адабиётлари, таквим мавзуий режалар, миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналишидаги ўқитувчиларнинг ўқув-меъёрий ҳужжатлари, методик ишлар, дидактика, дидактик таъминот.



**1. Олий таълимни ташкил этиш тартиби ва мазмунини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар: давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режа, фан дастурлари, ўқув-услубий мажмуа ва ўқув адабиётлари**

Олий таълим тизимида фаолият олиб борадиган ҳар бир мутахассис учун соҳанинг асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режа, фан дастурлари, ўқув-услубий мажмуа ва ўқув адабиётлари муҳим аҳамиятга эга. Чунки мазкур меъёрий ҳужжатлар олий таълимни ташкил этиш тартиби ва мазмунини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорининг 1-илоvasи билан тасдиқланган “Ўзбекистон давлат стандарти. Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг давлат таълим стандартлари. Олий таълимнинг давлат таълим стандарти” да таълимга оид бир қатор атамалар тавсифланган. Жумладан, олий таълимнинг давлат таълим стандарти, **малака талаблари**, ўқув режаси, ўқув фани дастури тушунчалари қуйидагича изоҳланган:

**олий таълимнинг давлат таълим стандарти** – муайян таълим соҳасига (соҳа таркибига) қўйиладиган малака талаблари, таълим мазмуни, битирувчилар умумий тайёргарлигининг зарурий ва етарли даражасини, кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш даражаларини белгиладиган эталон даражаси;

**малака талаблари** – “узлуксиз таълим тегишли босқичи битирувчисининг умумий билим ва касб тайёргарлиги даражасига қўйиладиган талаблар;

**ўқув режаси** – олий таълимнинг муайян бакалаврият таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислиги бўйича ўқув фаолияти турлари, ўқув фанлари ва курсларининг таркиби, уларни ўрганишнинг изчиллиги ва соатлардаги ҳажмини белгиладиган ҳужжат;

**ўқув фани дастури** – таълим мазмуни, унинг талабалар томонидан ўзлаштирилишининг энг мақбул усуллари, ахборот манбалари кўрсатилган норматив ҳужжат<sup>2</sup>.

Таълим соҳаси учун давлат таълим стандартини қўлланиш соҳаси. Олий таълимнинг давлат таълим стандарти муайян таълим соҳаси бўйича олий маълумотли бакалавр (магистр)лар ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди. Олий таълим муассасаси мазкур таълим соҳаси бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига

<sup>2</sup> Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида .Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарори.//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 15-16-сон, 104-модда.

эга бўлганда ушбу ДТС ҳамда малака талаблари асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

Давлат таълим стандартининг асосий фойдаланувчилари:

- олий таълим муассасаларининг профессор – ўқитувчилари, талабалари;
- таълим соҳасининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари;
- ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари;
- Давлат аттестация комиссиялари;
- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;
- абитуриентлар, ота-оналар ва бошқа манфаатдорлар.

Таълим соҳаси учун Давлат таълим стандартларида:

- Қўлланилиш соҳаси
  - Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш асослари
  - Атамалар, таърифлар, қисқартмалар
  - Таълим соҳаси битирувчиларининг касбий фаолиятларининг таснифи
- Стандартнинг биринчи қисмида:
- таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари битирувчилари учун соҳа бўйича тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар;
  - таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари битирувчиларига қўйиладиган умумий малака талаблари;
  - таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари битирувчилари касбий фаолиятининг асосий турлари бўйича қўйиладиган умумий малака талаблар;
  - таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари талабалари учун амалиёт объектлари ва уларга қўйиладиган талаблар;
  - таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режаларнинг тузилмаси;
  - олий таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режалари ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар;
  - олий таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари ўқув юкламаларининг ҳажми;

Стандартнинг иккинчи қисмида:

- таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари битирувчилари учун соҳа бўйича тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар;

- таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари битирувчиларига қўйиладиган умумий малака талаблари;
- таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари битирувчиларига қўйиладиган умумий малака талаблар;
- таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари талабалари учун амалиёт объектлари ва уларга қўйиладиган умумий талаблар;
- таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув режаларнинг тузилмаси;
- олий таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари ўқув режалари ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар;
- олий таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари ўқув юкламаларининг ҳажми;
- таълим соҳаси бўйича кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасаси педагог кадрларига ва моддий-техник базасига қўйиладиган умумий талаблар;
- таълим соҳаси бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш берилади.

Олий таълимнинг давлат таълим стандарти таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича олий маълумотли бакалавр ва магистрлар тайёрлашнинг асосий таълим дастурлари ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди. Таълим соҳаси учун давлат таълим стандартлари камида 5 йил амалда бўлади.

Олий таълимнинг бакалаврият таълим йўналишининг малака талаблари - таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш, ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

Олий таълим муассасаси муайян бакалаврият таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

Малака талабининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

- ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

- таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

Муайян таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- илмий-тадқиқот;
- ташкилий-бошқарув;
- лойиҳа – изланиш;
- ишлаб чиқариш, технологик;
- умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида педагогик фаолият;

• турли хизматлар кўрсатиш кабиларни ўз ичига олади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Таълим йўналиши учун малака талабларида:

1. Бакалаврият таълим йўналишининг умумий таснифи;
2. Қўлланиш соҳаси;
3. Таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи;
4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар;
5. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар;
6. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари;
7. Таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар;
8. Таълим йўналиши ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар;
9. Малакавий амалиётга қўйиладиган талаблар;

10. Таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми;

11. Малака талабларининг амал қилиш муддати ўз муассассини топади.

Ўув режаси – олий таълимнинг муайян йўналиши ёки мутахассислиги бўйича ўқув фаолияти турлари, ўқув фанлари, курсларининг таркиби, уларни ўрганишнинг изчиллиги ва соатлардаги ҳажмини белгилайдиган норматив ҳужжат ҳисобланади.

Олий таълим тизимида ўқув режа норматив ҳужжат бўлиб у иккига бўлинади.

Ўқув режа - олий таълим муассасаларининг аниқ бир таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислиги учун ўрнатилган тартибда Давлат таълим стандартларига асосан таянч олий таълим муассасаларининг тегишли кафедрасининг етук профессор-ўқитувчилари томонидан, шунингдек, турдош олий таълим муассасаларининг шу соҳа бўйича юқори малакали мутахассисларини ҳамда кадрларни буюртмачиларини жалб этган ҳолда ишлаб чиқилдиган - норматив ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Ўқув режа таянч олий таълим муассасаси томонидан ишлаб чиқилиб, Олий ва ўрта махсус таълими вазири томонидан тасдиқланади ва ўқув жараёнига татбиқ этилгандан кейин камида беш йил амалда бўлади

Ўқув режа ўқув жараёнини аниқлаштирадиган энг асосий ҳужжат бўлиб унда блоklarнинг номлари, ўқув фанларининг номлари, ҳажми, фанларнинг ўқитиш кетма-кетлиги, ўтиладиган дарс машғулотларининг (маъруза, семинар, амалий машғулот, лаборатория) турлари, жорий аттестациялар, малакавий амалиётлар, таътиллар, давлат аттестациялари ва малакавий битирув ишларининг химояси кўрсатилади.

Ишчи ўқув режа олий таълим муассасасининг аниқ бир таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислиги учун намунавий ўқув режага асосан ҳар ўқув йили учун ишлаб чиқилдиган ва ўрнатилган тартибда ОТМнинг ректори (ўқув ишлари бўйича проректори) томонидан тасдиқланадиган ўқув жараёнининг норматив ҳужжати ҳисобланади.

Тегишли таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ишчи ўқув режалари Олий таълим муассасаларида ўқув жараёни графигини тузиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

ОТМ ўқув жараёни графигида тегишли белгилар асосида ҳар бир курс учун ҳафта кунлари ойлари, назарий таълим, амалиёт, якуний назорат, таътиллар кўрсатилади.

Ишчи ўқув режалар ўқув режаларга асосан аниқ бир бакалавриат таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислиги бўйича ҳар ўқув йили учун таълим дастурлари, ўқув курслари, фанлари ва ўқув йиллари бўйича ихтисослик,

танлов ва қўшимча фанларни шакллантирган ҳолда ишлаб чиқилади ва ўрнатилган тартибда тасдиқланади.

Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар намунавий ўқув режага асосан ишчи ўқув режаларда шакллантирилади.

Улар:

- умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими негизида олинган билимларни тўлдириши ва ривожлантириши;

- миллий истиқлол ғояси ва демократия, миллий ва умуминсоний кадриятлар негизида илмий ва гуманитар дунёқарашни, юксак маънавият ва демократик маданиятни, иқтисодий, ҳуқуқий ва ижодий тафаккурни, эътиқод ва ижтимоий-сиёсий фаолликни шакллантириши;

- таълимнинг тарих, фалсафа, халқ анъаналари, урф-одатлари билан узвий бирлигини, Ўзбекистон халқлари маданиятини асраш ва бойитишни, бошқа халқлар тарихи ва маданиятига ҳурмат билан муносабатда бўлишини таъминлаши;

- инсонпарварлик, ватанпарварлик ва байналминалчилик руҳини ривожлантириши;

- таълим ва тарбия жараёнининг мустақил фикрлайдиган, қарорлар қабул қилишга қодир, ҳар томонлама ривожланган, баркамол шахсни шакллантиришга йўналтирилганлигини таъминлаши лозим.

Математик ва табиий илмий фанлар ўрнатилган тартибда намунавий ўқув режаларга асосан шакллантирилади.

Ушбу блок:

- умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инobatга олган ҳолда билишнинг математик усуллари, информатика ҳамда ахборот тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усуллариининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурни шакллантириши;

- коинотнинг физик объект эканлиги ва унинг эволюцияси, табиий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги, замонавий табиий ҳодисаларни тадқиқ этиш концепцияси, табиатдан оқилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойиллари, табиатни бузмайдиган технологиялар яратиш истиқболлари ҳақида илмий тасаввурларни шакллантириши;

- муайян билимлар соҳаси учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши лозим.

Умумқасбий фанлар юқори малакали кадрларни тайёрлаш нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда намунавий ўқув режаларга асосан ва унга мос ҳолда шакллантирилади. Ушбу блок:

- математик ва табиий-илмий фанлар билан махсус фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;

- махсус фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумқасбий билимларни, амалий кўникма ва уқувларни шакллантириши;

- модели тасаввурларни тажриба усуллари ва олинган натижаларни қайта ишлаш йўриқларига оид билимларни амалда қўллаш кўникмаларини таъминлаши лозим.

Ихтисослик фанлари юқори малакали кадрлар тайёрлашни ажралмас қисми бўлиб, талабалар томонидан танланган мутахассисликни турли соҳаларида янада чуқурроқ билим ва кўникмаларни эгаллаш, шунингдек, магистратура босқичида ўқишини давом эттиришни назарда тутган ҳолда шакллантирилади.

Ушбу блок:

- бакалаврият таълим йўналиши бўйича мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

- тегишли бакалаврият йўналиши бўйича махсус билимларни касб фаолияти кўникмалар ва уқувларни шакллантириши;

- талабанинг муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

ОТМлардаги мутахассис чиқарувчи ҳар бир кафедра ўзининг ихтисослик фанлари рўйхатини шакллантиради. Ихтисослик фанлари ишчи ўқув режасининг ихтисослик фанлари блокида кўрсатилади. Қўшимча фанлар блоки талабаларнинг таълим фанлари бўйича қўшимча равишда билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириш, таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори канъюктураси тез ўзгараётган шароитида бакалаврият йўналишлари бўйича таълим дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминлашни инобатга олган ҳолда шакллантирилади.

## **2. Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналишидаги ўқитувчиларнинг ўқув-меъёрий ҳужжатлари**

Маълумки, ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги 2 қисмдан иборат:

- ўқитувчининг умумий тайёргарлиги;

- ўқитувчининг кундалик тайёргарлиги.

Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналишидаги ўқитувчилар ҳам қуйидаги ўқув-меъёрий ҳужжатларга таяниб дарсга тайёргарлик кўриши керак:

1. фаннинг ДТС ёки малака талаби,
2. ўқув режа,
3. фаннинг ўқув дастури,
4. ўқитувчининг йиллик тақвим-мавзуий режаси,
5. баҳолаш тартиби
6. кунлик дарс режаси,
7. маъруза ва амалий машғулотлар ишланмаси.

Фаннинг ДТС ёки малака талаби, ўқув режа борасида юқорида батафсил тўхталиб ўтилди.

Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналишидаги ўқитувчилари таянадиган ўқув-меъёрий ҳужжатлардан бири фан дастури бўлиб, у меъёрий ҳужжат сифатида Олий таълим муассасаларида таълим фаолиятининг асоси бўлиб ҳисобланади.

Унда ўқув фанлари бўйича талабалар томонидан ўзлаштириладиган асосий билим ва зарурий кўникмалар назарда тутилади.

Фан дастури икки турга бўлинади:

- Намунавий ўқув дастури
- Ишчи ўқув дастури.

Намунавий ўқув дастури - ўқув режадаги аниқ фанлар бўйича давлат таълим стандартларига асосан таянч ОТМларининг тегишли кафедралари томонидан ишлаб чиқиладиган, ўқув материалларни ўзлаштиришга ва ўқитиш мазмунига қўйиладиган мажбурий талабларни ўз ичига оладиган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган, ОТМлари бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари талабалари учун тавсия этиладиган меъёрий ҳужжат ҳисобланади.

Намунавий ўқув дастури Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи билан таянч этиб белгиланган олий таълим муассасалари кафедраларида тегишли фан соҳасидаги етук олимлар, мутахассислар ва тажрибали профессор-ўқитувчилардан ташкил топган ижодий гуруҳ томонидан тузилади.

Намунавий ўқув дастури қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Кириш
- Асосий қисм
- Амалий машғулот мавзулари
- Семинар мавзулари
- Мустақил таълим мавзулари
- Тавсия этиладиган дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати.



Давлат таълим стандартлари талабларидан келиб чиқиб, маълум фанлардан чизма-ҳисоб, курс ишлари, лойиҳалари ва уларнинг мавзу ва йўналишлари ҳам келтирилиши мумкин.

Намунавий ўқув дастури тасдиқланган ўқув режаларига киритилган муайян фан учун ажратилган энг кўп вақт бюджетига мослаб, ҳар 20-соатлик материал учун тахминан бир бет ҳажмда тузилади. Дастур фан, техника, технологиянинг сўнги ютуқлари, олий таълим ривожланишининг жаҳон тенденциясини ҳисобга олиш Республикада жорий этилган узлуксиз таълим тизимининг таълим турлари ўртасидаги узвийлик ва узлуксизликни таъминлаши, айниқса умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касбхунар таълими ва олий таълимда узлуксиз ўқитиладиган фанларда мавзуларнинг мантиқий кетма-кетлиги, оддийдан мураккабликка, ҳусусийдан умумийликка ўтиб бориш тамойилларига амал қилиши шарт. Дастурда таълим оловчиларнинг мустақил билим излаш ва уни ўзлаштириш, ўқитиш жараёнини интерактив педагогика асосида ташкил этишга мавзуларнинг бир хил талқинида такрорланмаслигига эътибор берилиши зарур.

Намунавий ўқув дастури таянч олий таълим муассасасининг тегишли кафедраси, факультет ёки ОТМ услубий (илмий) кенгашида муҳокама қилинади.

Намунавий ўқув дастурига камида 2 та ташқи тақриз олинади. Ижтимоий, гуманитар ва иқтисодий фанлар бўйича тузилган намунавий ўқув дастурлари махсус методологик комиссиясига муҳокама қилиш учун топширилади. Барча фанлар бўйича тузилган ўқув дастурлари олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш экспертизасидан ўтиши шарт ва унинг тавсияси билан вазирлик томонидан рўйхатга олинади ва амалга киритилади. Намунавий ўқув дастурлари вазирликнинг тегишли бошқармаси томонидан тасдиқга тавсия этилади ва рўйхатга олинади. Бу ҳақда ўқув дастурнинг бош вароғига белги қўйилади. Намунавий ўқув дастурнинг эталон нусхаси вазирликда сақланади.

Ўқув дастури тасдиқланган ва рўйхатга олинган кундан бошлаб амалга киритилади. Намунавий ўқув дастур давлат таълим стандартларига ўзгартиришлар киритилган тақдирда ёки ўзга ҳолларда 5 йилда бир марта қайта ишлаб чиқилиши ва ушбу тартибга асосан қайта экспертиза ва тасдиқдан ўтиши зарур.

Намунавий ўқув дастурларини кўпайтириш ва тарқатиш ҳуқуқи таянч олий таълим муассасалари ва ОЎМТВ хузуридаги ривожлантириш марказига берилади. Нашр этиш ёки кўпайтириш билан боғлиқ харажатларни инобатга олиб дастурга нарх белгиланиши мумкин.

Ишчи ўқув дастури - ОТМнинг аниқ бир бакалаврият таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислиги талабалари учун ўқув режадаги аниқ бир фан бўйича ўқув дастурига асосан профессор-ўқитувчилар томонидан ишлаб чиқиладиган, фаннинг мазмунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган, мавзуларнинг ўқитиш кетма-кетлигига риоя қилинган ҳолда фанга ажратилган соатлар аниқ кўрсатилган меъёрий ҳужжат ҳисобланади. Ишчи ўқув дастури тегишли таълим стандартларини конкретлаштиради, ўқув жараёнини услубий, инфорацион ва техник жихатидан таъминланишини назарда тутади. ОТМларда талабаларни тайёрлаш ва ўқитиш хусусиятларини акс эттиради. Ишчи ўқув дастури олий таълим муассасаси таълим дастурини асосий қисми сифатида талабалар томонидан маҳаллий шарт шароитларни хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда давлат таълим стандартига асосан мажбурий минимум талабларни олинишини кафолатлайди.

Ўқув дастури асосида тузилган ишчи ўқув дастурида аниқ мавзулар, уларга ажратилган соатлар, мавзулар бўйича қўлланилувчи дидактик ва техник воситалар, мавзулар ва бўлимлар бўйича билимни назорат қилиш турлари ҳамда тегишли услубий тавсиялар аниқ кўрсатилади шунинг учун унинг ҳажми чекланмайди.

Ишчи ўқув дастурида қуйидагилар ўз аксини топиши лозим:

- ДТС талаблари;
- Ўқув дастурларини мазмунига қўйиладиган мажбурий талаблар;
- Талабалар учун бериладиган ўқув материалларининг максимал ҳажми;
- Битирувчиларни тайёргарлигига қўйиладиган талаблар;
- ОТМ томонидан ўқув режага асосан белгиланган ўқув юкламасининг ҳажми;
- Таълим дастурларини мақсади ва вазифалари.

Юқорида келтирилган компонентлар асосида ишчи ўқув дастурининг тузилиши ишлаб чиқилади ва қоидага асосан унинг таркиби қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Титул варағи
- Кириш сўзи
- Фаннинг мақсади ва вазифалари
- Фанни ўқитиш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар
- Талабаларнинг билими, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар;
- Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги, услубий жиҳатидан узвийлиги ва кетма-кетлиги;
- Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни;

- Фанни ўқитишда фойдаланиладиган замонавий ахборот ва педагогик технологиялар;

- Фан бўйича соатлар тақсимооти ва ҳк.

Ўқитувчининг ишчи тақвим-мавзумий режаси кафедра мудири томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Дарс жадвалидаги ўқув фанларининг дарс соатлари ва дарс соатларининг гуруҳлар кесимидаги юкламаси ишчи ўқув режада кўрсатилган сонларга мос тушиши керак. Ишчи тақвим-мавзумий режа ва дарс жадвалига асосан ўтилган дарсларнинг мавзулари ва санаси гуруҳ журналларига қайд этилади.

Ўқитувчининг йиллик ишчи тақвим-мавзумий иш режаси ва кунлик дарс режаси миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанлардан мажбурий таълимнинг компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандарти ва ўқув дастури асосида тузилади ва шу асосда ўқитувчи дарсга тайёргарлик кўради.

Олий таълим фан ўқитувчиси ва талабалари учун ўқув адабиётлари муҳим ўрин тутди.

Ўқув адабиётларида асосий тушунча ва хулосаларнинг таърифлари ниҳоятда аниқ ва равшан ёзилиши, атамаларнинг умумийлигига эришилиши. Бундан ташқари ҳар бир таълим турининг ўқув адабиётларига ўзига хос бўлган талаблар қўйилади.

- ўқув дастурига тўла мос келадиган ва ундаги мавзуларни тўлалигича қамраб оладиган шаклда ёзиш;

- мавзуларнинг соддадан мураккабга томон ўсишини, ҳамда ўзаро боғлиқлигини таъминлаш;

- расмлар, графиклар, жадваллар, схема ва диаграммалар берилган маълумотлар ва тушунтиришлар билан узвий боғланган бўлиши керак;

- дарсликдаги такрорланувчи тушунчаларга ва риоя қилиниши керак бўлган қоидаларга эътиборни жалб этиш мақсадида махсус белгилардан фойдаланиш зарур;

- фан, техника ва технологияларнинг энг сўнгги ютуқларини инобатга олиниши;

- Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидаги талабаларнинг билимга бўлган эҳтиёжларини ва миллий хусусиятлар, турли маданиятларнинг ҳисобга олиниши;

- талабалар ёши, савияси ва психо-физиологик хусусиятларини инобатга олиниши, ўғил ва қизларнинг қизиқишларини тенг равишда ва тўла даражада ҳисобга олиш каби онгли тарзда тузилган мисоллар ва далиллар мавжудлиги.

### **3. Методик ишлар, миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналишида методик ишларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари**

Олий таълимнинг барча йўналишлари қаторида миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналишида ҳам методик ишларни ташкил этиш ўзига хос аҳамият касб этади. Жумладан, назарий ва амалий машғулотлар режаларини ишлаб чиқиш, маъруза матнлари ва ўқув услубий мажмуалар тайёрлаш, дидактик, кўргазмали ва тарқатма материаллар, методик кўрсатмалар тайёрлаш, талабаларнинг мустақил, индивидуал ва ўқув тадқиқот ишлари, шунингдек уларнинг билимини назорат қилиш учун топшириқлар ва масалалар ишлаб чиқиш – буларнинг барчаси методик ишларни ташкил этишнинг ўзига хос шакллари ҳисобланади.

Методик ишлар талабаларнинг аудитория ишларининг барча шакллари (маъруза, лаборатория, амалий, семинар машғулотлари) ва аудиториядан ташқари иш шакллари (мустақил таълим, амалиётнинг барча турлари, назорат, курс ва битирув малакавий ишлари) ҳамда талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини жорий, оралиқ ва якуний назорат қилишнинг турли шаклларини ўз ичига қамраб олади. Фанларнинг методик таъминотининг асоси сифатида ўқув-услубий мажмуа акс этади. Ўқув-услубий мажмуа талабаларнинг мустақил ишлашини самарали ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда ўқув фанларини ўқитишда узлуксизликни сақлаш имконини беради.

Масалан, олий таълимдаги ўқув жараёнининг асосий шаклларида бири маъруза саналади, маърузада талабалар онгига етказилган назарий билимлар ва масалалар амалий машғулотлар орқали мустаҳкамланади.

Ўз ўрнида фан ўқитувчисидан ушбу машғулотларга юксак даражада тайёргарлик билан кириш талаб этилади.

Маъруза – у ёки бу илмий масала ёки муаммони тўғри, мантиқий изчилликда ва аниқ изоҳлаб бериш саналади. Маъруза ўқитувчи шахсининг онги, ҳиссиёти, иродаси, туйғуси, эътиқоди орқали талабалар ички дунёси билан мулоқотда бўлишининг энг самарали, жонли шаклидир. Мазкур жараёнда ўқитишнинг талабаларни таълим олиш ва баркамолликка йўналтириш, ахборот бериш, методологик ва тарбиялаш функцияларини рўёбга чиқаришга ёрдам беради. Маърузанинг талабаларни таълим олиш ва баркамолликка йўналтириш функциясида талабаларнинг диққати ўқув курси мазмунидаги асосий ғоялар, назариялар, қонуниятлар ва қонунларга жалб этиш орқали таълим олиш ва касбни мукамал эгаллашнинг аҳамияти, уни ўзлаштириш методларига жалб қилинади.

Маърузанинг ахборот бериш функцияси асосий фактлар, қоидалар, хулосаларнинг моҳиятини ёритиш жараёнида ўқитувчи билан талабалар ҳамкорлигида амалга оширилади. Маърузанинг тарбиявий функцияси маъруза жараёнида талаба ёшларнинг онги ва қалбига миллий ғояни сингдириш, ўқув материалига ҳиссий баҳо бериш муносабатларини уйғотиш, қизиқишларини ўстириш, мантиқий фикрлаш ва исботлашни ойдинлаштириш йўли билан амалга оширилади.

Маъруза мазмуни ва дидактик мақсадига кўра: кириш маърузаси, муаммоли маъруза ва умумлаштирувчи маърузаларга ажратилади.

Амалий машғулотлар қуйидаги дидактик мақсадларни амалга оширишга хизмат қилади:

талабаларнинг ўқув курслари бўйича ўзлаштирган назарий билимларини чуқурлаштириш, мустаҳкамлаш орқали илмий дунёқарашини кенгайтириш;

ДТС билан меъёрланган кўникмаларни малака даражасига етказиш орқали талабаларнинг таянч ва хусусий компетенцияларини шакллантириш;

Талабаларнинг аввал ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни янги кутилмаган вазиятларда қўллаш орқали ижодий фаолият тажрибаларини эгаллашга замин тайёрлаш.

Шуни қайд этиш лозимки, ўқитувчи амалий машғулотлар топшириқларини шакллантиришда уларнинг мазмуни ўқитиш шакллари бўлган маърузада ўрганилган назарий масалалар билан узвий боғлиқ бўлишига эътибор қаратиши зарур.

Ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги натижаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш жараёни шуни кўрсатдики, ўқитувчининг талабаларни дарсда фаол қатнашиши, пухта билиши, ўқув-қобилият маҳоратига доимий эътибор қаратиши ҳамкорлик савиясини оширар экан, шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, ўқитувчи талабани ўзининг талаб ва шартларига бўйсунувчи, итоат этувчи шахс деб ҳисобламасдан балки унинг мустақиллигини, ўзига хослигини эътироф этган ҳолда ҳамкорлик муносабатида бўлиши даркор, қолаверса у талабалар билан дарс юзасидан муносабатларини таҳлил қилиши, таққослаб билим бериб бориши керак.

#### 4. Дидактика, дидактик таъминот тушунчалари. Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналишида ўқитиладиган фанларнинг дидактик таъминоти

**Дидактика** (от греч. *didaktikos* – ўқитаман, ўргатаман) – таълим жараёни, мазмуни, қонуният ва тамойиллари, шакл, метод ва воситаларини илмий асослаб берувчи педагогик таълим назарияси, педагогиканинг алоҳида соҳаси.

“Дидактика” атамаси илк бор немис педагоги **Вольфганг Ратке** томонидан “Дидактика, ёки таълим санъати” (1613 й.) деб номланган маърузасида қўлланилган.

Дидактика илмий билимлар тизими сифатида биринчи мартаба чех педагоги **Ян Амос Коменский**нинг “Буюк дидактика” (1657 й.) асарида очиб берилган.

<b>Дидактиканинг баҳс доираси</b>	
<p>НИМА УЧУН ЎҚИТИШ? КИМНИ ЎҚИТИШ?</p> <p><b>ТАЪЛИМНИНГ МАҚСАДИ</b></p>	<p>ҚАНДАЙ АСОСДА ЎҚИТИШ?</p> <p><b>ТАЪЛИМНИНГ ҚОНУН, ҚОНУНИЯТ, ТАМОЙИЛ, ҚОИДАЛАРИ</b></p>
<p>НИМАНИ ЎҚИТИШ?</p> <p><b>ТАЪЛИМ МАЗМУНИ</b></p>	<p>ҚАНДАЙ ЎҚИТИШ?</p> <p><b>ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛЛАРИ ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИ</b></p>

**Қуйидагилар дидактиканинг асосий категориялари ҳисобланади:**

**ЎРГАТИШ** – таълим мақсадини амалга ошириш бўйича педагогнинг тартибланган фаолияти

**ЎРГАНИШ** – англаш, машқ қилиш, ва эгалланган тажрибалар асосида хулқ-атвор ва фаолиятнинг янги шаклларини эгаллаш жараёни, олдин эгалланганлари ўзгаради.

**ЎҚИТИШ** – қўйилган мақсадга эришишга йўналтирилган педагог билан талабаларнинг тартибланган ўзаро ҳаракати.

**ТАЪЛИМ** – ўқитиш жараёнида эгалланадиган билим, кўникма ва малакалар, фикрлаш усуллари тизими.

**БИЛИМ** – бирор фанни назарий ўзлаштиришни акс эттирадиган инсон ғоялари йиғиндиси.

**КЎНИКМА** – ўзлаштирилган билимларни амалиётга қўллаш усулларини эгаллаш.

**МАЛАКА** – автоматлашган ҳолатга ўтган кўникма, такомиллашганликнинг юқори даражаси.

**МАҚСАД** (ўқув, таълимий) – ўқитиш нимага қаратилганлиги, унинг кучлари келгусида нимага сафарбар этилиши.

**МАЗМУН** (ўқитиш, таълим) – талабалар ўқитиш жаараёнида эгаллаши лозим бўлган илмий билим, амалий кўникма, малакалар, фаолият ва фикрлаш усуллари тизими.

**ТАШКИЛ ЭТИШ** – қўйилган мақсадни яхши амалга ошириш учун унга зарурий шаклни тақдим этадиган, аниқ мезонлар бўйича тартибланган дидактик жараён.

**ШАКЛ** – ўқув жараёнининг мавжудлик усули, унинг ички моҳияти, мантиғи, мазмуни учун қобик.

**МЕТОД** – ўқитишнинг мақсад ва вазифаларига эришиш (амалга ошириш) йўли.

**ВОСИТА** – ўқув жараёнини предметли қўллаб-қувватланиши. воситаларга ўқитувчининг жонли нутқи, кенг маънода унинг маҳорати, дарсликлар, жиҳозлар ва бошқалар киради.

**НАТИЖАЛАР (МАҲСУЛЛАР)** – ўқув жараёнининг сўнгги натижаси, белгиланган мақсадларни амалга ошганлик даражаси.

Дидактик таъминот деганда миллий ғоя, маънавият асослари, ҳуқуқшунослик ва бошқа фанлар талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ўқув ахборотлари мазмуни хилма-хил турларининг дидактик мақсад ва вазифаларига кўра ўзаро алоқадор мажмуи.

Дидактик таъминот деганда маълум бир қонуният, тамойиллар ва уни амалга ошириш шарт-шароитларига асосланадиган шахсга йўналтирилган педагогик технологиялар тушунилади.

Дидактик таъминот деганда шахснинг ахборий маданиятини шакллантириш учун дидактика, психология, эргономика, информатика ва бошқа фан соҳаларининг мувафаққиятларига асосланган ҳолда ташкил этилган ўқув-услубий мажмуа тушунилади.

Дидактик таъминот куйидаги кўрсаткичлар билан баҳоланади:

- 1) назорат топшириқлари, тест саволлари банкининг мавжудлиги;
- 2) ўқув фани бўйича дидактик материалларнинг мавжудлиги: аудио-видео материаллар, компьютер дастурлари, жадвал, слайдлар, тарқатма материаллар.
- 3) реферат ишлари мавзулари.

Дидактик таъминот ўқув курсини ўзлаштириш учун ахборотларнинг тўлиқлиги ва етарли ҳажмда бўлиши, педагог ва талабаларнинг биргаликдаги интеллектуал-эмоционал ўзаро ҳаракати мазмуни ва усулларининг вариативлиги, интерфаоллик, диалоглик, муаммолилик, амалий йўналтирилганлик тамойиллари асосида ишлаб чиқилган ахборотларнинг оригиналлиги ва тартибга солинганлиги билан характерланади. У таълим олувчининг ахборотларни ўзлаштириш жараёнини ташкил этиш, назорат қилиш ва коррекциялаш мақсадида фойдаланилади ва таълим олувчи шахсини шакллантириш ва ўз-ўзини ривожлантириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Масалан, маъруза машғулоти таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг асосий шаклларида бири ҳисобланади, шу сабабли ўқитувчи мазкур машғулотни ташкил этиш ва ўтказишни замон талабларига мос тарзда ушбу машғулотнинг дидактик таъминолтини ишлаб чиқиши зарур. Ўрганиладиган мавзунинг мазмунига кўра аввало, маъруза машғулотининг типи (кириш, муаммоли, умумлаштирувчи), мақсади ва вазифалари, фойдаланиладиган инновацион технологияларни аниқлаб олиши зарур.

Ўқитувчи ўқув фанининг ўқув дастурига мувофиқ тузилган ишчи тақвим-мавзуй режадан ўрганиладиган мавзунини аниқлаши, тақдимот тайёрлаши, мавзу бўйича Кейс-стади топшириқлари, кичик гуруҳларда ўқитиш методидан фойдаланиш имконини берадиган ўқув топшириқлари мажмуасини тузиши лозим.

Машғулотнинг ташкилий қисмида саломлашиш одобига мувофиқ саломлашиш, гуруҳда онгли интизомни вужудга келтириш, давоматни аниқлаш, ўтган мавзу бўйича берилган топшириқларни аниқлаш назарда тутилади.

Ўқитувчи янги мавзу мазмунига асос бўладиган тушунчаларни назарда тутган ҳолда машғулотнинг талабалар билимларини фаоллаштириш қисмида Кейс стади топшириғи асосида фанлараро, боблараро, мавзулараро боғланишни амалга ошириши, мазкур топшириқлар кенг қамровли, топшириқларнинг мураккаблик даражаси ва кетма-кетлиги талаб даражасида бўлишига эътибор қаратиши ва талабаларнинг ўқув мотивларини кучайтириши лозим.

Шу босқичда ўқитувчи ўтган мавзунини яқунлаш ва янги мавзу билан боғлаш мақсадида муаммоли методлар ва кўргазма воситалари ёрдамида муаммоли вазиятни вужудга келтириши, талабалар фаолиятини муаммони ҳал этишга йўллаш, талабаларнинг аввалги мавзуларда ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини янги вазиятда қўллашга замин тайёрлаши, улардаги типик хато ва камчиликларни бартараф этиши, яқунлашни кенг қамровда ўтказиб, асосий тушунча ва таянч сўзларга урғу бериши, хулоса ясаши зарур.



Машғулотнинг янги мавзуни ўрганиш қисмида талабаларни янги мавзунинг ўқув мақсадлари, вазифалари, маъруза давомида кичик гуруҳларнинг машғулот давомида бажариладиган ишлар билан таништириши, ўқув мақсадларини талабалар зиммасига юклаши талаб этилади. Янги мавзунинг мазмунидаги асосий ғоя, қонунлар, қонуниятлар кўргазма воситалар ёрдамида кенг қамровли ёритилиши, мавзу бўйича тушунча, кўникма ва малакалар талабалар томонидан ўзлаштириш босқичларига амал қилинган ҳолдашакллантирилиши лозим.

Мавзу баёнида илмийлик, тушунарлилик, тизимлилик, кенг қамровлилик, назария ва амалиёт бирлиги, таълим-тарбия узвийлиги каби ўқитиш принципларига амал қилиш, мавзу мазмунини самарадорлигини репродуктив (оғзаки, кўргазмали, амалий) ва фаол (муаммоли, мантиқий, ижодий изланишли, дидактик ўйинли ва ҳ.к.) методлар, воситалар (кўргазмали қуроллар, лаборатория жиҳозлари, тарқатма ва дидактик материаллар, ўқув-техник ва компьютер воситаси ва ҳ.к.)дан уйғун фойдаланиш орқали орттириш талаб этилади.

Маъруза машғулотда ўрганиладиган мавзунинг мазмунига мувофиқ инновацион ва ахборот технологиялар (муаммоли, модулли, дидактик-ўйинли, ҳамкорликда ўқитиш) танланади. Инновацион технологиялар танлаганда мазкур технология талабларига мувофиқ талабалар билиш фаолиятини ташкил этиш назарда тутилади ва уларнинг билим захираси, эгалланган кўникма ва малакалари, ёш ва психологик хусусиятларига мослиги эътиборга олинади.

Ўқитувчи талабаларнинг диққатининг давомийлигини эътиборга олган ҳолда машғулот давомида Кейс-стади ва ақлий ҳужум топшириқлари асосида муаммоли вазиятларнинг туғдириши, уларни ҳал этишда талабалар билимидан фойдаланиши, талабаларнинг билиш фаолияти ва уларнинг машғулотда фаол иштирокини таъминлаши лозим.

Маъруза машғулоти мазмунига боғлиқ ҳолда тақдимот материалларининг мавжудлиги ва ўз ўрнида мақсадга мувофиқ фойдаланиш маърузанинг самарадорлигини орттиришга замин тайёрлайди.

Ўқитувчининг вазиятга қараб нутқининг ҳиссиётли, оғир-вазмин бўлиши, юқори савиядаги мулоқот маданияти, ўқув мақсадлари ва топшириқларини қўя олиши, талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш кўникмалари, ўзини тутиши, мимикаси, ҳис-ҳаяжонини бошқара олиши, талабаларга нисбатан педагогик инсонпарварлашган муносабати унинг юксак педагогик маҳоратга эга эканлигидан далолат беради.

Маъруза мазмунида бугунги куннинг долзарб муаммоларини қамраб олинган, талабаларнинг ғоявий-сиёсий етуклигини ривожлантиришга

йўналтирилган, мавзу мазмунига боғлиқ ҳолда касбий йўналтирилганлик, шунингдек, таълим-тарбиянинг узвийлиги амалга оширилган бўлиши лозим.

Машғулот давомида мантиқий кетма-кетликда мавзу режаси тўлиқ ёритилиши, талабалар томонидан мавзу мазмунидаги назария, ғоя, қонуниятлар, тушунча, атамаларни ўзлаштириш жараёнида дидактик қонуниятларга амал қилиниши, тушунча ва атамаларнинг изоҳи ёритилиши машғулотнинг замон талабларига жавоб беришини таъминлайди. Маърузанинг якунида ўқитувчи мавзу мазмунидан келиб чиққан ҳолда машғулотни яқунлаши, мазкур жараёнда талабаларнинг иштирокини таъминлаши, талабалар жавобидаги типик хато ва камчиликларни бартараф этиши, яқунлашни кенг қамровли, асосий тушунча ва таянч сўзларга урғу бериши, хулосалаши лозим. Олий таълим тизимида маъруза билан биргаликда амалий машғулотлардан ҳам фойдаланилади, мазкур ўқитиш шакллари таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи, назария ва амалиёт бирлиги функцияларини бажаради.

Юқоридан қайд этилганидек, ўқитиш шаклларида бири амалий машғулот саналади.

Амалий машғулот атамаси педагогикага оид адабиётларда ҳам кенг, ҳам тор маънода изоҳланади. Амалий машғулот атамаси кенг маънода машқ, семинар (уларнинг барча турлари) ва лаборатория машғулотларини умумлаштиради. Амалий машғулотларнинг маърузадан фарқланадиган асосий белгиларидан бири талабаларнинг биргаликдаги ўқув мақсадларига эришиш ҳаракатларида кўзга ташланади. Улар вазифаларига кўра ҳам фарқланади. Агар маърузада мавзу назарий жиҳатдан баён қилинса, амалий машғулотларда билимлар чуқурлаштирилади, кенгайтирилади ва аниқлаштирилади.

Амалий машғулотлар талабалар билимини мустаҳкамлаш, амалиётга қўллаш ва назорат қилишга хизмат қилади. Амалий машғулотни ташкил этишда қуйидаги масалалар ўқитувчининг диққат марказида турмоғи лозим: Машғулот бошланишида мавзуга оид муаммоли вазиятнинг вужудга келтирилиши, бугунги куннинг долзарб муаммоларига боғланиши; Назария ва амалиёт, таълим-тарбиянинг узвийлигига амал қилиниши; Мавзу мазмунига боғлиқ ҳолда талабалар онги ва қалбига миллий ғояларнинг сингдирилиши;

Амалий машғулотлар ўқув топшириқларини шакллантиришда талабалар томонидан аввал ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларидан фойдаланишга замин яратиш;

Амалий машғулотлар топшириқлари таркибида фанлараро, боблараро, мавзулараро боғланишга асосланган ўқув топшириқларининг мавжуд бўлиши, улардан мақсадга мувофиқ ўз ўрнида фойдаланиш йўллари белгилаш;

Амалий машғулотлар топшириқларини бажаришда асос бўладиган тушунчаларни мустаҳкамлаш мақсадида кўникмаларни таркиб топтириш бўйича топшириқлардан ўз ўрнида фойдаланилиш;

Талабаларнинг билиш фаолиятининг ташкил этилиш шакли (индивидуал, кичик гуруҳлар)ни танлаш ва шу асосда талабаларнинг билиш фаолиятини бошқариш йўллари лойиҳалаш;

Амалий машғулотлар мазмунига боғлиқ ҳолда Кейс-стади топшириқларини тузиш ва ўз вақтида фойдаланиш;

Талабаларнинг амалий иш топшириқларини бажаришга бўлган мотивациясини кучайтириш.

### НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Олий таълимни ташкил этиш тартиби ва мазмунини белгиловчи меъёрий ҳужжатларни санаб ўтинг...
2. ДТС ва малака талабларининг фарқи нимада?
3. Ўқув режа деганда нимани тушунасиш? Унинг ишчи ўқув режасидан фарқи нимада?
4. Методик ишлар сирасида қандай ишлар киради?
5. Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналишида методик ишларни ташкил этишнинг ўзига хусусиятлари нимада?
6. Дидактика, дидактик таъминот тушунчаларининг моҳиятини изоҳланг...

### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ 3160 сонли қарори//Халқ сўзи, 2017 йил, 29 июль.
2. Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарори.//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 15-16-сон, 104-модда.
3. Замонавий дарс. / Масъул муҳаррир Ш. Шомансуров – Т.: А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти, 2007.
4. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. Қ. Назаров таҳрири остида. -Т.: Маънавият, 2009.

5. Холиқов И., Собирова М., Машарипова Г. “Маънавият асослари” фанини замонавий педагогик технологиялар асосида ўқитиш. –Т.:ТДПУ,2013.

### **ХОРИЖ МАНБАЛАРИ:**

1. Human Life in the Light of Spiritual Science. - Anthroposophy –Schmidt Number: S-3277. On-line since: 24th January, 1995.
2. Michael Freeden.Ideology: A Very Short Introduction (Oxford, 2003)

### **3-мавзу. МИЛЛИЙ ҒОЯ, МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ВА ҲУҚУҚ ТАЪЛИМИ ЙЎНАЛИШИДАГИ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ, МЕТОД ВА ВОСИТАЛАРИ**

#### **Режа:**

1. Миллий ғоя ва маънавиятга оид фанларни ўқитишнинг турли шакллари. Дарс жараёнларида анъанавий ва ноанъанавий таълим моделларидан фойдаланиш.
2. Интерфаол таълим методлари тушунчаси.
3. Миллий ғоя ва маънавиятга оид фанларни ўқитиш жараёнида қўлланиладиган таълим методлари таснифи. Миллий ғоя ва маънавиятга оид фанларни ўқитишда тест методини қўллаш.
4. Таълим воситалари тушунчаси, унинг мазмун ва моҳияти. Бугунги кунда таълим тизимида қўлланилаётган воситалар таснифи. Ўқув адабиётлари.

**Таянч тушунчалар:** Ўқитиш шакллари, анъанавий ва ноанъанавий таълим моделлари, метод, таълим методлари, интерфаол таълим методлари, анъанавий дарс, ноанъанавий дарс, методик усуллар, “кластер”, “ақлий ҳужум”, “танқидий фикрлаш”, “ажурли арра”, “менюлар”, “дебатлар”, “синквейн”, “инсерт”, “зиг-заг”, “қарорлар шажараси”, ўрганиш методлари, билимларни эгаллаш, малака ва кўникмаларни шакллантириш, таълим воситалари, ўқув адабиётлари,

#### **1. Миллий ғоя ва маънавиятга оид фанларни ўқитишнинг турли шакллари. Дарс жараёнларида анъанавий ва ноанъанавий таълим моделларидан фойдаланиш**

Миллий ғоя ва маънавиятга оид фанларни ўқитишда одатда анъанавий ва ноанъанавий таълим моделларидан кенг фойдаланилади.

**Анъанавий дарс-** («марказда ўқитувчи бўлган таълим модели», деб ҳам аташади) муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни кўпроқ ўқитувчи

шахсига қаратилган, мавзуга кириш, ёритиш, мустаҳкамлаш ва яқунлаш босқичларидан иборат таълим моделидир.

Анъанавий дарснинг асосий мақсади дарс мавзусининг асосий мазмуни, тушунча ва фактларни ўқитувчи томонидан ўқувчиларга етказиш ва тушунтиришдан иборат. Одатда, анъанавий дарс беришга пассив дарс бериш усули сифатида қаралади. Лекин дарсда ўқувчиларнинг фаол ёки нофаоллиги дарсни қандай ўтишга ва уни режалаштиришга боғлиқ. Анъанавий дарснинг самарадорлигини ошириш учун дарс жараёнини оқилона ташкил қилиш, ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллигини мутассил рағбатлантириб туриш, ўқув материалининг мазмунини очишда баҳс, мунозара, ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, турлича баҳолаш усуллари ва воситаларини ўз ўрнида қўллаш талаб этилади.

“Таъкидлаш жоизки, - деб ёзади – методист олим Б.Тўхлиев – интерфаол усулларни анъанавий таълим методларига мутлақо қарши қўйиб бўлмайди. Улар бир-бирини инкор этадиган, бири бошқасига ҳалақит берадиган эмас, балки бир-бирини тўлдирадиган таълим усуллари дир. Ўқитиш жараёнида ё анъанавий, ёхуд интерактив методдан бирини танлаш керак қабилида ёндашиш маърифий жаҳолатдан бошқа нарса эмас.

Таълим методлари сон-саноксиз ва уларнинг ҳар бири ўзи қўлланилаётган вазият учун бетакрор аҳамиятга эгадир”<sup>3</sup>.

#### **Анъанавий таълим моделининг афзалликлари:**

- Маълум кўникмаларга эга бўлган ва аниқ, маълум тушунчаларни, фанни ўрганишда фойдали;
- Ўқитувчи томонидан ўқитиш жараёни муҳити юқори даражада назорат қилинади;
- Вақтдан унумли фойдаланилади;
- Аниқ илмий билимларга таянади.

#### **Анъанавий таълим моделининг камчиликлари:**

- Ўқувчилар пассив иштирокчи бўлиб қоладилар;
- Ўқитувчининг тўла назорати барча ўқувчилар учун мотиватсияни вужудга келтирмайди;
- Ўқувчилар ўқитувчи билан бевосита мулоқатга кириша олмайди;
- Эслаб қолиш даражаси ҳамма ўқувчиларда бир хил бўлмаганлиги сабабли, синф бўйича ўзлаштириш даражаси паст бўлиб қолиши мумкин;
- Мустақил ўрганиш ва ечимлар қабул қилиш учун шароитлар яратилмайди.

<sup>3</sup> Қаранг: Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Т.: Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистан Миллий кутубхонаси нашриёти, 2011, 120-бет.

**Ноанъанавий таълим моделининг афзалликлари:**

- Ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келиши;
- Ўз вақтида қайта алоқаларнинг таъминланиши;
- Тушунчаларни амалиётда қўллаш учун шароитлар яратилиши;
- Турли ўқитиш усуллариининг таклиф этилиши;
- Мотивациянинг юқори даражада бўлиши;
- Ўтилган материалнинг яхши эслаб қолиниши;
- Мулоқатга киришиш кўникмасининг такомиллашиши;
- Ўз-ўзини баҳолашнинг ўсиши;
- Ўқувчиларнинг мавзу мазмунига, ўқитиш жараёнига бўлган ижобий муносабати;
- Ўқувчининг мустакил фикрлай олиши;
- Танқидий ва мантиқий фикрлашни ривожлантириши;
- Муаммоларни ечиш кўникмаларининг шаклланиши.

**Ноанъанавий таълим моделининг камчиликлари:**

- Кўп вақт талаб этилиши;
- Ўқувчиларни ҳар доим ҳам кераклича назорат қилиш имкониятининг пастлиги;
- Жуда мураккаб мазмундаги материал ўрганилаётганда ҳам ўқитувчи ролининг паст бўлиши;
- Ўқитувчининг ўзидан ҳам яхши ривожланган фикрлаш қобилиятига ва муаммоларни ечиш кўникмаларига эга бўлишининг талаб этилиши.

«Таълим методлари дастлаб педагог онгида муайян йўналишдаги фаолиятнинг умумлашма лойиҳаси тарзида намоён бўлади. Мазкур лойиҳа амалиётга ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятининг ўзаро туташуви, ўқитиш ва ўқишга қаратилган аниқ ҳаракатлар, амаллар ёки усуллар мажмуаси сифатида жорий этилади. Метод бошқа шаклларда намоён бўлмайди, бунинг боиси таълим методи ўзида умумий ҳолда фаолиятнинг дидактик моделини ифода этади»<sup>4</sup>.

Қайд этилаётган тушунча моҳиятини тўлақонли ёритувчи таърифни аниқлашга бўлган уриниш бугун ҳам давом этипти, янги-янги таърифлар илгари сурилмоқда. Бирок, «таълим методи» тушунчаси моҳиятини ёритишга нисбатан турлича қарашларнинг мавжудлигига қарамай, уларни ўзаро яқинлаштирувчи умумийлик мавжуд. Аксарият муаллифлар «таълим методлари ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш усуллари» деган қарашга ён босадилар. Демак, таълим методлари таълим жараёнида қўлланилиб, унинг самарасини таъминловчи усуллар мажмуидир.

<sup>4</sup> Ларнер И.Я. Дидактические основы методов обучения. – Москва, Педагогика, 1981,с.35.

Таълим методлари таълим мақсадини ёритишга хизмат қилади, у ёрдамида таълим мазмунини ўзлаштириш йўллари ифода этилади, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳаракати, хусусияти акс эттирилади.

Метод, бир томондан, таълим мақсадига эришиш воситаси сифатида намоён бўлса, бошқа томондан, бошқарилувчан ўқиш фаолиятини амалга ошириш шarti ҳисобланади.

Таълим методлари доимо у ёки бу ўқиш воситалари ёрдамида жорий этилади, шу боис уларнинг ўзаро шартланганлигини таъкидлаш жоиз.


Таълим методи тузилмаси чизмада қуйидагича намоён бўлади (М.Н.Скаткин қарашларига кўра):



**Таълим метод тузилмаси**

Чизмадан англаниб турибдики, таълим методи тузилмасида қуйидагилар ажралиб туради: мақсадли таркиб; фаолиятли таркиб; таълим воситалари.


Табиийки, умумий ҳолда эришилган натижа ҳар доим ҳам ўқитувчининг дарс бошида белгилаган мақсадига мос келавермайди. Таълим мақсади ўқитувчи ва ўқувчилар фаолияти асосида, шунингдек, таълим воситалари ёрдамида натижаланади, ушбу жараёнда аниқ мақсадга йўналтирилган механизм ишга тушади. Таълим тизимлари мақсадга эришиш жараёнида бош халқа айнан қандай ва қайси механизм асосида ҳамда мавжуд таркибий унсурларни қандай ишга солиш мумкинлигини ифодалашга хизмат қилади. Таълим методлари қуйидаги асосий функцияларни бажаради:



**Миллий ғоя таълимидаги тарбия методларининг асосий функциялари**

Бу функциялар таълим методини қўллаш жараёнида бир-бирдан ажратилган ҳолда ёки кетма-кет жорий этилмайди, аксинча бир-бирига ўзаро сингиб кетади. Мисол учун, ташхисли функция ўқитувчининг бир қатор методлардан яхлит фойдаланиши эвазига бажарилади.

«Таълим методи» атамаси билан бирга кўп ҳолларда «методик усул» (синонимлари – педагогик усул, дидактик усул) тушунчаси ҳам қўлланилади. У таълим методининг таркибий қисми, унинг муҳим унсури, методни жорий қилишдаги алоҳида қадам сифатида таърифланади. Ҳар бир таълим методи муайян таълим усуллари чўғиштириш орқали жорий этилади. Методик усуллари хилма-хиллиги уларни таснифлашга имкон бермайди, бироқ ўқитувчи фаолиятида тез-тез қўлланиладиган усуллари ажратиб кўрсатиш мумкин:



**Методик шаклларнинг турлари**



## 1. Интерфаол таълим методлари тушунчаси

«Интерфаол» тушунчаси инглиз тилидан «интераст» сўзидан олинган бўлиб («интер» – ўзаро, «аст» – ҳаракат қилмоқ) – биргаликда ҳаракат қилмоқ маъносини англатади. Шундай қилиб, интерфаол сўзи биргаликда ҳаракатланмоқ, биргаликда суҳбатлашмоқ, биргаликда диалогга киришмоқ, биргаликда компьютер билан мулоқотда бўлмоқ, одамлар билан биргаликда мулоқотда бўлмоқ кабиларни англатади.

Демак, интерфаол таълим – бу биргаликдаги (ўзаро) таълимдир. Таълим жараёни иштирокчилари – ўқитувчи-ўқувчи; ўқитувчи-талаба; ўқитувчи-тингловчи ва бошқалар ўзаро муносабатда бўладилар, биргаликда муаммоларни ечишади, ўзаро ахборот алмашишади, топшириқларни биргаликда бажаришади ва ҳоказо.

Субъект-субъект муносабатларида томонлар дўстона муносабатда бўладилар, ўзаро ҳурмат, бир-бирини қўллабқувватлаш муҳити устувор бўлади. Шу тариқа нафақат янги билимлар эгалланади, балки тингловчи (талаба, ўқувчи)нинг англаш, идрок қилиш фаолияти ривожлантирилади.

Интерфаол таълим – бу англаш фаолиятининг махсус шакли саналади. Интерфаол таълимнинг мақсади: - таълим жараёнининг самардорлигини ошириш, юқори натижаларга эришиш;

фанларни ўрганиш мотивларини кучайтириш;

- таълим олувчиларнинг касбий малакаларини шакллантириш ва ривожлантириш; - мулоқот маданиятини шакллантириш;

- таҳлил ва рефлексив қобилиятларини ривожлантириш;

- замонавий техника воситалари ва технологияларни идрок қилиш ҳамда ахборотларни қайта ишлаш маҳоратини ошириш;

- ахборотларни мустақил излаб топиш, уларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш;

- тингловчилар (талаба, ўқувчи)нинг синф ва аудитория ишлари ҳиссасини камайтириш, мустақил ишлар ҳажминини кўпайтириш кабилардан иборат.

Таълимнинг интерфаол шакллари малакасини ошириш курслари тингловчиларнинг аудитория дарсларида, талабаларнинг мустақил ишларини бажаришларида, ўқувчиларнинг турли фаолиятларини ташкиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Талаба контингенти, фанларнинг аниқ мазмунидан келиб чиққан ҳолда таълимнинг фаол ва интерфаол шаклланишини таълим муассаси белгилайди, лекин гуруҳдаги дарслар умумий ҳажмининг 20% кам бўлмаганлиги мақсадга мувофиқ.

Таълимнинг интерфаол шакллари ҳажми ўқув дастури, ўқувметодик комплекс ҳамда тематик режага киритилиши лозим. Таълимнинг интерфаол моделида қайсидир қатнашчининг ёки қайсидир ғоянинг устуворлиги бўлмаслиги керак. Таълим олувчи таълимнинг объектидан ҳамкорлик субъектига айланади. У таълим жараёнида фаол иштирок этади ва ўзининг индивидуал йўли билан боради.

Таълимнинг интерфаол методлари ядросини унинг фаол методлари-ўқитиш шакллари ташкил қилиб, улар таълим олувчиларнинг мустақил тафаккури ва қабилиятини ривожлантиради ҳамда ностандарт касбий вазифаларни ҳал қилишга ўргатади. Таълимнинг асосий мақсади – бу таълим олувчилар тафаккурини ривожлантириш, муаммоларни ечишга жалб қилиш, мавжуд билим ва кўникмаларини чуқурлаштириш ҳамда ривожлантириш, шунингдек, уларнинг ўз фаолиятларини мулоҳаза қилишлари, фикр юритишлари ҳамда амалий кўникмаларини ривожлантиришдан иборат.

#### 1. Интерфаол таълимнинг хусусиятлари:

Таълим жараёни шундай қуриладики, унда барча таълим олувчилар англаш жараёнига фаол жалб қилиниб, уларга ўзларининг билим ва кўникмаларини қайта текшириш, тушуниш ва сезиш имконияти берилади. Талабаларнинг (ўқувчи) биргаликдаги ўқув материалларини англаш фаолияти, уларга бу жараёнда ўзларининг билим ва ғоялари билан ўртоқлашиш, индивидуал ҳиссасини кўшиш имконини беради.

Бу жараён бир-бирини ўзаро қўллаб-қувватлаш, тушуниш муҳитида содир бўлади, бу уларга нафақат янги билимларни эгаллаш, балки уларнинг англаш, идрок этиш фаолиятини ривожлантиради ҳамда мулоқот, ҳамкорликнинг янада юқори поғонасига кўтаради.

#### 2. Интерфаол таълимнинг асосий методик тамойиллари:

- ўқув, касбий сўз, атамалар, шартли тушунчаларни танлаш;
- таълим олувчилар бажариши керак бўлган вазифаларни, аниқ амалий бошқарув ва касбий фаолият мисолларини ҳар томонлама таҳлил қилиш;
- таълим олувчиларнинг узлуксиз ўзаро визуал алоқаларини қўллаб-қувватлаш;
- ҳар бир дарсда камида бир талабанинг (ўқувчи) модеатролик функциясини (вазифасини) ўташга ўргатиб бориш;
- дарс жараёнида ўқитишнинг техник воситаларидан, шу жумладан, слайдлардан, роликлардан, фильмлардан, видеоклиплардан, интерфаол доскадан фаол фойдаланиш;
- ўқитувчининг гуруҳ ичидаги ўзаро алоқаларини қўллабқувватлаш, ҳар қандай босимнинг олдини олиш;

- ўқув дастурининг тингловчилар учун янги ҳолатлар, тушунчаларни ўрганишда кўзда тутилмаган қийинчиликларнинг олдини олиш;

- дарснинг индивидуал шаклларида фойдаланиш (ижодий характердаги уйга вазифаларни бажаришда) ҳамда гуруҳ дарсларидаги талабаларнинг (ўқувчи) фойдаланиш;

- эгалланган натижалар бўйича талабаларни (ўқувчи) рағбатлантириш ёки чора кўришда ўқитувчи томонидан белгилаб қўйилган норма ва қоидаларга қатъий риоя қилиш;

- қатъий регламент ва ахборот ноаниқлиги мавжуд бўлган ҳолларда тўғри қарор қабул қилишга ўргатиш.

Интерфаол таълим ўқитиш жараёнининг асосий иштирокчилари – ўқитувчи, талаба ва талабалар гуруҳи ўртасида юзага келадиган ҳамкорлик, қизғин баҳс-мунозалар, ўзаро фикр алмашиш имкониятига эгалик асосида ташкил этилади, уларда эркин фикрлаш, шахсий қарашларини иккиланмай баён этиш, муаммоли вазиятларда ечимларни биргаликда излаш, ўқув материалларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўзаро яқинликларини юзага келтириш, “ўқитувчи – талаба – талабалар гуруҳи”нинг ўзаро бир-бирларини ҳурмат қилишлари, тушунишлари ва қўллаб-қувватлашлари, самимий муносабатда бўлишлари, рухий бирликка эришишлари кабилар билан тавсифланади.

Интерфаол таълим методлари моҳиятига кўра суҳбатнинг “талаба – ахборот коммуникацион технологиялар” шаклида ташкил этилиши талабалар томонидан мустақил равишда ёки ўқитувчи раҳбарлигида ахборот технологиялари ёрдамида билим, кўникма, малакаларнинг ўзлаштирилишини англатади. Ўқитувчи интерфаол таълим ёрдамида талабаларнинг қобилиятларини ривожлантириш, мустақиллик, ўз-ўзини назорат, ўз-ўзини бошқариш, самарали суҳбат олиб бориш, тенгдошлари билан ишлаш, уларнинг фикрларини тинглаш ва тушуниш, мустақил, ижодий, танқидий фикрлаш, муқобил ақлифларни илгари суриш, фикр-мулоҳазаларини эркин баён қилиш, ўз нуқтаи назарларини ҳимоя қилиш, муаммонинг ечимини топишга интилиш, мураккаб вазиятлардан чиқа олиш каби сифатларни шакллантиришга муваффақ бўлади. Энг муҳими, интерфаол ТТни қўллаш орқали ўқитувчи талабаларнинг аниқ таълимий мақсадга эришиш йўлида ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатларини ташкил этиш, йўналтириш, бошқариш, назорат ва таҳлил қилиш орқали холис баҳолаш имкониятини қўлга киритади. Ўқув жараёнининг интерфаол ТТга асосланиши бир қарашда ниҳоятда оддий, содда, ҳатто “болалар ўйини” каби таассурот уйғотади.

Барча таълим турлари каби интерфаол таълим ҳам устувор тамойилларга эга:

1. Машғулот – маъруза эмас, балки жамоанинг умумий иши.
2. Гуруҳнинг тажрибаси педагогнинг тажрибасидан кўп.
3. Талабалар ёш, ижтимоий мавқе ва тажрибага кўра ўзаро тенг.
4. Ҳар бир талаба ўрганилаётган муаммо юзасидан ўз фикрини айтиш ҳуқуқига эга.
5. Машғулотда талаба шахси танқид қилинмайди (фикр танқид қилиниши мумкин).

6. Билдирилган ғоялар талабаларнинг фаолиятини бошқармайди, балки фикрлаш учун ахборот (маълумот) бўлиб хизмат қилади.

Интерфаол таълим қуйидаги имкониятларга эга:

- талабаларда билимларни ўзлаштиришга бўлган қизиқишни уйғотади;
- таълим жараёнининг ҳар бир иштирокчисини рағбатлантиради;
- ҳар бир талабанинг руҳиятига ижобий таъсир кўрсатади;
- ўқув материалининг пухта ўзлаштирилиши учун қулай шароит яратади;
- талабаларга кўп томонлама таъсир кўрсатади;
- талабаларда мавзулар бўйича фикр ҳамда муносабатни уйғотади;
- талабаларда ҳаётий зарур кўникма, малакаларни шакллантиради;
- талабаларнинг хулқ-атворини ижобий томонга ўзгартирилишини таъминлайди.

### **3. Миллий ғоя ва маънавиятга оид фанларни ўқитиш жараёнида қўлланиладиган таълим методлари таснифи. Миллий ғоя ва маънавиятга оид фанларни ўқитишда тест методини қўллаш**

Талаба – ёшларга миллий ғоя тушунчалари унинг бош ва асосий ғоялари тушунчаларини сингдириш борасида интерфаол услубларни қўллашнинг бир қанча турлари мавжуд. Бундай услублардан фойдаланиш ўқитувчидан ўз устида ижодий ишлаш, янгиликлардан доимий хабардор бўлиш билан бирга талаба – ёшлар билан янада яқинроқ мулоқотда бўлиш ва талабаларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш учун хизмат қилади.

Шундай усуллардан бири “кластер” усулидир. Бу усулнинг асосий вазифаси талабалардан ўрганилаётган педагогик жараённи, янги мавзунини қисмларга ажратиш орқали ўзлаштиришга йўналтиради. Мавзу бойича фикр – мулоҳазаларни эркин баён этиш малакаларини оширишга ёрдам беради. Бу усулда бирор – бир мавзу ёки матн танланиб талаба - ёшларнинг диққатини айнан шу мавзуга қаратиш юзасидан марказга ёзилади. Талабалар мавзуга оид барча фикрларини марказининг атрофига жойлаштиради. Фирлар баён

этилгандан кейин ҳар бир фикр ёки сўзларни тоифаларга ажратиб чиқадилар: Миллий истиқлол ғояси: бош ғояси – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш; асосий ғоялари – ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро ҳамжиҳатлик, диний бағрикенглик.

Амалий машғулот ёки семинар дарси давомида талабаларга топширик бериш мумкин: миллий ғоянинг асосий ғояларига доир фикрларингизни айтиб беринг. Шунга доир халқ мақолларини келтиринг ва маъносини изоҳланг.

Мавзу бўйича кластер усулидан фойдаланиш охир – оқибатда янги билимларни ўзлаштириш фикрларнинг турли – туманлигини яхлитлаш асосида умумий натижа қўлга киритилади.

Кластер усулидан фойдаланиш учун гуруҳ талабаларини кичик ижодий гуруҳларга ажратиб амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳар бир гуруҳда мавзуга оид дарслик, ўқув қўлланмалари, маъруза матнлари, мавзуга оид карточка ва манбалар бўлиши мумкин.

Кластер усулидан фойдаланишда қуйидагиларга эътибор берилади.

1) Кичик гуруҳлар сонига қараб чизма қоғозлари доска тахтасига осиб қойилади ва миллий ғоя тушунчаси ўқитувчи томонидан ёзилади.

2) Мавзуга оид фикрлар қоғозга ёзилади.

3) Асосий тушунча ва фикрлар ўртасидаги боғлиқлик чизмада кўрсатилади.

4) Талабаларнинг фикрлари умумлаштирилади ва якуний хулоса чиқарилади.

5) Дарс жараёнида ўқитувчи талабаларнинг фаолиятини назорат қилиб боради, уларнинг мавзуга оид тушунчаларини баҳолайди.

Биз кластер усули хусусида тўхталдик. Дарс жараёнида интерфаол усулларнинг “ақлий ҳужум”, “танқидий фикрлаш”, “ажурли арра”, “менюлар”, “дебатлар”, “синквейн”, “инсерт”, “зиг-заг”, “қарорлар шажараси” каби турларидан ва компьютер технологияларидан фойдаланиш орқали самарали натижаларга эришилади.

Жамиятни ахборотлаштиришдаги энг муҳим йўналишлардан бири таълим тизимини ахборотлаштиришдир. Бу эса жамиятни ахборотлаштириш жараёни муваффақиятли амалга ошишининг асосий шартидир. Таълимни ахборотлаштириш таълим жараёнида ахборот технологияларини қўллаш, унинг фаол метод ва воситаларидан фойдаланиш, таълим-тарбия жараёнининг барча босқичларини жадаллаштириш, унинг сифат ва самарадорлигини ошириш, ёшларни ахборотлашган жамиятнинг фаол иштирокчиси этиб тарбиялаш масалаларини ўз ичига қамраб олади.

**Ўрганиш методлари** билим, малака ва кўникмаларни ижодий эгаллашга ҳамда методик ва ғоявий - сиёсий эътиқодларни ишлаб чиқишга қаратилган талабаларнинг илмий билиш фаолияти усули сифатида белгиланади.

Ўқитиш методи “ўқитишнинг мақсади – мазмуни, методи, шакли, усуллари” тизимида муҳим ўрин эгаллайди. Метод деганда, таълимда мақсадга эришиш, масалаларни ҳал қилиш йўллари, усуллари тушунилади. Ўқитиш методи таркибида усуллар алоҳида ажралиб туради. **Усул** методнинг унсури бўлиб, унинг таркибий қисми, методни амалга оширишда бир мартагина қўлланади ва алоҳида қадам ҳисобланади.

**Ўқитиш методи** – мураккаб, кўп қиррали, кўп сифатларга эа бўлган таълимдир. Ўқитиш методида ўқитишнинг объектив қонуниятлари, мақсадлари, мазмуни, тамойиллари, шакллари ўз аксини топади. Методлар бошқа дидактик категорияларга диалектик боғлиқ ва бири бошқаларини тақозо қилади, яъни ўқитишнинг мақсади, мазмуни, шакли ҳосиласи сифатида методлар дидактик категорияларга акс таъсир кўрсатади.

Ўқитиш методларининг кўп ўлчовлилиги уларнинг кўплаб таснифини келтириб чиқаради.

Ўқитиш методлари таснифи – муайян белгилар асосида тартибга солинган тизимдир. Энг асосланган ўқитиш методлари тавсифларига қуйидагилар киради:

1. Анъанавий метод.

Ҳозирги даврда улардан бештаси инобатга олинади: амалий, кўрғазмали, ифодали, китоб билан ишлаш ва видео методлар.

2. Мақсадига кўра методлар таснифи

\*билимларни эгаллаш;

\* малака ва кўникмаларни шакллантириш;

\*билимларни қўллаш;

\*ижодий фаолият;

\*мустаҳкамлаш методлари;

\*билим, малака ва кўникмаларни текшириш методлари.

3. Идрок этиш – билиш фаолияти характерига кўра методлар таснифи:

\* тушунтириш – иллюстратив ( ахборот – рецептив). Уларнинг характерли хусусиятлари; билимлар “тайёр ҳолда” тавсия этилади; бу билимларни идрок қилиш ташкил этилади; билимлар идрок (ретсепсия) қилинади ва тушуниб олинади, хотирага жойлаштирилади;

\*репродуктив метод: билимлар тайёр ҳолда тавсия этилади, билим нафақат баён қилинади, балки тушунтирилади; билимлар онгли

ўзлаштирилади; уларнинг тушунилиши ва эслаб қолинишига эришилади ҳамда билимларнинг мустаҳкамлиги тез – тез такрорлаш йўли билан таъминланади.

\*муаммоли баён қилиш методи;

\*қисман ижодий (евристик) метод. Билим тайёр ҳолда тавсия этилмайди, балки у мустақил равишда эгалланади; янги билимларни қидириш, излаш ташкил этилади; билиш вазифалари бўйича мустақил фикр юритилади, муаммоли вазифалар яратилади ва ҳал қилинади;

\* тадқиқий метод. Бунда муаммо белгилаб олинади, муаммонинг тадқиқоти жараёнида билим эгалланади .

4. Дидактик мақсади бўйича (Т.И.Шукина, И.Т. Огородников) қўйидагилар фарқланади:

\* илк билимларни ўзлаштириш методлари;

\* эгалланган билимларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш методлари.

5. Олиниши зарур бўлган натижани олдиндан тахмин қилиш (мақсадни амалга оширишга эришиш);

6. Таълим жараёнининг яхлитлигини таъминлаш;

7. Мунтазам таҳлил қилиб бориш;

Миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанларни ўқитиш методикасида ўқитиш ва ўрганиш методлари қўйидаги гуруҳлардан иборат кенг тарқалган таснифларга бориб тақалади.

1.Билимларни бериш, идрок этиш ва ўзлаштириш ҳамда эътиқодни шакллантиришни таъминловчи методлар. Методларнинг бу гуруҳига маъруза, талабаларнинг мустақил ишлари, мустақил таҳсил олиш бўйича ишлар, маслаҳатлар, кўрсатма бериш, оммавий ахборот, программалаштирилган материалларни идрок этиш ва бошқалар киради.

2. Билимларни тадбиқ этиш ва мустаҳкамлаш, малака ва кўникмаларни ҳосил қилиш ҳамда эътиқодни чуқурлаштириш методлари. Бу гуруҳга семинар, амалий ва лаборатория машғулотлари, назорат ишларини бажариш, ўқув ва педагогик амалиёт киради.

3. Билимлар, эътиқодларни шакллантириш ва талабаларнинг касбий тайёргарлигини аниқлаш методлари. Бу ўқув жараёнининг рейтинг баҳолари, суҳбат ўтказиш, курс ва диплом ишлари лойиҳалари ҳамда давлат аттестацияси натижаларини баҳолашдир. Дидактикага оид адабиётларда ўқитиш методларининг қўйидаги боғлиқликлари кайд қилинади:

-биринчидан, ўқув машғулотларининг дидактик мақсадлари ва вазифаларига боғлиқ;

-иккинчидан, баён қилинадиган материалнинг характериға боғлиқ;

-учинчидан, таълим олувчиларнинг билими ва ривожланиш даражасига боғлиқ;

-тўртинчидан, ўқув жараёнида ўрганилаётган фан асосларининг муайян (ҳозирги) даврдаги методларига боғлиқ;

-бешинчидан, олий ўқув юрти ёки кафедранинг шароитларига боғлиқ;

-олтинчидан, ўқув жараёнининг моддий – техник таъминоти билан боғлиқ;

-еттинчидан, ўқитувчининг педагогик маҳорати, унинг тайёргарлиги ва ўқув жараёнини ташкил этиш даражаси ҳамда ўқитувчининг ҳозирги замон методлари бўйича билимларига боғлиқ.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасидаги олий таълимни ислоҳ қилишнинг долзарб вазифаси талабаларнинг ўқув – билиш фаолиятини жонлантириш, ўқув жараёнига янги технологияларни тадбиқ этишга хизмат қиладиган ўқитишнинг шакл ва методларини такомиллаштиришдан иборат.

Ўқитувчининг педагогик фаолияти тавсифида олимлар, одатда қуйидаги компонентларни фарқлайдилар:

- ташкилотчилик
- илмий билиш;
- коммуникативлик.

(ингл. - синов биринчи бор 1864 йилда Буюк Британияда Ж.Фишер томонидан ўқувчиларнинг билим даражасини текшириш учун қўлланилган. Тест синовларининг назарий асосларини кейинчалик инглиз психологи Ф.Гамелтон ишлаб чиқди. Тест синовлари дастлаб психология фанлари доирасида ривожланди. XX аср бошида эса тест синовларини ишлаб чиқишда психологик ва педагогик йўналишлар бир-биридан мустақил ажрала бошлади. Педагогик тест синовлари биринчи марта Америкалик психолог Э.Торндайк томонидан ишлаб чиқилди. Психология ва педагогикада тест синовларининг ривожланиши билан математик методлар ҳам қўлланила бошланди. Бундай методлар ўз навбатида тестларни ишлаб чиқишга ижобий таъсир кўрсатди.<sup>5</sup>

XIX аср охири XX аср бошларида тест синовларига талабаларнинг ўқув қобилиятларини баҳолаш воситаси сифатида қараш анча кучайди. Айнан шу даврдан бошлаб тест синовлари икки асосий йўналиш: ақлий (интеллектуал) ривожланиш даражасини аниқлаш тестларини яратиш ва қўллаш ҳамда ўқувчиларнинг ўқиш қобилиятларини ва билимларини баҳолашга мўлжалланган педагогик тестларни яратиш ва қўллаш соҳалари ривожлана бошлади.

<sup>5</sup>Қорабоева З.Т. Педагогик технологиялар. Маърузалар матни. – Т.: Фан, 2006.



Тест тузувчилар турли одамларда реакция вақти бир хил эмаслигини аниқладилар, бу эса одамларнинг ақлий (интеллектуал) қобилиятларини ўрганиш зарурлиги ва турли даражадаги тестлар яратиш усулида амалий ишлар олиб бориш лозимлиги тўғрисида хулоса чиқаришга олиб келди. Тест синовларининг асосий мақсади ҳам ўтилган дарсларни ўзлаштириш даражаси тўғрисида, ҳам навбатда ўрганилиши лозим бўлган дарс ҳажми тўғрисида ўқитувчига ахборот бериш; ўқитувчига ўқитиш методини танлашда ёрдам беришдан иборат деб ҳисобланган. Ўқувчиларнинг билимларини баҳолашнинг турли усуллари таҳлил этиб, тестларни гуруҳларга ажратишга ўрганиб кўрилган. Ч.Грин (1926) ўзининг «Тест нового типа» (Янги турдаги тест) номли монографиясида илгари яратилган ва ишлатиб кўрилган тестларнинг афзалликлари ва камчиликларини таҳлил қилиб қўйидаги тавсияларни берди:

- тест синовлари учун мўлжалланган материал ҳажмини аниқ белгилаш ва унинг таркибидаги энг муҳим қисмларини ажратиб олиш;

- мазкур материал учун тест синовларининг энг мақбул шаклини тажриба йўли билан аниқлаш;

- ўқувчиларнинг тест синовлари вақтида жавоб беришлари ўртача тезлиги тўғрисидаги амалий маълумотларни эътиборга олган ҳолда, тест синовларининг давом этиш вақтини белгилаш;

- тест синовлардаги фикрларни баён қилиниш тилининг тўғрилигини ва мантқан мувофиқлигини текшириш;

- топшириқларни мураккаблиги ортиб бориш тартибида жойлаштириш, тўғри

ва нотўғри жавобларнинг доим бир навбатда алмашилишига йўл қўймаслик.

Маънавият асослари фанини ўқитишда муҳим воситалардан бўлган тест назоратининг ижобий жиҳатлари:

1. Саводли тузилган тест объектив педагогик ўлчаш воситаси бўлиб, унинг натижаси имтиҳон олувчи ўқитувчига боғлиқ эмас.

2. Педагогик тест ўқув материалининг дастурий мазмунини тўлиқ қамраб олиши мумкин.

3. Тест назоратида техникани қўллаш осон, бу маълум бир материални ёки бутун бир фанни, нисбатан оз вақт, кам куч сарфлаб, оммавий назорат қилишга имконият яратади. Бу унинг муҳим устунликларидан биридир.

Тест усули ҳам айрим нуқсонлардан холи эмас. Масалан, тест ўқувчининг мустақил фикрлаш қобилиятини қолиплайди, яъни чеклайди; ўқувчи ўзининг руҳий кечинмаларини намоён қила олмайди; ўқувчининг бошқа шахсий сифатларини баҳолаб бўлмайди.

Шунга қарамай, педагогик тестларнинг ижобий имкониятлари жуда катта. Тестдан тўғри ва ўринли фойдаланиш таълим тизимининг барча бўғинларида ўқиш ва ўқитиш сифатини оширишга хизмат қилади, ўқувчининг билиш фаоллигини оширади. Тест топшириқларига қўйиладиган дидактик талаблар мавжуд. Тузилган тест топшириқларини ҳаммасини ҳам бирдек ишончли деб бўлмайди. Тест саволлари мукамал бўлиши учун уларни тузишда бир қанча талабларга риоя қилиши зарур.

**Булар қуйидагилардан** иборат: тест топшириқлари мазмунининг ўқув материалининг мақсадга мувофиқлари; материал аҳамиятлилиги; илмий аниқлик; изчиллик; тўқислик ва уйғунлик; ўзлаштириш даражасига кўра табақалаштириш; самарадорлик; тил раволиги ва аниқлиги; бир маънолилик; қатъий белгиланган вақт; ихчамлик; мураккаблик меёри; тўғри жавобда қўшимча белгиларининг мавжуд эмаслиги; вариативлик; шаклан ва мазмунан ўзаро боғлиқлик.

#### **4. Таълим воситалари тушунчаси, унинг мазмун ва моҳияти. Бугунги кунда таълим тизимида қўлланилаётган воситалар таснифи.**

##### **Ўқув адабиётлари**

Ўқитиш воситалари бу моддий олам, теварак-атроф ва табиий объектлар, шунингдек, инсон томонидан ўқув – тарбиявий жараёнда ахборот олиш, педагог ва ўқитувчилар фаолиятида ўз олдига қўйган ва ўқитиш, тарбиялаш ва ривожланиш учун қўлланиладиган қурол сифатида яратилган сунъий объектлар ҳисобланади.

Ўқитиш воситалари, шу билан бирга, уларнинг мазмун, услуб ва ташкилий шакллари лойиҳалаштирилган ўқув – тарбиявий жараённинг таркибий бўлимларидан биридир. Мазкур ҳолат ҳар бир ўқув – тарбия муассасасининг энг муҳим таркибий хусусиятидир. Миллий ғоя таълими жараёнида қўлланиладиган турли – хил моддий ўқитиш воситалари ҳозирги пайтда жорий қилинган тизимларнинг ҳаракатланиши, қайта қурилиши ва бир-бири билан боғлиқлигини назарда тутган ҳолда бошқа таркибий қисмларга бевосита таъсир кўрсатади. Хусусан, янги ахборот технология воситаларининг етарли даражада кенг қўлланилиши малум жараёни лойиҳалаштиради, тадқиқот олиб боришда анъанавий дарс билан чегараланиб қолмасдан, таълим олувчиларнинг турли мустақил фаолиятини (якка тартибда ёки гуруҳ бўлиб) назарда тутган услубларни ўқитиш мазмуни ва мақсади у ёки бу ўзгартиришларни инобатга олиб киритиш самарали натижалар беради. Айнан янги воситалар ва техникавий ютуқларнинг пайдо бўлиши ўқув дастурларига таълим

Таълим оловчиларга тақдим этиладиган модел ва муляж (макетлар)лар ҳам худди табиий объектлар сингари демократсион ва тарқатма қўлланмаларга бўлинади.

Ўқитиш воситалари орасида охириги пайтда энг кўп қўлланилаётган воситалар – бу плакатлардир. Плакатлар - қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт.

- плакатнинг мазмуни ўрганилаётган мавзуга оид бўлиши;
- плакатда ифода этилган чизма етарли даражада катта ва узоқдан ҳам кўра олиш имконини бериши керак;
- плакатдаги объектлар табиий ҳолатларида кўрсатиши шарт;
- плакатда тасвирланган чизмаларнинг қисмлари масштаб мутаносибли асосида берилиши керак;
- энг эътиборга лойиқ қисмлар алоҳида (бошқа) ранг билан ажратиб кўрсатилиши лозим.

5. Экран ва экран – товушлик ўқитиш воситалари. Ҳозирги замонда жуда кенг тарқалган ўқитиш воситаларидандир. Бу ўқитиш воситаларига қўйилган талаблар энг аввало уларнинг мавзуга оид, иккинчидан, сифатли бўлишидир.

Диопозитив (слайд) – бу ҳаракатланмайдиган ўқитиш экран воситаси. Диопозитив акс этган чизма ва расмлар одатда плакатдагидан яхши қабул қилинади.

Диопозитив – бу жуда қулай ўқитиш воситаси, чунки ўқитувчи ёрдамида материалнинг қисмини, ёки бир кадрни алоҳида кўрсатиш мумкин. Қар бир кадр тўлиқ бир информатсияга эга. Диофилм ҳам ҳаракатланмайдиган экран воситасидир. Бу қўлланмаларнинг услубий ғояси муаллифларининг кадрлар кетма-кетлигини таминланишига эътибор беришларидир. Кадрларнинг кетма-кетлиги ўзгарса информатсиянинг қабул қилинишида мазмун бузилиши рўй беради. Диофилмларни қўллашдаги қийинчилик – улардаги ахборотнинг кўплиги ва уларнинг қабул қилиб олиш учун вақтнинг етмаслигидир.

Бу қийинчилик дарсда диофилмларнинг айрим фрагментларини (бўлақларини) кўрсатиш орқали енгиллаштирилади.

6. Транспорантлар – бу ҳам ҳаракатланмайдиган экран қўлланмаси. Транспорантларнинг графпроектор ёрдамида кўрсатилиши ва хонани қоронғилатиш шарт эмаслиги бу ўқитиш воситасининг муҳим жиҳатидир. Транспорантлар синф доскаси ҳам ўрнини босадиган воситадир. Ўқитувчи таълим оловчиларга юзланган ҳолда, ўтилаётган мавзу ёки чизмаларни экранга проексия қилиш орқали тушунтириши мумкин. Бу орада ўқитувчи чизмалар мазмунига керакли ўзгартириш ёки тўлдиришлар киритиш мумкин. Бундан ташқари транспорантларда информатсияни тақдим этишда бир кадрнинг ўрнига

иккинчисига қўйиш жуда қулайдир. Транспарантлар одатда 6-8 кадрдан иборат сериялардан иборат бўлиб, у ўқитувчи томонидан ҳам ясаши мумкин.

7. Ўқув кинофилмлари яқиндагина энг самарали ўқитиш воситаси деб эътироф этилганди. Унинг кўргазмаликлиги қуйидаги жуда бой дидактик имкониятларидан келиб чиқади; катта ҳажмли информатсиянинг ихчамлантирилиши, фан ва техника тарихига саёҳат қилиш, жараённи тезланиш ёки секинлаштириш, ниҳоят, уни тўхтатиш, лиривинтикатсия ёки моделлаштириш, заводдаги мослама ва аппаратларининг ички тузилишини кузатиш. Янги технологиясини бошқариш билан таништириш, фан арбоблари фаолияти ҳақида маълумот бериш илмий – текшириш лабораториясига «кириш», турли вазифаларни қўйиш, уларни ижобий ҳал этиш, ҳамда қиёслаш ўқув филмлари ёрдамида амалга ошар эди.

Сўнгги йилларда ўқув филмлари ишлаб чиқарилмай қўйди. Уларни ўрнини ўқув видео ёзуви, информатсияни акс эттирувчи экран – товушли воситалари кино, радио, телевидиния, видеофилм ва диопозитивларни.

Видео ёзувини қанча лозим бўлса, шунча марта такрорланиш мумкин, вақт кўрсаткичи асосида керакли информатсияни ёзиш мумкин. Видеокамера ёрдамида ёзиб олиш жуда катта имкониятни очиб беради. Келажакда ўқитувчиларни тайёрлаш ва улар малакасини ошириш мақсадига хизмат қилувчи видео ёзуви тизимлари чиқилади.

Ўқув материални мустақил ўрганишда ўқув ёзувлари катта аҳамиятга эга.

Ўқув асбоблари, мосламалари, лаборатория асослари тизимнинг ўта аҳамиятли бўлган қисмини ташкил қилади. Энг, аввало, у ёки бу асбоб нима учун хизмат қилишини аниқлайлик.

8. Тренажерлар – техника воситаларининг алоҳида гуруҳига киради. Тренажерлар меҳнат ишлаб чиқариш шароитларини имитатсия (ўхшатиш) қилади.

Тренажерлар уч гуруҳга бўлинади:

– Автомобил ва химиявий ишлаб чиқариш технологиясини тренажерлари (моделлаштириш ёрдамида ўрганилади).

– Аниқ бир интеллектуал фаолият билан боғлиқ бўлган тренажерлар. Масалан: тренажер имитаторлар, станокларни наладка қилиш имконини берувчи тренажерлар.

– Бирор бир ҳаракатланиш кўникмасини ҳосил қилиш учун тренажерларнинг алоҳида тури қўлланилади. Масалан: метални аралаш, деталларнинг фигурали қилиб ясаши учун хизмат қилувчи тренажерлар.

Миллий ғоя, маънавият асослари таълими воситаларига **иккинчидан**, дарслик ва ўқув қўлланмалар киради. Ўқувчиларнинг ижодий изланиши,

қўшимча билим олишга бўлган эҳтиёжларини қондиришда, ижодий фойдаланишда дарсликлар муҳим аҳамият касб этади. Дарсликдан фойдаланиш, у билан ишлаш йўлларида модул таълим технологияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунда мавзу, тугалланган фикрни қисмларга, қисм эса блок модулларга ажратилади.

Миллий ғоя, маънавият асослари таълимининг **энг муҳим хусусиятлардан бири** ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ривожлантиришдир. Ўқувчи-талабаларнинг жонли билиш фаолияти учун қуйидагилар хосдир: билимга ва ўқув мақсадларига бўлган чуқур, ҳар томонлама қизиқиш; ақлий, жисмоний ва интеллектуал кучларни фаол намоён қилиш; диққат, хотира, ирода ва бошқа рухий сифатларни тўплаш. Билиш фаоллиги жараёнида қуйидаги 4 шакл ажратилади:

- репродуктив фаоллик. Бунда тайёр билимларни эгаллашга тайёргарлик, қизгин қайта ишлаш фаолияти амал қилади;
- аппликатив фаоллик – унга қизгин танлов-яратиш фаолиятига тайёрлик характерлидир;
- изоҳлашдаги фаоллик – маъно-мазмунни қизгин изоҳлаш, тушунтириш ва очиб беришга тайёрлик;
- продуктив (самарали) фаоллик – унга янгиликни қизгин ижод қилишга тайёрлик характерлидир.

Ҳеч кимга сир эмаски, **ахборот** – коммуникатсион технологиялар ҳаётимизнинг барча жабҳаларига кириб келмоқда. Технологияларга асосланган ўқув жараёнини ташкил қилишда **яна бир восита** электрон дарсликлар муҳим ўрин тутаяди. Маълумки, электрон дарслик деганда, илгарилари оддий матн файли тушунилар эди. Ҳозирги кунда электрон дарслик деганда, оддий электрон нусха эмас, балки рангли расмлар, турли хил тестлар, жадваллар, лавҳалар, овоз, видео – кўргазмаларнинг замонавий тартиби, техникаси тушунилади. Шунинг учун ҳам электрон дарсликлар масофавий ўқитиш тизимининг асоси бўлиб хизмат қилади.

Маънавият асослари дарсларида қўлланалидаган **самарали воситалар сирасига** видео – кўргазмаларни ҳам киритиш мумкин.

Видео – кўргазмаларнинг қулайликлари:

- ўқув дастури асосида ўрганилиши керак бўлган материалларни ўқувчиларга ихчам, қулай кўринишда тақдим этиш;
- техник воситаларнинг ўқувчи билан интерфаол усулларда мулоқатда бўла олиши;
- ўқувчиларнинг ўқув материалларини мустақил равишда ўрганиши ва олган билимларини тест синовлари асосида синаб кўриши мумкинлиги.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2011 йил 29 мартдаги йиғилиш баёни билан тасдиқланган “Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепсияси”нинг 3.2.-бандида узлуксиз таълим тизимида ўқитиладиган ижтимоий-гуманитар фанлар мажмуасига мос ўқув адабиётларининг турлари туркум фанлар кесимида кўрсатиб ўтилган. Жумладан:

Таълим-тарбиявий машғулотлар учун:

- тарбиячилар ва ота-оналар учун қўлланмалар;
- қўرғазмали қуроллар;
- дидактик таълимий ўйинлар.

Умумтаълим фанлари учун:

- асосий дарсликларга ўқув методик қўлланмалар;
- методик тавсиянома ва кўрсатмалар; компютерли машғулот ва ўйинлар;
- керакли маълумотлар тўплами;
- маълумотлар банки ва луғатлар.

АЛ: умумтаълим ва чуқурлаштириб ўқитиладиган фанлар ҳамда КХК: умумтаълим, умумкасбий ва махсус фанлар учун:

- асосий дарсликлар, ўқув ва методик қўлланмалар; маърузалар курси; маърузалар матни; методик тавсиянома ва кўрсатмалар; маълумотлар тўплами ва банки, луғатлар.

Умумтаълим, умумкасбий, махсус ва қўшимча фанлар учун:

- дарсликлар, ўқув ва методик қўлланмалар;
- маърузалар курси;
- маърузалар матни;
- методик тавсиянома ва кўрсатмалар;
- маълумотлар тўплами ва банки;
- луғатлар ва дайжест.

Умумий методологик ва махсус фанлар ҳамда илмий фаолият учун:

- дарсликлар, ўқув ва методик қўлланмалар;
- маърузалар курси;
- маърузалар матни;
- методик тавсиянома ва кўрсатмалар;
- маълумотлар тўплами ва банки;
- луғатлар ва дайжест;
- илмий оммабоп адабиётлар.

Илмий методологик ва махсус фанлар ҳамда илмий фаолият учун:

- тегишли соҳаларга оид умумий адабиётлар;

- ўқув ва методик адабиётлар; илмий оммапоб адабиётлар.

Умумий методологик ва махсус фанлар учун:

- тегишли соҳаларга оид ўқув ва умумий адабиётлар;
- илмий-методик ва илмий-назарий адабиётлар.

“Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепсияси”да ўқув адабиётларининг қуйидаги шакл ва турлари кўрсатиб ўтилган:

### **Ўқув адабиётларининг шакллари**

**Ўқув адабиётлари** — муайян таълим тури (йўналиши ёки мутахассислиги) ўқув режасида қайд этилган фанлар бўйича тегишли ўқув дастурлари асосида зарур билимлар мажмуаси келтирилган, ўзлаштириш услублари ва дидактикаси ёритилган (шу жумладан, хорижий таржималар) манба бўлиб, икки хил шаклда тайёрланади:

- **Анъанавий (босма) ўқув адабиётлар** - таълим олувчиларнинг ёши ва психо-физиологик хусусиятлари, маълумотлар ҳажми, шрифтлари, қоғоз сифати, муқова тури ва бошқа кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда қоғозда чоп этиладиган манба;

- **Электрон ўқув адабиётлар** – замонавий ахборот технологиялари асосида маълумотларни жамлаш, тасвирлаш, янгилаш, сақлаш, билимларни интерактив усулда тақдим этиш ва назорат қилиш имкониятларига эга бўлган манба.

### **Ўқув адабиётларнинг турлари**

Узлуксиз таълим тизими ўқув-тарбиявий жараёнида ўқув адабиётларнинг қуйидаги турлари қўлланилади: дарслик, ўқув қўлланма, луғат, изоҳли луғат, маълумотлар тўплами, маърузалар курси, маърузалар тўплами, методик кўрсатмалар, методик қўлланмалар, маълумотлар банки, дайжест, шарҳ ва бошқалар.

**Дарслик** – давлат таълим стандартида белгиланган асосий ўқув материални қамраб олган ҳолда, билимларни талабалар томонидан мустақил ўзлаштириб олишга, уларда кўникма ва малакаларни шакллантиришга, керакли ўқув материални мустақил излаш ва топишга, ҳамда амалий фаолиятда қўллашни ўргатиш ҳамда ижодий қобилиятларни ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши керак.

Ҳар бир таълим турининг мақсад ва вазифаларини қамраб олган, билим олувчиларнинг ёши ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ўз дарсликлари бўлади. Дарсликда назарий маълумотлардан ташқари, амалий-тажриба ва синов машқлари бўйича зарур кўрсатмалар берилади.

**Ўқув қўлланма** – дарсликни қисман тўлдирувчи, муайян фан дастури бўйича тузилган ва фан асосларининг чуқур ўзлаштирилишини таъминловчи, айрим боб ва бўлимларни кенг тарзда ёритишга ёки амалий машқ ва машғулотлар ечимига мўлжалланган нашр.

Ўқув қўлланмада муайян мавзулар дарсликка нисбатан кенгроқ ёритилади. Масалан, “Механика” физика фанининг механика қисмига бағишланган ўқув қўлланма. “Физикадан масалалар тўплами” – физика фани бўйича масала ва машқлар ечишга мўлжалланган ўқув қўлланма ва ҳоказо.

**Луғат** – аниқ бир тартибда жойлашган сўзлар (ёки сўз бирикмаси ва ҳоказо) тўплами, уларнинг мазмуни, ишлатилиши, келиб чиқиши, бошқа тилдаги таржимаси тўғрисида маълумот берувчи ёки сўзнинг тушунчаси, у билан белгиланувчи предметлар ҳақида ахборот берувчи нашр.

**Изоҳли луғат** – сўзларнинг мазмунини изоҳлайдиган, ҳар бир сўзнинг грамматик, этимологик ва стилистик тавсифи берилган, уларни қўллашга оид мисоллар ва бошқа маълумотлар келтирилган, қўшимча адабиёт сифатида фойдаланиладиган нашр.

**Маълумотлар тўплами** – фойдаланишга қулай шаклда яратилган муайян фанни ёки таълим йўналишини ўзлаштириш учун зарур бўлган, исбот талаб қилмайдиган маълумотлар, илмий кўрсаткич ва ўлчамлар, турли белги ва рақамлардан, илмий, ижтимоий-сиёсий, амалий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги қисқа маълумотлардан ташкил топган нашр.

Маълумотлар тўпламида бир қатор муҳим илмий-амалий масалаларни ечиш намуналари келтирилиши мумкин.

**Маърузалар курси** - фаннинг ўқув дастури бўйича ундаги барча мавзуларнинг асосий мазмуни қисқа ёритилган, бирламчи янги билимларни олишга қаратилган, фойдаланиладиган асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар кўрсатилган, ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар туркуми, мавзуга тегишли таянч атама ва иборалар келтирилган нашр, лекциялар курсининг номи тегишли фан номи билан аталган.

**Маърузалар тўплами** — муайян фаннинг ўқув дастури бўйича ундаги айрим мавзуларнинг асосий мазмуни қисқа ёритилган, бирламчи янги билимларни олишга қаратилган, фойдаланиладиган асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар кўрсатилган, ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар туркуми, мавзуга тегишли таянч атама ва иборалар келтирилган, даврий равишда илмий-тадқиқот изланишлар асосида янгиланиб туриладиган, таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси бўйича чиқариладиган кичик ададли тарқатма материал.



**Услубий кўрсатма** — муайян фаннинг ўқув дастури бўйича курс ишлари (лойиҳалари), лаборатория ва амалий ишларни бажариш тартиби аниқ ва батафсил ифодаланган ҳамда ушбу фан бўйича талабаларда зарур амалий кўникмалар ҳосил қилишга мўлжалланган, таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси асосида нашр этиладиган кичик ададли тарқатма материал.

**Услубий қўлланма** - ўқитувчилар (профессор-ўқитувчилар) ва билим олувчилар учун мўлжалланган бўлиб, унда бир дарснинг мақсади, дарс ўтиш воситалари ва улардан фойдаланиш усуллари, дарснинг мазмуни, амалий машғулотлар, қўшимча топшириқлар ва бошқалар ҳақида тавсиялар баён қилинадиган, таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси асосида чоп этиладиган нашр.

**Шарҳ** - жамият тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этадиган меёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек, баҳсга лойиқ асарларни, ғояларни, фикрларни ва таърифларни изоҳловчи, муайян масалалар ечимини кўрсатувчи, кенг оммага мўлжалланган қўшимча адабиёт сифатида фойдаланиладиган нашр.

**Дайжест** – илмий, илмий-услубий, ўқув, даврий адабиётлар, ҳукумат ва турли ташкилотлар фаолиятига тегишли қонунлар, қарорлар, низомлар мазмунининг қисқача баёни ва шарҳи келтирилган, соҳаларга оид маълумотлар тўплами сифатида фойдаланиладиган доимий нашр.

**Электрон дарслик** – компьютер технологиясига асосланган ўқув услубини қўллашга, мустақил таълим олишга ҳамда фанга оид ўқув материаллар, илмий маълумотларнинг ҳар томонлама самарали ўзлаштиришга мўлжалланган бўлиб:

- ўқув ва илмий материаллар фақат вербал (матн) шаклда;
- ўқув материаллар вербал (матн) ва икки ўлчамли график шаклда;
- мултимедиа (кўп ахборотли) қўлланмалар, яъни маълумот уч ўлчамли график кўринишда, овозли, видео, аниматсия ва қисман вербал (матн) шаклда;
- тактил (ҳис қилинувчи, сезиладиган) хусусиятли, ўқувчини “экран оламида” стерео нусхаси тасвирланган реал оламга кириши ва ундаги объектларга нисбатан ҳаракатланиш тасаввурини яратадиган шаклда ифодаланади.

**Маълумотлар банки** - ахборот технологияларнинг имконияти ва воситалари асосида яратилган. Статик ва динамик режимда тузилган, товуш ва рангли тасвирлар билан таъминланган, катта ҳажмдаги ахборотларни ўз ичига қамраб олган ва уларни турли кўринишда (жадвал, диаграмма, гистограмма, матн, расм ва ҳоказо) бера оладиган, ўқув жараёнида билим олувчилар томонидан ўз устида мустақил ишлаши ва ўз билимларини назорат қилиши

учун қўлланиладиган, доимий равишда тўлдириб бориладиган, кенг доирада фойдаланишга мўлжалланган, тегишли ваколатли давлат ташкилотида қайд этилган соҳалар бўйича маълумотлар тўплами.

**Методик тавсиялар** – таълим ва тарбиянинг самарали усулларини амалда тадбиқ этиш бўйича қисқа ва аниқ баён этилган таклифлар мажмуидан иборат методик нашр. Методик тавсияларда ўқув жараёнига ўқитишнинг интерактив усуллари, педагогик технологиялардан амалда фойдаланиш бўйича тавсиялар назарий жиҳатдан эмас балки кўпроқ амалий намуналар асосида босқичма-босқич берилиши мақсадга мувофиқ.

**Монография** - илмий тадқиқотлар натижалари асосида яратилган босма нашр.

**Электрон нашр (ЕН)** - бу графикли, матнли, рақамли, нутқли, мусикали, видеофото ва бошқа ахборот объектларидан иборат бўлган жамланмаси ҳисобланади. ЭН магнитли (магнит тасмаларда, магнит дискларда), оптик (СД-РОМ, СД-И, СДК, СД-Р, СД-РВ, ДВД) электрон ахборот ташувчи воситаларида ҳамда компьютер тармоғида тақдим этилиши мумкин.

**Электрон ўқув наشري** - таълим олувчилар томонидан билимлар, кўникмалар ва маҳоратларни ижодий ва фаол эгаллашларини таъминлайдиган илмий амалий билим соҳасига мос равишдаги тизимлаштирилган ўқув материалга эга бўлган электрон нашр.

**Электрон луғат** - анъанавий «қоғозли» луғатга мос келувчи электрон ахборот манбаи. Компютер версияда сўз ёки сўзлар гуруҳига махсус ажратилган кўрсатма билан исталган дастурдан чиқарилиши мумкин. Анъанавий луғатлардан фарқли равишда электрон луғат матн ва графикавий тасвирлар билан бир қаторда видео ва аниматсион лавҳалар, товуш, мусика ва бошқалар билан бирга медиа-объектларнинг бутун спектрларини ўз ичига олиши мумкин.

**Электрон услубий қўлланма** - педагогик тажрибани умумлаштириш ва узатиш ҳамда таълим фаолиятининг янги моделларини шакллантириш ва тарқатиш шакли. Электрон услубий қўлланмада педагогик тажриба машғулотларнинг рақамлаштирилган видео-лавҳалари, электрон ёки унга ўгирилган шаклда яратилган ўқувчилар ишларини дарслар бўйича режалаштирилган шаклида кўрсатилади.

**Электрон ўқув қўлланма** - фаннинг ўқув ҳажмини қисман ёки тўлиқ қамраган ва ахборотнинг адаптатсия блокини ўз ичига олган бўлиб, масофавий ўқитиш ва мустақил ўрганиш учун мўлжалланган.

**Электрон маъруза** – интерактив элементлар ва гиперузатишларни қўллаб, ўқув фани маъруза материални намойиш қилувчи мултимедек тизим.

### Назорат саволлари

1. Интерфаол таълим методлари деганда нимани тушунасиз?
2. Анъанавий таълим моделининг афзалликлари ва камчиликлари нималардан иборат?
3. Ноанъанавий таълим моделининг афзалликлари ва камчиликлари Нималардан иборат?
4. Ўрганиш методлари ҳақида тушунча беринг...
5. Ўқитиш методлари деганда нимани тушунасиз?
6. Миллий ғоя ва маънавият асослари таълимида қўлланиладиган қандай ўқитиш методларини биласиз?

### АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясидги нутқи. 2020 йил, 23 сентябрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси//Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.
4. Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори.// Тошкент, Халқ сўзи. 2019 йил. 4 май. № 78.
5. Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 8 апрелдаги “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги №5465–сон Фармойиши//Халқ сўзи, 2019 йил, 9 апрель.
6. Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепцияси” лойиҳаси
7. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
8. Отамуродов С. Миллий ғоя - миллий тикланиш манбаи. – “Тарих, мустақиллик, миллий ғоя”. -Т.: Академия, 2000.
9. Қорабоева З.Т. Педагогик технологиялар. Маърузалар матни. – Т.: Фан, 2006.
10. Замонавий дарс. / Масъул муҳаррир Ш. Шомансуров – Т.: А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти, 2007.
11. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009.

12. Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Т.: Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистан Миллий кутубхонаси нашриёти, 2011.

13. Холиқов И., Собирова М., Машарипова Г. “Маънавият асослари” фанини замонавий педагогик технологиялар асосида ўқитиш. – Т.:ТДПУ, 2013.

14. Уразова М.Б., Эшпулатов Ш.Н. Бўлажак ўқитувчининг лойиҳалаш фаолияти. // Методик қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2014. 6,5 б.т.

15. Тоҳириён А., Собирова М., Замонов З. Миллий ғоя туркумига кирувчи фанларни ўқитишда интерфаол таълим методларидан фойдаланиш бўйича услубий тавсиялар. – Т.: РТМ, 2017.

16. Ларнер И.Я. Дидактические основы методов обучения. – Москва, Педагогика, 1981,с.35.

#### **4-мавзу: МИЛЛИЙ ҒОЯ, МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ВА ҲУҚУҚ ТАЪЛИМИГА КРЕДИТ – МОДУЛ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ**

##### **Режа:**

1. Таълимнинг кредит-модуль тизими, мазмун ва моҳияти.
2. Кредит-модуль тизими ва олий таълим тизимидаги мукамал ўлчов бирлиги.
3. Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълимига кредит – модуль тизимини жорий этишнинг ўзига хос хусусиятлари.
4. Ўқиш юкламасининг мувозанатли тақсимоти. Фанларни танлаш имконияти. Ўқув дастурларида фанларнинг сараланиши.

**Таянч тушунчалар:** Кредит-модуль, кредит-модуль тизими, ўқитишнинг модуль технологиялари, кредит ўлчови, кредит-модуль тамойили, ECTS кредит-модуль тизими, ECTS кредит-модуль тизимининг миқдорий тушунчалари, ўқиш юкламаси, миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълимига кредит – модуль тизимини жорий этиш, ўқиш юкламасининг мувозанатли тақсимоти, фанларни танлаш.

##### **1. Таълимнинг кредит-модуль тизими, мазмун ва моҳияти**

Таълим тизими самарадорлигини ўқитувчи савияси, талаба эҳтиёжи, ўқув адабиётлари мазмуни ҳамда мустақил таълимни шакллантиришга қаратилган инфратузилма бевосита таъминлаб беради. Демак, илғор кадрларни тайёрлаш, уларни меҳнат бозори талабларига мувофиқ рақобатдошлигини ошириш, ижодий фикрлайдиган мутахассисларни етиштириш ўқув даргоҳларида йўлга қўйилган таълим бериш жараёни билан чамбарчас боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йилнинг 8 октябрида “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони имзоланди. Ушбу муҳим дастуриламал ҳужжатда “республикадаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш ва олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш” белгилаб берилди.

Шунингдек, 2030 йилга қадар республикадаги барча олий таълим муассасаси (ОТМ)нинг 85 фоизи, жумладан, 2020/2021 ўқув йилининг ўзидан 33 та олий таълим даргоҳини кредит-модуль тизимига ўтказиш кўрсатиб ўтилди.

Хўш, бундан кўзланган мақсад нима? Бугун ва келажак учун мазкур механизм қай даражада фойда келтиради? У янги Ўзбекистоннинг стратегик мақсадларига қанчалик мос? Унинг ўзи нима?

Кредит-модуль тизими, бу – таълимни ташкил этиш жараёни бўлиб, ўқитишнинг модуль технологиялари жамламаси ва кредит ўлчови асосида баҳолаш модели ҳисобланади. Уни бир бутунликда олиб бориш серқирра ҳамда мураккаб тизимли жараёндир. Кредит-модуль тамойилида иккита асосий масалага аҳамият берилади: талабаларнинг мустақил ишлашини таъминлаш; талабалар билимини рейтинг асосида баҳолаш.

Кредит-модуль тизимининг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар эътироф этилади:

- ўқув жараёнларини модуль асосида ташкил қилиш;
- битта фан, курс (кредит)нинг қийматини аниқлаш;
- талабалар билимини рейтинг бали асосида баҳолаш;
- талабаларга ўзларининг ўқув режаларини индивидуал тарзда тузишларига имкон яратиш;
- таълим жараёнида мустақил таълим олишнинг улушини ошириш;
- таълим дастурларининг қулайлиги ва меҳнат бозорида мутахассисга қўйилган талабдан келиб чиқиб ўзгартириш мумкинлиги.

Юқоридагилар дарс машғулотларини нафақат ўқитишни инновацион таълим технологиялари асосида олиб бориш, балки талабадан мустақил ўқиб-ўрганиш, таълимга янгича муносабатда бўлиш, меҳнат бозори талабидан келиб чиқиб, зарурий ва чуқур назарий билимларни эгаллаш, амалий кўникмаларини шакллантиришга ўргатишдан иборатдир. Мухтасар айтганда, мазкур тизим талабанинг касбий ривожланиши ва камолотига йўналтирилган. Илм

соҳибининг бутун ҳаёти давомида билим олишини таъминлашга ҳамда меҳнат бозори ва замонавий талабларга жавоб бера оладиган инсон капиталини шакллантиришга қаратилгандир.

Кредит илк маротаба XVIII ва XIX асрларда АҚШ университетларида жорий этилган бўлиб, ўқув жараёнларини либерализация қилиш, талабанинг ҳафталик академик юкмасини белгилаб бериш мақсадида яратилган.

1869-йилда Гарвард университети президенти, Америка таълимининг таниқли арбоби Чарльз Уильям Элиот “кредит соати” тушунчасини истеъмолга киритади. Шундай қилиб, 1870 — 1880 йилларда кредит соатлари билан ўлчанадиган тизим жорий қилинади. Кредит тизими билан ўқиш ва ўқув дастурларини ўзлаштириш талабаларга ўқув жараёнини мустақил равишда режалаштириш, унинг сифатини назорат қилиш, таълим технологияларини - такомиллаштириш учун имконият яратиб берди.

**Модуль** — бу, бир нечта фан ҳамда курслар ўрганиладиган ўқув режасининг бир қисми. У талабаларда маълум бир билим ва кўникма ҳосил қилиш, таҳлилий-мантиқий мушоҳада юритиш салоҳиятига эга бўлишига қаратилган бир нечта фанлар (курслар) мажмуи ҳисобланади. Бунда ўқитувчи ўқув жараёнини ташкил қилади, жонли, видео ҳамда аудио маърузалар ўқийди, талабанинг фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қилади. Талаба эса мавзунини мустақил ўрганади ҳамда берилган топшириқларни бажаради.

Хорижий тажрибага кўра, кредит-модуль тизимида ўқув жараёни ҳар семестрда 2 - 4 тагача модулдан иборат бўлади. Модулда жамланган фанлар осондан мураккаблик сари, назарий-услубий фанлардан амалий фанларга қараб ҳамда мантиқий жиҳатдан бир-бирини ўзаро узвий тўлдириш принципи асосида шакллантирилади. Талаба мутахассис бўлиб шаклланиши учун нафақат ахборотлар, балки уларни қайта ишлаш, амалиётга жорий қила олиш - малакасига эга бўлиши талаб этилади.

Модулга асосланган ўқув дастурлари махсус схема асосида ишлаб чиқилади ва қуйидагиларни ўз ичига қамраб олади:

- ўқув мақсади ҳамда вазифаларнинг тўлиқ очиқ берилиши;
- талабанинг фанни (курсни) бошлаши ва тугатишидан кейинги орттириши лозим бўладиган малакасига қўйиладиган талаблар;
- модуль таркибига кирган ҳар бир фаннинг қисқача мазмуни (силлабус), яъни маърузалар мавзулари, семинар ва амалий машғулотларнинг режаси, мустақил таълимни баҳолаш учун мўлжалланган топшириқлар;
- ўқитишнинг қисқача баёни: таълим бериш усул ҳамда воситалари; билимларни баҳолашнинг усул ва шаклларида иборат.

Модуль асосида ўқитиш тизимида талабалар билими, малакаси ҳамда кўникмасини баҳолашда рейтинг баҳолаш тизимидан фойдаланилади. Унда талабанинг барча ўқув фаолияти, яъни аудитория ва аудиториядан ташқарида олган, ўзлаштирган билимлари балл бериш орқали баҳоланади.

**Кредит (credit)** — талабанинг алоҳида таълим йўналиши ёки дастури (курс) бўйича фанларни ўқиб ўрганиши ва ўзлаштириши учун сарфланган ўқув юкламасининг (вақтининг) ўлчов бирлигидир. Кредит — талабанинг меъёрий ҳужжат билан белгиланган, одатда бир ҳафта давомида аудиторияда ва мустақил равишда таълим олиши учун ажратилган минимал вақт ўлчовидир. Талабага кредит маълум бир фандан белгиланган топшириқларни бажариб, якуний имтиҳондан муваффақиятли ўтгандан сўнг берилади.

Ҳар бир талаба келажакда танлаган йўналиши ва мутахассислиги бўйича дипломга эга бўлиши учун кредитларни йиғиб бориши лозим. Тўпланган кредит талабага бутун умр давомида ўзининг малакасини ошириб бориш ёки қўшимча олий маълумот олишига хизмат қилиб бораверади. Иқтисодий тилда айтганда, тўпланган кредит талабанинг академик “активи”га айланиб боради.

Кредит технологияси таълим олувчиларга ишчи ўқув режага киритилган танлов фанларини танлаш, бу орқали индивидуал ўқув режасини шакллантиришда бевосита иштирок этиш ҳуқуқини беради. Уларга, нафақат фанларни, балки профессор-ўқитувчиларни ҳам танлаш эркинлиги берилади. Талабаларга фанларни танлаш имкониятининг берилиши ижобий ҳол саналади. Бу ўқув жараёнларини баҳолашнинг ўзига хос қиймат кўрсаткичи бўлиб ҳам ҳисобланади.

## 2. Кредит-модуль тизими ва олий таълим тизимидаги мукамал ўлчов бирлиги

Бизга маълумки, ҳаётда кўп нарсаларни ўлчов бирлиги мавжуд. Масалан, вақт ўлчов бирлиги – сония, соат, узунлик ўлчови – метр, оғирлик – килограмм, суюқлик – литр, электр кучланиши ўлчови – вольт.


Савол туғилади: таълимнинг, хусусан олий таълимнинг ҳам ўлчов бирлиги борми? Сиз «ҳа, бор, олий таълимнинг ўлчов бирликлари бу бакалавр, магистр ва доктор» деб айтасиз. Лекин булар таълимнинг ўлчов бирликлари эмас, балки унинг даражалари ҳисобланади.

Кредит-модуль тизими авваламбор мамлакатимиз олий таълим тизимида таълимнинг амалдагидан кўра анча мукамал ўлчов бирлигини олиб кирмоқда.

Унга кўра, университетда ўтиладиган ҳар бир фан эндиликда ундаги ўқиш юкламаси миқдорига қараб, **кредитларда** акс этади. Масалан, ҳар бир фан ўртача 5, 6 ёки 7,5 кредитларда акс этиши мумкин. Талаба эса ҳар семестр, ўқув

йилида муайян миқдорда кредитлар тўплаб бориши мумкин ва бу миқдорга қараб, унга бакалавр ёки магистр даражаси берилади.

ECTS кредит-модуль тизимида бир йиллик кредитлар миқдори 60ни ташкил этади. Бир ўқув йили 2 семестрдан иборатлигини ҳисобга олсак, талаба ўқиши давомида ҳар семестрда 30 кредит тўплаб бориши керак бўлади. Бакалавр дастури одатда 4 йиллиги ҳисобга олинса, талаба ушбу даражани қўлга киритиш учун жами 240 кредит, магистратура дастурини тугаллаш учун эса 120 кредит тўплаши талаб этилади.



Кредитлар шунчаки рақамлар эмас. Ҳар бир кредит талаба бажариши керак бўлган маълум миқдордаги ўқиш юкчасини билдиради. ECTS кредит-модуль тизимида 1 кредит ўртача 25-30 соатлик ўқиш юкчасини англатади. Бу дегани, агар фан 6 кредитли фан бўлса, талаба ушбу фан бўйича белгиланган миқдордаги кредитларни қўлга киритиш учун семестр давомида 150-180 соатлик ўқиш юкчасини бажариши керак бўлади ( $25 \cdot 6 = 150$ ;  $30 \cdot 6 = 180$ ).



Шундай экан, кредит-модуль тизимини жорий этган ОТМларда талабалар ҳар бир фан учун белгиланган кредитлар миқдорига қараб, ўқиш ҳали бошланмасданок ҳар бир фанни ўқиш ва ўрганишга қанча вақт сарфлашлари кераклигини билиб оладилар. Бу ҳам таълимда шаффофликнинг бир



кўринишидир. 1 кредит ўқиш юкласи (25-30 соат оралиғида) айнан неча соат бўлишини одатда ҳар бир ОТМ ўзининг ички қоидаларида белгилайди.

Шуни таъкидлаш керакки, 1 кредит учун белгиланган 25-30 соатлик ўқиш юкласи бу фанни ўрганиш учун сарфланадиган жами ҳаракатлар жамланмаси бўлиб, унга нафақат дарс вақти, балки талабанинг фанни ўрганиш учун уйда ва кутубхонада сарфлаган вақти, имтиҳонлар вақти, қўйингки талаба ушбу фанни ўзлаштириш учун сарфлаган барча тизимли ҳаракатлари вақтини қамраб олади.

Шунда талабада ушбу умумий ўқиш юкласининг айнан қанча қисми дарсга, аудитория соатларига тўғри келади деган савол туғилиши мумкин. Кредит-модуль тизими амалиётида аудитория ва мустақил ўқиш соатлари нисбати ўртача 40/60 фоизни ташкил этади. Бу нисбат, бошқача қилиб айтганда, 1/1.5га тўғри келади, яъни талаба муайян фан бўйича белгиланган ҳар бир соат дарс учун дарсдан ташқари бир ярим соат мустақил ўқиши, тайёрланиши керак бўлади.

Бунда ОТМ 1 кредит учун 30 соатлик ўқиш юкласи белгилаган бўлса, ундан 12 соати ( $30 \cdot 40\% = 12$ ) аудитория соатлари, 18 соати ( $30 \cdot 60\% = 18$ ) эса талабанинг мустақил ўқиш соатларига тўғри келади. Ушбу тақсимот асосида 6 кредитлик фан ўқиш юкласини аниқлайдиган бўлсак, талаба ушбу фан бўйича белгиланган кредитларни қўлга киритиш учун семестр давомида 72 соат ( $(30 \cdot 6) \cdot 40\% = 72$ ) аудитория дарсларини, 108 соат ( $(30 \cdot 6) \cdot 60\% = 108$ ) уйда ва кутубхонада мустақил ўқиш юкласини бажариши керак бўлади.



**6 Кредит = 180 соат ўқиш юкласи**  
(40% аудитория соатлар / 60% мустақил ўқиш соатлар)

Юқоридаги қоидалардан шуни тушуниш мумкинки, ECTS кредит-модуль тизимида талабанинг билим олиш вақти тушунчаси дарс вақти тушунчаси билан чекланиб қолмасдан, талаба ўқиш учун сарфлаган умумий вақт билан

ўлчанади. Унда билимнинг манбайи фақат ўқитувчи ёки аудитория эмаслигига ишора қилинади. Қисқача айтганда, кредит-модуль тизимида ўқиш вақти тушунчасига ўқитувчи нуқтаи назаридан эмас, балки талаба нуқтайи назаридан ёндашилади.

Талабанинг ўқиш юкламасининг бу тарзда тақсимланиши талаба таълим олиш жараёнида масъулиятни маълум даражада ўз елкасига олиши, фан бўйича дарсда ва дарсдан ташқарида мунтазам равишда ўқиб бориши кераклигини ҳам билдиради.

1 соат аудитория вақти учун талаба 1,5 соат уйда ва кутубхонада ўқиши зарур. Лекин бу жараён кўп жиҳатдан ўқитувчининг масъулиятига ҳам боғлиқ. Чунки талабалар ўз вақтларидан самарали фойдаланишлари учун уларга дарсдан ташқарида ўқиш учун қизиқарли материаллар ва топшириқлар бериб бориш ўқитувчининг вазифасидир.

Шунинг учун кредит-модуль тизимига ўтиш ўқитувчиларнинг иш юкламаларини ҳам қайта кўриб чиқишни, уларнинг иш юкламалари улар ўқитадиган фан кредитларидан келиб чиққан ҳолда белгиланишини тақозо этади. Амалдаги тизимда эса ўқитувчилар иш юкламаси фақат аудитория соатларига боғлаб қўйилган. Талабанинг ўқиш юкламаси бу тарзда – аудитория ва мустақил ўқиш соатларига ажратилиши ОТМлар кутубхоналарида шароитларни яхшилаш, сифатли ўқув қўлланмалари кўламини янада кенгайтиришни ҳам тақозо этади.

Буларнинг барчаси ECTS кредит-модуль тизимининг миқдорий тушунчалари ва ишлаш механизми ҳақидаги асосий қоидалардир.

### **3. Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълимига кредит – модуль тизимини жорий этишнинг ўзига хос хусусиятлари**

Барча таълим йўналишларидаги каби Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълимига кредит – модуль тизимини жорий этишнинг ўзига хос хусусиятларга эга.

Энг аввало шуни қайд этиш зарурки, кредит-модуль тизимининг жорий этилиши ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорликда ишлашида муҳим омил ҳисобланади. Модулли таълимда педагог тингловчининг ўзлаштириш жараёнини ташкил этади, бошқаради, маслаҳат беради, текширади. Талаба эса йўналтирилган объект томон мустақил ҳаракат қилади. Энг катта урғу ҳам талабаларнинг мустақил таълим олишига қаратилади.

Ўқув жараёнида мустақил таълим олишнинг аҳамияти ортади ва бу келажакда мутахассисларнинг мустақиллиги, ижодий ташаббускорлиги ҳамда фаоллигини оширишга олиб келади. Кредит-модуль тизимида университет

талабалари ҳар доим ўқитувчи ва курсдошларидан ёрдам ҳамда маслаҳат олиш имкониятига эга бўлади. Бу эса ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлайди ва жамоада ишлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

Кредит-модуль ўқитиш тизимига ўтиш олий ўқув юрти профессор-ўқитувчиларига бўлган мажбурият ҳамда талабни ҳам оширади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, модулли ўқитиш тизими билан ўқитувчи нафақат ахборот берувчи ва назорат қилувчи функцияларини, балки маслаҳатчи ҳамда мувофиқлаштирувчилик вазифаларини ҳам бажаради. Педагогик жараёнда ўқитувчининг етакчилик роли сақлаб қолинади.

Аммо шуни ҳам қайд этиш лозимки, “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” бакалаврият таълим йўналишида ҳар қандай халқаро тажрибани кўр-кўрона, ўз кадриятларимизни ҳисобга олмасдан туриб, тўғридан-тўғри татбиқ этиш, унинг ҳар бир элементини чуқур таҳлил қилмасдан, илмий асосларга таянган ҳолда амалга оширилмас экан, келажақда маълум бир салбий ҳолатларнинг юзага келишини ҳам унутмаслик керак.

Яъни ушбу тизим бизнинг дунёқарашимиз, шарт-шароит, баркамол инсонни вояга етказишга қаратилган кадриятларимизга тўла-тўқис мос келади, дегани ҳам эмас. Шу сабабли, ўқув жараёнининг фаол элементлари ҳисобланмиш профессор-ўқитувчи ва талабанинг ҳам бу борадаги қарашларини ўзгартиришимиз, мазкур тизим талабларини уларга сингдиришимиз, ўзига хос маданиятни шакллантиришимиз даркор.

Кредит-модуль тизимида ўтишнинг муҳим жиҳатларидан яна бири бу – **ўқув дастурига танлов фанларининг кириб келишидир**. Унга кўра, талабалар ўқишнинг дастлабки йилларида соҳага оид асосий, умумкасбий фанларни ўзлаштириб, соҳа бўйича умумий билимни эгаллаб олганларидан сўнг, соҳага оид махсус фанларни ўз қизиқишларидан келиб чиқиб ўзлари танлаш имкониятига эга бўладилар. Бунда ОТМ талабаларга ўқув йили давомида таклиф қилинаётган танлов фанларнинг рўйхатини ва улар ҳақида батафсил маълумот тақдим этади. Талабалар эса ушбу рўйхат ва маълумотлар асосида ўзлари қизиққан фанларни танлайдилар. Бу жараён ҳар бир талаба ўзининг бакалаврият ёки магистратура ўқиш дастурини маълум маънода ўзи шакллантиришига имкон яратади. Яъни, гуруҳда 50 нафар талаба бўлса, уларнинг ҳар бири ўз қизиқишларига кўра ўз ўқиш дастурларига эга бўлишади.

Танлов фанлари сони курсдан курсга кўпайиб бориши зарур бўлади. Чунки талаба курсдан курсга ўтгани сари мутахассис сифатида шаклланиб боради ва унда мустақил қарор қабул қилиш қобилияти ҳам шаклланиб боради. ОТМлар эса аста-секинлик билан талабаларга ўз факультетларидан ташқарида, яъни

бошқа факультетлардан ҳам танлов фанлари олишга имконият яратишлари зарур.

Шу сабабли ҳам “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасининг “Танлов фанлар” ва “Қўшимча фанлар” блокада ажратилган соатлар кесимида талабаларга 2- ёки ундан ортиқ фанларнинг руйхати ва ушбу фанларнинг ўқув дастурлари тақдим этилади. Талабалар ушбу фанларнинг мазмун ва моҳияти билан атролича танишиб чиққач ўзларига маъқул фанларни танлаш имкониятига эга бўладилар.

#### **4. Ўқиш юкласининг мувозанатли тақсимооти. Фанларни танлаш имконияти. Ўқув дастурларида фанларнинг сараланиши**

Юқорида таъкидлаганимиздек, ECTS кредит-модуль тизимида талаба ҳар бир ўқув йили учун тўплаб бориши керак бўлган кредитлар миқдори олдиндан белгилаб қўйилган. Бу 60 кредитни ташкил қилади. Ҳар бир семестр учун белгиланган кредитлар миқдори эса 30 кредитни ташкил қилади. Бундан ташқари, талаба ҳар бир кредитни қўлга киритиш учун белгиланган ўқиш юкласи миқдори ҳам аниқ ва бу 25-30 соат оралиғида. Шундай экан, талабаларнинг ҳар ўқув йилидаги ўқиш юкласи ўртача 1500-1800 соат ( $60 \cdot 25 = 1500$ ;  $60 \cdot 30 = 1800$ ), ҳар семестрдаги ўқиш юкласи эса ўртача 750-900 соатни ташкил этади ( $30 \cdot 25 = 750$ ;  $30 \cdot 30 = 900$ ). Талабанинг бир йиллик ва бир семестрдаги ўқиш юкласи бу миқдордан кўп ҳам, кам ҳам бўлиши мумкин эмас.

Шундай экан, талабаларнинг бир ўқув йили ёки бир семестр давомидаги ўқиш юкласи ECTS кредит-модуль тизимида фаолият юритадиган барча университетларда деярли бир хил бўлади. Бу бирхиллик ўқув дастурларига барқарорлик ва мувозанат олиб киради. Эндиликда ОТМлар талабаларга бир семестрда 7та фан, иккинчи семестрда эса 10та фанни ўқишга мажбурлаши қийинлашади. Амалдаги тизимда эса бундай барқарорлик ва мувозанатга кафолат йўқ эди. Шунинг учун талабалар бир семестр давомида баъзида 7та, баъзида 8та, ва яна бошқа семестрда эса 10 фанни ўқишларига тўғри келяпти.

Ҳозирда аксарият маҳаллий университетларда талабалар бир семестр давомида одатда 8-10тагача фанни ўқишига тўғри келмоқда. Аслида 8-10 фанни 4 ой ичида ҳар томонлама ўрганиш — муаммоли масала. Мамлакатимиздаги амалдаги олий таълим стандартлари тўғрисидаги қоидаларда ҳам ОТМлар талабаларга ҳафтасига 36 соатгача аудитория машғулотлари белгилаши мумкинлиги қайд этилган. Бу 5 кунлик ўқув ҳафтасида кунига 7 академик соатни англатади. Бундай ҳолатда аксар талаба фанларни том маънода ўрганиш ўрнига кунини шунчаки дарсдан дарсга, хонадан хонага югуриб ўтказади.

Қолаверса, шунча вақтни аудиторияда ўтказган талаба дарсдан ташқаридаги вақтини ўқишга сарфлашига ишониш қийин.

Кредит-модуль тизимида эса кредитларнинг фанлар бўйича ўртача тақсимооти 5, 6 ёки 7.5 ни ташкил этади. Бу дегани талаба бир семестрда кўпи билан 4, 5 ёки жуда борса 6 фан ўрганади ( $30/7.5=4$ ;  $30/6=5$ ;  $30/5=6$ ). Бу талабалар семестр давомида ўрганиши зарур бўлган фанларнинг сони амалдагидан кўра анча қисқаришини англатади. Яъни кредит-модуль тизими ОТМ ўқув дастурларига меъёр ва сифат олиб кириши, таълимни ташкил этишда сон кўрсаткичидан сифат кўрсаткичига ўтишига хизмат қилади. Чунки фанлар сони бу тарзда қисқариши талабалар ўз вақт ва имкониятларини шу кам сонли фанларни чуқурроқ ва ҳар томонлама ўрганишларига имконият яратади.

Ўқишнинг дастлабки йилларида соҳа бўйича умумий билимга эга бўлгандан сўнг талабаларда айрим йўналиш ва фанлар бўйича чуқурроқ билимга эга бўлиш ва келажакда шу йўналишда ишлашга иштиёқ пайдо бўлиши табиий. Талабалар йилдан йилга мутахассис сифатида шаклланиб борар экан, улар учун ўқиш дастуридаги айрим фанларнинг аҳамияти ортиб, айрим фанларнинг аҳамияти камайиб боради.

Ҳозирда университетлар қатъий белгилаб қўйилган ўқув дастурлари асосида иш юритади. Яъни, талабалар ўқишга киргандан бошлаб то битиргунга қадар дастурда белгиланган барча фанларни ўрганишга мажбур. Бу қай даражада тўғри? ОТМда таълим олаётган талабалар қатъий белгиланган стандарт ўқув дастури асосида таълим олиши шартми? Дастурдаги барча фанлар ҳар бир талабанинг қизиқишлари, келажак режаларига тўғри келмасачи?

Аслида, ҳар бир талаба ўз қизиқишлари, имкониятлари, келажакда қайси касбни эгаллаши ва бу учун керакли фанларни университет маъмуриятидан кўра яхшироқ билади. Талабани мажбурлаб хонада олиб ўтириш мумкин, лекин унинг фикр ва эътиборини хонада ушлаб ўтириб бўлмайди.

Қайд этилганидек, кредит-модуль тизимида ўқишнинг муҳим жиҳатларидан яна бири бу – **ўқув дастурига танлов фанларининг кириб келишидир.**

Фанларни танлаш амалиёти нафақат талабалар учун ўзлари хоҳлаган йўналиш бўйича чуқурроқ билим олишларига имконият яратади, балки ОТМ ўқув дастуридаги фанлар таркиби табиий равишда сараланиб боришига ҳам хизмат қилади. Чунки талабалар қизиқиш ва эҳтиёжларига жавоб бермайдиган фанлар дастурини тарк этиб боришади, ўрганаётган фанлари рўйхатини давр талаблари ва қизиқишларига мослаштиришади.

Бунда ўқитувчи унинг фани ўзига етарли миқдорда талабаларни жалб қила олиши учун доимий равишда ўз устида ишлаши, фаннинг талабалар учун аҳамиятини сақлаб қолиш учун дарслар сифатини доимий равишда яхшилаб бориши зарур бўлади. Акс ҳолда ушбу фан ўқув дастуридан чиқиб кетиши ва ўқитувчи ўз ишини йўқотиб қўйиши мумкин бўлади. Бу жараён дарслар сифати яхшиланишига ҳам хизмат қилади.

Фанларни танлаш амалиёти ривожланган давлатларда ўзининг фойдасини исботлаган амалиётдир. Улардаги фан тараққиёти, ривожланган иқтисодиёт, мутахассисларнинг салоҳияти хусусан таълимдаги айнан шу жиҳат билан ҳам боғлиқ.

Шуниси аниқки, кредит-модуль тизими тарихи, унинг пайдо бўлиши фанларни танлаш амалиёти билан чамбарчас боғлиқ. Яъни, кредит-модуль тизимининг юзага келишига танлов фанлари амалиёти сабаб бўлган. Шундай экан, агар ОТМ ўзида кредит-модуль тизимини жорий этса-ю, ўқув дастурларига фанларни танлаш имкониятини олиб кирмаса, ушбу ОТМ том маънода кредит-модуль тизимида фаолият юритяпти, деб бўлмайди.

Ҳозирда олий таълим ўқув дастурларида талабанинг мутахассислигига тўғридан тўғри алоқаси бўлмаган фанлар етарлича. Масалан, аксарият университетларда 1-курсда, айрим ҳолларда юқори курсларда ҳам жисмоний тарбия, диншунослик, этика, эстетика ва шунга ўхшаш бошқа фанлар ўтилади. Бу фанларни одатда талабаларнинг мутахассислигига тўғридан тўғри алоқаси йўқ бўлсада, ОТМ ўқув дастурларида анчагина жой ва вақтни эгаллайди. Қолаверса, талаба жисмоний тарбия фанини ОТМда фақат 1-семестр ёки бир йил ўрганиши – ғалати ҳол. Бир мутахассис таъкидлаганидек, «гўёки жисмоний саломатлик ва спорт талабага фақат бир семестр ёки бир йил керак бўлади».

Назаримизда, бу каби фанларнинг аксарияти мактабнинг юқори синф дастурларига хос бўлиши керак. Агар талаба ушбу фанлар бўйича мактабда билим ва кўникмага эга бўлган бўлса, уларни университет даражасида яна такрорлашга қандай эҳтиёж бор? Ундан кўра, талаба шу вақтни ўз соҳасини чуқурроқ ўрганишга сарф қилгани яхшимасми? Тўғри, диншунослик, этика ва эстетика каби умумий фанлар ёшларни шахс сифатида шаклланишида катта роль ўйнаши мумкин, лекин ҳозирда мактаб битирувчиларининг бор йўғи 10-20 фоизигина ОТМга кирмоқда. Бу дегани, агар бу фанлар мактаб юқори синфларида ўргатилмаса, мактаб битирувчиларининг аксарияти бундай билимга эга бўлмайди. Бу каби фанлар ёшларни шахс сифатида шаклланиши учун муҳим деб ҳисобланса, унда улар мактабнинг юқори синфларида ўргатилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

ОТМ ўқиш дастурларини умумий, мутахассисликка тўғридан тўғри алоқаси бўлмаган, ўзини такрорловчи фанлар билан тўлдирилиши талаба университетдаги қисқа ва энг қимматли вақтидан самарали фойдалана олмаслигига олиб келмоқда. Натижада битирувчилар орасида амалиётга боргандан сўнг бизга бундай нарсаларни университетда ўргатишмаган деган ҳолатлар жуда кўп учрамоқда.

ECTS кредит-модуль тизимида эса ОТМлар ўзининг ҳар бир бакалавр ва магистратура ўқув дастури мақсадларини олдиндан аниқ белгилаб олиши талаб этилади. Яъни, улар муайян мутахассислик бўйича ўқиш дастурини яратишдан аввал ўз олдиларига қуйидаги саволларни қўйишлари талаб этилади:

- Биз қандай мутахассис тайёрламоқчимиз?

- Бизнинг битирувчилар айнан қандай билимга эга бўлиши, нималарни тушуниши ва уни тамомлагандан сўнг нималарни қила олиши керак?

Ҳар бир ОТМ бакалаврият ва магистратура дастури турлича бўлгани сабабли, мақсадлари ҳам турлича бўлиши табиий.

Яъни, ОТМлар ўзларининг ҳар бир бакалавр ва магистратура ўқув дастурининг мақсадларини битирувчи дастур давомида қўлга киритиши зарур бўлган билим, кўникма ва маҳоратлар шаклида олдиндан аниқ белгилаб олишлари зарур. Бу кредит-модуль тизими тили билан «Program Learning Outcomes» деб аталади. Ўқув дастури мақсадлари белгилаб олингандан сўнг, эндиликда дастурда фақат шу мақсадларга хизмат қилувчи фанларгина сақлаб қолинади ёки дастурга киритилади, қолган фанлар эса дастурни тарк этиши зарур.

Инчунун, ОТМлар ўз ўқув дастурларини иқтисодиёт, меҳнат бозори ва талабалар эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда эркин шакллантириш имкониятига эга бўлишлари учун 2001 йил 16 августда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш киритилиши ва ОТМларга ўқув дастурларини ўзлари эркин шакллантиришга имконият берилиши керак. 19 йил аввал ишлаб чиқарилган стандарт бугунги замон талабларига жавоб бермаслиги эҳтимоли юқори. Зеро, иқтисодиёт ва меҳнат бозори талаблари ўзгарган сари ОТМлар ҳам ўз ўқув дастурларини мунтазам равишда баҳолаб боришга, зарур бўлса ўзгартиришга имконияти бўлиши керак.

### **Назорат саволлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони қачон имзоланди?

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида 2030 йилга қадар республикадаги барча олий таълим муассасаси (ОТМ)нинг неча фоизи кредит-модуль тизимига ўтказиш кўрсатиб ўтилган?

3. Кредит-модуль тизимининг моҳиятини изоҳланг...
4. Кредит-модуль тизимининг асосий вазифалари нилардан иборат?
5. Модуль нима?
6. Кредит, бу ...

### АДАБИЁТЛАР

1. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. 2019 йил 8 октябрь// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясидги нутқи. 2020 йил, 23 сентябрь.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси//Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.

4. Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори.// Тошкент, Халқ сўзи. 2019 йил. 4 май. № 78.

5. Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 8 апрелдаги “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги №5465–сон Фармойиши//Халқ сўзи, 2019 йил, 9 апрель.

6. Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепцияси” лойиҳаси

7. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.

8. Уразова М.Б., Эшпулатов Ш.Н. Бўлажак ўқитувчининг лойиҳалаш фаолияти. // Методик қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2014. 6,5 б.т.

9. Тоҳириён А., Собирова М., Замонов З. Миллий ғоя туркумига кирувчи фанларни ўқитишда интерфаол таълим методларидан фойдаланиш бўйича услубий тавсиялар. – Т.: РТМ, 2017.

10. Ўқитувчи фаолиятини лойиҳалаш: //Узлуксиз таълимда модулли технология// Монография. М.Тожиев, Б.Зиёмухамедов, Б.Ш.Усмонов, А.Ж.Хуррамов; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази. – Т.: «TURON-IQBOL», 2017. – 256 б. 15.



## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### 1-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ: МИЛЛИЙ ҒОЯ, МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ВА ҲУҚУҚ ТАЪЛИМИ ЙЎНАЛИШИДАГИ ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ЎҚУВ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ. МЕТОДИК ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ДИДАКТИК ТАЪМИНОТ

**Амалий машғулотда кўриладиган масалалар мазмуни:** Олий таълимни ташкил этиш тартиби ва мазмунини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар: давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режа, фан дастурлари, ўқув-услубий мажмуа ва ўқув адабиётлари. Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналишидаги ўқитувчиларнинг ўқув-меъёрий ҳужжатлари.

Методик ишлар, миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналишида методик ишларни ташкил этишнинг ўзига хусусиятлари.

Дидактика, дидактик таъминот тушунчалари. Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналишида ўқитиладиган фанларнинг дидактик таъминоти.

**1-илова**

#### Мунозара учун саволлар:

1. Дидактика, дидактик таъминот тушунчаларининг моҳиятини изоҳланг...
2. Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналишида ўқитиладиган фанларнинг дидактик таъминотини қандай изоҳлайсиз?
3. Ўқитувчиларнинг дарсга тайёргарлиги неча қисмдан иборат?
4. Миллий ғоя ва маънавият асослари туркумидаги фанлар ўқитувчиси қандай ўқув меъёрий ҳужжатларга таяниб дарсга тайёргарлик кўриши керак?
5. Фаннинг ўқув дастури нималарни ўз ичига олади?
6. Маъруза ва амалий машғулотлар бир-бири билан қандай фарқланади?

**3-илова**

#### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ 3160 сонли қарори//Халқ сўзи, 2017 йил, 29 июль.

2. Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарори.//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 15-16-сон, 104-модда.

3. Замонавий дарс. / Масъул муҳаррир Ш. Шомансуров – Т.: А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти, 2007.

4. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. Қ. Назаров таҳрири остида. -Т.: Маънавият, 2009.

5. Холиқов И., Собирова М ., Машарипова Г. “Маънавият асослари” фанини замонавий педагогик технологиялар асосида ўқитиш. –Т.:ТДПУ,2013.

### **ХОРИЖ МАНБАЛАРИ:**

1. Human Life in the Light of Spiritual Science. - Anthroposophy –Schmidt Number: S-3277.On-line since: 24th January, 1995.

2. Michael Freeden.Ideology: A Very Short Introduction (Oxford, 2003)

## **2-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ: МИЛЛИЙ ҒОЯ, МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ВА ҲУҚУҚ ТАЪЛИМИ ЙЎНАЛИШИДАГИ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ, МЕТОД ВА ВОСИТАЛАРИ**

**Амалий машғулотда кўриладиган масалалар мазмуни:** Миллий ғоя ва маънавиятга оид фанларни ўқитишнинг турли шакллари. Дарс жараёниларида анъанавий ва ноанъанавий таълим моделларидан фойдаланиш.Интерфаол таълим методлари тушунчаси. Миллий ғоя ва маънавиятга оид фанларни ўқитиш жараёнида қўлланиладиган таълим методлари таснифи. Миллий ғоя ва маънавиятга оид фанларни ўқитишда тест методини қўллаш.

Таълим воситалари тушунчаси, унинг мазмун ва моҳияти. Бугунги кунда таълим тизимида қўлланилаётган воситалар таснифи. Ўқув адабиётлари .

**1-илова**

### **МУНОЗАРА УЧУН САВОЛЛАР:**

- 1.Тест топшириқларига қандай дидактик талаблар қўйилади?
- 2.Ўқитиш воситалари деганда нимани тушунасиз?
3. Ўқув адабиётлари деганда қандай адабиётларни тушунасиз?
- 4.Қандай адабиётлар анъанавий (босма) ўқув адабиётлари деб аталади ?
- 5.Қандай адабиётлар электрон ўқув адабиётлар деб аталади?
- 6.Дарслик, ўқув қўлланма электрон дарслик, луғат, изоҳли луғат,

маълумотлар тўплами , маърузалар курси, маърузалар тўплами, услубий кўрсатма, услубий қўлланма каби ўқув адабиётлари бир-биридан нимаси билан фарқ қилади?

**З-илова**

### АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясидги нутқи. 2020 йил, 23 сентябрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси//Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.
4. Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори.// Тошкент, Халқ сўзи. 2019 йил. 4 май. № 78.
5. Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 8 апрелдаги “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги №5465 –сон Фармойиши//Халқ сўзи, 2019 йил, 9 апрель.
6. Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепцияси” лойиҳаси
7. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
8. Отамуродов С. Миллий ғоя - миллий тикланиш манбаи. – “Тарих, мустақиллик, миллий ғоя”. -Т.: Академия, 2000.
9. Қорабоева З.Т. Педагогик технологиялар. Маърузалар матни. – Т.: Фан, 2006.
10. Замоनावий дарс. / Масъул муҳаррир Ш. Шомансуров – Т.: А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти, 2007.
11. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009.
12. Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Т.: Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2011.
13. Холиқов И., Собирова М ., Машарипова Г. “Маънавият асослари” фанини замонавий педагогик технологиялар асосида ўқитиш. – Т.:ТДПУ, 2013.

14. Уразова М.Б., Эшпулатов Ш.Н. Бўлажак ўқитувчининг лойиҳалаш фаолияти. // Методик қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2014. 6,5 б.т.

15. Тоҳириён А., Собирова М., Замонов З. Миллий ғоя туркумига кирувчи фанларни ўқитишда интерфаол таълим методларидан фойдаланиш бўйича услубий тавсиялар. – Т.: РТМ, 2017.

16. Ларнер И.Я. Дидактические основы методов обучения. – Москва, Педагогика, 1981,с.35.

### **3-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ: МАЪРУЗА, СЕМИНАР ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ ЎТКАЗИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ. МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

**Амалий машғулотда кўриладиган масалалар мазмуни:** Олий таълим тизимида ўқитиш жараёнида таълим беришнинг турли шакл ва усулларида фойдаланиш. Маъруза ва семинар, амалий машғулотларнинг ўзига хос хусусиятлари. “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналишида маъруза, семинар ва амалий машғулотларни ўтказиш технологияси.

Масофавий таълимнинг асосий дидактик тушунчалари. Масофавий ўқитишнинг мақсади ва мазмуни. Масофавий ўқитишнинг умумий ва хусусий тамойиллари Масофавий ўқитишнинг методлари ва усуллари. Масофавий ўқитишда фойдаланиладиган воситалар. Масофавий ўқитишни ташкил этиш шакллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлар. Масофавий ўқитиш курсларида назорат ишларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари.

**1-илова**

#### **МАВЗУГА ОИД ЁРДАМЧИ МАТЕРИАЛЛАР:**

Маъруза ўқитиш жараёнининг асосий шаклидир. Ўқитиш жараёни шакллари ичида маъруза энг асосийси ҳисобланади. У анча мураккаб ва кўп меҳнат талаб қиладиган ишдир. Маъруза ўқиш юқори малакали педагогларга топширилади, чунки маъруза курсини тайёрлаш олий мактаб ўқитувчисидан катта маҳоратни талаб этади. Ҳар бир маъруза матнини тайёрлаш эса, илмий ишни эслатади.

Олий юртларида ўқитиладиган маърузалар, дарслик, қўлланмалар, интернет маълумотлари ва бошқа манбалардаги материалларни қайта баён қилиб беришдан иборат бўлиб қолмасдан, балки ўқитувчининг аниқ бир соҳа бўйича ўз шахсий илмий-педагогик, ижодий изланишларини ҳам ўзида жамлаши лозим. Ҳақиқий ўқитувчи маърузага вақтинчалик топшириқ деб

қарамасдан, балки мунтазам равишда унга тайёрланиб бориши, маърузани қайта ишлаб, тўлдириб ва мукаммалаштириши лозим. Бунда ҳар бир ўқитувчининг ўз амалий қарашлари, материалларга шахсий муносабати, илмий умумлаштирмалари бўлиши шарт. Бунинг учун адабиётлар танлаш, улардан ўринли фойдалана билиш, матбуотда ва интернетда пайдо бўлаётган янги адабиётларни етарли ҳисобга олиб бориш талаб этилади. Бинобарин, маърузага тайёрланишда китоб, журнал ва бошқа материалларни пала-партиш ўқиш, унинг мавҳум жойларини эътиборсиз қолдириб, нотаниш сўзлар, ноаниқ атамалар ва мавҳум ибораларни аниқламасдан ташлаб кетиш материалларни ўзлаштириб олишга ҳалақит беради ва англашилмовчиликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Маъруза талабаларни тарбиялашнинг муҳим усулларида бири ҳисобланади. Дарсхонада ўқитувчи ўзининг жонли нутқи ва кўргазмали қуроллари, замонавий техник воситалар билан тингловчиларга илмий тафаккур қилишнинг асл моҳиятини очиб беради, талабаларнинг дунёқарашини кенгайтиради, уларнинг илм-фанга бўлган қизиқишини ва ўқув маданиятини оширади. Гап фандаги илғор тажрибалар, сўнгги янгиликларни тингловчига етказа оладиган, ўзининг илмийлиги ва пишиқлиги билан ўзоқ вақтгача эса сақлаб қоладиган маърузалар ҳақида бораяпти. Маъруза ўқитувчилар билан талабаларнинг алоқасини мустаҳкамлайди. Бу жараён семинар, амалий ва лаборатория машғулотларида давом эттирилади ишлаб чиқариш амалиётлари, курс ва БМИ ларини бажаришда юқоридаги алоқалар янада мустаҳкамланади ва мустаҳкамлашиб боради. Талабаларга маъруза ўқиш ва амалий машғулотларни ўтказишда олий мактаб ҳаётидаги тажриба ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан умумлаштириб борилади.

Амалий ва тажриба машғулотлари маъруза курсида олинган билимларни амалда тадбиқ қилиш мақсадида ўтказиладиган дарс шаклларида биридир. Бу икки машғулот ўзининг хусусиятига кўра бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Амалий ва тажриба дарсларида талабалар икки гуруҳга бўлинадилар ҳар бир кичик гуруҳга алоҳида ўқитувчи раҳбарлик қилади. Амалий машғулотлар асосан ижтимоий фанлар (тарих, тил, адабиёт, ҳуқуқ каби), тажриба машғулотлари эса табиий фанлар (химия, физика, техника каби) учун қўлланилади. Амалий ва тажриба дарсларини назарий курс бошланиб, 8-10 соатлар ўтказиладиган кейин бошлаш мақсадга мувофиқдир. Амалий дарсларда талабалар ўзлаштираётган мавзу мазмунига, бажариладиган вазифанинг ҳажмига қараб яқка ҳолда ёки икки-уч кишидан иборат гуҳпа бўлиб ишлайдилар. Дарс бошида ўқитувчи топшириғига кўра талабалар тажрибахонада бажариладиган иш мазмунига қараб керакли адабиётлар,

тажриба жихозлари, реактивлар ва турли асбоб-ускуналар, бажариладиган тажриба ишининг режаси билан танишиб, адабиётларда кўрсатилган қоидаларга амал қилган ҳолда мустақил ишлай бошлайдилар. Агар иш жараёнида қийинчиликларга ёки тушунмовчиликларга дуч келинса, ўқитувчига мурожаат қилиш лозим.

Ҳозирги кунда анъанавий таълим шакллари билан биргаликда масофавий таълим технологиялари жадаллик билан кенг жорий этилмоқда. Бу ҳозирги ёшларнинг, яъни янги авлоднинг кўпчилиги шахсий компьютердан эркин фойдалана олиши ва ҳозирги кунда ҳар бир таълим муассасаси, ҳар бир шахс Интернет тармоғи ва ундаги маълумотлардан моҳирлик билан фойдаланишига боғлиқ бўлиши мумкин.

Мазкур тажрибаларда “масофавий ўқитиш” — инглизча “distance learning” атамасидан “distance education” яъни “масофавий таълим” атамасини кенгроқ тушунча эканлигини таъкидлашган. Бу атамани кенгроқ тушунча деб ифодалашнинг сабаби инглизча “learning” сўзи ўзининг асосий маъносида “ўрганиш” ёки “ўргатиш” маъносини билдириб, ушбу инглиз муаллифлари учун “distance learning” ифодаси масофавий ўқитишнинг мустақил ўқишдан фарқ қиладиган фақат бир жиҳати бўлган “learning”, яъни тьютор билан ҳамкорликда амалга ошириладиган ўқишни билдиради. “distance education” — “Масофавий таълим” атамаси эса, таълим жараёнининг барча жиҳатларини ўз ичига қамраб олади. Бу тушунчалар, бир томондан ўхшаш бўлиб, улар битта ҳодиса — ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнига жорий қилишни билдиради.

Масофавий таълим технологиялари — бу таълим олувчи ва педагог ходимнинг тўлиқ ёки қисман масофадан ўзаро фаолиятида асосан ахборот ва телекоммуникация технологияларини қўллаб амалга ошириладиган таълим технологиялари тушунилади.

“Масофавий ўқитиш” атамаси, юқорида айтилганларнинг энг биринчи бўғини бўлиб, Висконсин штати Университети томонидан 1892 йилдан бошлаб сиртқи (корреспондентлик) курсларда қўлланилган. Масофавий деб масофадан туриб ташкил қилинган таълим тушунилган. Унга “корреспондентлик ўқитиш”, “уйда ўқиш” ва бошқалар синоним ҳисобланган.

Электрон ўқитиш — маълумотлар базасида мавжуд бўлган ва таълим дастурларини амалга оширишда фойдаланиладиган ахборот ва унга ишлов берувчи ахборот технологиялари, техник воситалар ҳамда кўрсатилган ахборотни алоқа линиялари бўйича узатишни, таълим олувчилар ва педагог ходимларнинг ўзаро фаолиятини таъминлайдиган ахборот-телекоммуникацион тармоқларни қўллаб таълим фаолиятини ташкил қилишдан иборат.

Ўқитиш модели — машғулотларда муайян мақсадлар ва иш шароитларига мувофиқ равишда тьютор томонидан таълим методининг индивидуал интерпретацияси ҳисобланади, айрим адабиётларда ўқитиш модели атамаси, ўқув жараёнини схематик кўринишда ифодалаш маъносини англатиши ва у педагог томонидан ташкил қилиниши ҳамда амалга оширилиши таъкидланган.

Масофавий ўқитишнинг қулайликлари:

1. Мослашувчанлик — ўқув жараёнини вақтга, жойга ва ўқиш муддатига мувофиқ танлаш, амалга ошириш мумкинлиги. Масофавий ўқитиш тизимида таълим оловчилар асосан маъруза ва семинар кўринишидаги узлуксиз машғулотларга қатнашмайдилар, балки ўзларига қулай бўлган вақтда, жойда ва қулай тезликда ишлаш имкониятига эга бўладилар.

2. Модуллик — модулларда тақдим этилган масофавий ўқитишнинг мазмуни, таълим оловчига шахсий билим олиш эҳтиёжига мос равишда индивидуал таълим траекториясини яратиш имконини беради.

3. Қулайлик — таълим оловчиларнинг яшаш жойига ва иқтисодий имкониятларига боғлиқ эмаслиги;

4. Иқтисодий самарадорлик — иқтисодий самарадорлик, таълим муассаса ҳаражатлари (коммунал харажатлар, эгаллаган майдон тўлови ва ҳоказо) ҳамда таълим оловчи харажатлари каби (йўл ҳақи, турар жой харажатлари ва ҳоказо) қисқаради. Таълим хизматларига қилинадиган сарф харажат анъанавийдагига нисбатан тахминан 50-60 % га қисқариши мумкин.

5. Алоқанинг тезкорлиги — тьютор ва таълим оловчи орасидаги тезкор ўзаро қайта алоқанинг мавжудлиги.

6. Қамровнинг кенглиги — яъни масофавий ўқиш маълум сондаги таълим оловчиларга мўлжалланадиган аудитория, хона талаб қилмаслиги сабабли исталган сондаги таълим оловчиларни масофавий ўқитиш билан қамраб олиш имкони мавжудлиги.

7. Технологиклик — ўқиш жараёнида янги ахборот ва коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш.

8. Ижтимоий тенглик — соғлиги ва ижтимоий-иқтисодий шароитидан қатъий назар, масофавий шакл орқали ўқишда ҳамма учун яратилган шароит ва имкониятнинг бир хиллиги.

9. Интернационалик — таълимий мақсад ва вазифаларни амалга оширишда таълим хизмати бозоридаги жаҳон ютуқларини экспорт ва импорт қилишда қулай ва тезкор имкониятлар мавжудлиги.

10. Ўқитувчининг янгича роли — тьютор махсус психологик-педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари муҳотида таълим оловчиларнинг

мустақил ўқув-билиш фаолиятларини ташкил этувчи, уларнинг шахсий-касбий ривожланишларидаги маслаҳатчи-устоз эканлиги.

11. Таълим сифатининг ўзига хос назорати — масофавий ўқитишда назорат шакли сифатида масофавий имтиҳонлар, суҳбатлар, амалий, курс ва лойиҳа ишлари, экстернат, компьютерли интеллектуал тест ўтказувчи тизимлар қўлланилади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, масофавий ўқитиш сифатининг назорати муаммолар ечими, таълим стандартига мослиги таълимнинг барча тизими муваффақияти учун аҳамиятга эга.

## 2-илова

### МУНОЗАРА УЧУН САВОЛЛАР:

1. Бугунги кунда олий юртларида ўқитиладиган маърузаларга қандай талаблар қўйилмоқда?
2. Амалий машғулотлари маъруза машғулотларидан қандай фарқ қилади?
3. “Масофавий ўқитиш” деганда нимани тушунаси?
4. “Масофавий ўқитиш”нинг ўзига хослиги нимада?
5. Тьютор ким?
6. Масофавий ўқитишнинг қулайликларини қандай изоҳлайсиз?

## 4-илова

### АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясидги нутқи. 2020 йил, 23 сентябрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси//Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.
4. Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори.// Тошкент, Халқ сўзи. 2019 йил. 4 май. № 78.
5. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т.: Ўзбекистон, 2003.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
7. Мавлонова Р., Тураева О., Холиқбердиев К., Педагогика. Т.: «Ўқитувчи» 2001. 514
8. Урабова М.Б., Эшпулатов Ш.Н. Бўлажак ўқитувчининг лойиҳалаш фаолияти. // Методик қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2014. 6,5 б.т.



9. Литвинова С.Г. Технология «Перевернутое обучение» в облачно ориентированной учебной среде как компонент развития медиаобразования в средней школе // Медиафера и медиаобразование. — 2015.

10. Тоҳириён А., Собирова М., Замонов З. Миллий ғоя туркумига кирувчи фанларни ўқитишда интерфаол таълим методларидан фойдаланиш бўйича услубий тавсиялар. – Т.: РТМ, 2017.

11. Ибраймов А.У. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. – Т.: “Lesson press”, 2020.

#### **4-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ: ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**Амалий машғулотда кўриладиган масалалар мазмуни:** Лойиҳавий таълимни ривожланиш тарихи. Лойиҳавий таълимнинг муҳим белгилари. Лойиҳавий таълим турлари. Ўқув фанларига боғлиқликда ишлаб чиқиладиган лойиҳа турлари.

Лойиҳа технологияси. “Миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанлар ва ҳуқуқ таълими” йўналишида ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятини лойиҳалаштириш.

“Миллий ғоя, миллий ғоя ва маънавият туркумига кирувчи фанлар ва ҳуқуқ таълими” йўналишида ўқув фанларнинг мазмунини лойиҳалаштириш

**1-илова**

#### **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ ТОПШИРИҒИ (саволга мос жавобни аниқланг)**

т/р	Саволлар	Жавоблар
<b>1</b>	Мазкур лойиҳалар қоидага мувофиқ моддий маҳсулотлар, баъзан тадбирлар кўринишида ёки ёзма кўрсатмалар, тавсиялар шаклида тугалланади, бу ...	Амалий йўналтирилган лойиҳалар.
<b>2</b>	Мазкур лойиҳалар натижасида илмий мақолалар, рисоалар, моделлар ёки макетлар, ўқув фильмлари, тақдимотлар яратилади, бу ...	Тадқиқотчиликка доир лойиҳалар
<b>3</b>	Мазкур лойиҳалар якуний натижаси талабалар қоғоз вариантда ёки Интернетда жойлаштиришлари мумкин бўлган рисола, жадваллар, чизмалар, графиклар, диаграммалар	Ахборий тавсифдаги ўқув лойиҳалари

	тарзида шакллантирилади, бу ...	
4	Мазкур лойиҳалар деярли ҳамма вақт тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш кўринишида намоён бўлади, бу ...	Ўйинли ва ролли лойиҳалар
5	Субъектнинг ўзига, шахсий фаолиятига ва билимига баҳо бериши, ўзгаларнинг у ҳақидаги фикрлари ва улар ўртасидаги ҳамкорлик фаолиятига оид муносабатларни тавсифлайди, бу...	Рефлексивлик тамойили
6	Педагогик шарт-шароитларнинг қулайлиги, оз вақт ва куч сарфлаш эвазига самарали натижаларга эришишни тавсифлайди., бу...	Натижавийлик тамойили

## 2-илова

### Назорат саволлари:

1. Таълим жараёнини лойиҳалашда қандай тамойиллар устувор саналади?
2. Тарбия жараёнини лойиҳалаш қандай босқичларда амалга оширилади?
3. Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими фанларини ўқитишнинг инновацион муҳити деганда нимани тушунаси?
4. Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими фанларини ўқитишнинг инновацион муҳитини лойиҳалаштиришда энг катта эътибор нимага қаратилади?
5. Ўқув лойиҳаларини баҳолашнинг умумий мезонларини тавсифланг...
6. Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими фанларини ўқитишнинг инновацион муҳитини лойиҳалаштиришни ўз фанингиз доирасида тушунтириб беринг...

## 3-илова

### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Зебунисо-Кониғил / 4-том. Бош таҳрир ҳайъати аъзолари: М.Аминов ва б. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002.
2. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С. Илғор педагогик технологиялар. – Т.: Ўқитувчи, 2004.
3. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006.
4. Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳолиқова.Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Мет.қўлл. – Т.: Низомий номли ДТПУ, 2013.

5. Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Ҳ., Сайфулов Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015.

6. Тоҳириён А., Собирова М., Замонов З. Миллий ғоя туркумига кирувчи фанларни ўқитишда интерфаол таълим методларидан фойдаланиш бўйича услубий тавсиялар. – Т.: РТМ, 2017.

## **5-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ: МИЛЛИЙ ҒОЯ, МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ВА ҲУҚУҚ ТАЪЛИМИГА КРЕДИТ – МОДУЛ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ**

**Амалий машғулотда кўриладиган масалалар мазмуни:** Таълимнинг кредит-модуль тизими, мазмун ва моҳияти. Кредит-модуль тизимининг мамлакатимиз олий таълим тизимиغا таълимнинг амалдагидан кўра анча мукаммал ўлчов бирлигини олиб кириши.

Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълимига кредит – модуль тизимини жорий этишнинг ўзига хос хусиятлари. Ўқиш юкламасининг мувозанатли тақсимоти. Фанларни танлаш имконияти. Ўқув дастурларида фанларнинг сараланиши.

**1-илова**

**Қуйидаги тушунчаларни шарҳлаб беринг:**

1. Кредит- модуль тизими
2. Кредит технологияси
3. Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълимига кредит – модуль тизимини жорий этишнинг ўзига хос хусусиятлари.
4. Танлов фанлари
5. Сифат ва самарадорлик

**2-илова**

**Мунозара учун саволлар:**

1. Кредит технологияси таълим олувчиларга қандай ҳуқуқни беради?
2. ECTS кредит-модуль тизимида бир йиллик кредитлар миқдори қанчани ташкил этади?
3. 6 кредит неча соат ўқиш юкламасини ташкил этади?
4. Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълимига кредит – модуль тизимини жорий этишнинг ўзига хос хусусиятлари нимада?
5. Ўқув дастурига танлов фанларининг кириб келиши талабаларга қандай имконият яратади?

6. “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” бакалавриат таълим йўналиши ва “Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш методикаси(маънавият асослари)”да магистратура мутахассислиги ўқув режасининг қайси блокида ажратилган соатлар кесимида талабаларга 2- ёки ундан ортиқ фанларнинг руйхати ва ушбу фанларнинг ўқув дастурлари тақдим этилади?

3-илова

### АДАБИЁТЛАР

1. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. 2019 йил 8 октябрь// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясидги нутқи. 2020 йил, 23 сентябрь.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси//Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.

4. Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори.// Тошкент, Халқ сўзи. 2019 йил. 4 май. № 78.

5. Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 8 апрелдаги “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги №5465–сон Фармойиши//Халқ сўзи, 2019 йил, 9 апрель.

6. Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепцияси” лойиҳаси

7. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.

8. Уразова М.Б., Эшпулатов Ш.Н. Бўлажак ўқитувчининг лойиҳалаш фаолияти. // Методик қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2014. 6,5 б.т.

9. Тоҳириён А., Собирова М., Замонов З. Миллий ғоя туркумига кирувчи фанларни ўқитишда интерфаол таълим методларидан фойдаланиш бўйича услубий тавсиялар. – Т.: РТМ, 2017.

10. Ўқитувчи фаолиятини лойиҳалаш: //Узлуксиз таълимда модулли технология// Монография. М.Тожиев, Б.Зиёмухамедов, Б.Ш.Усмонов, А.Ж.Хуррамов; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази. – Т.: «TURON-IQBOL», 2017. – 256 б. 15.

## **6-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ: МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ**

**Амалий машғулотда кўриладиган масалалар мазмуни:** Мустақил таълим тушунчасининг мазмун ва моҳияти. Мустақил таълим - олиш етук мутахассис бўлиб етишишнинг муҳим омили. Мустақил таълимнинг мақсад ва вазифалари. Талабалар мустақил таълим фаолиятининг асосий босқичлари. Мустақил иш турлари.

Талабаларнинг мустақил таълимини баҳолаш мезонлари. Масофавий таълим жаарёнида талабалар мустақил таълимини ташкил этиш.

Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналиши талабаларида мустақил таълим олиш кўникма ва малакаларини шакллантириш вазифалари.

### **1-илова**

#### **Мавзуга оид ёрдамчи материаллар:**

Мустақил таълим олиш етук мутахассис бўлиб етишишнинг муҳим омили ҳисобланади. Бу айниқса касбий тайёргарлик тизимида яққол намаён бўлади. Аждодларимиз ҳам ёш авлоднинг касб-ҳунар эгаллашига, етук, тарбияли, тараққиётга хизмат қилувчи инсон бўлиб етишишига аҳамият беришган.

Мустақил таълим олишни ташкил этиш учун нафақат муайян касбга ёки фаолият соҳасига қизиқиш, балки ушбу фаолият турига лаёқатнинг мавжуд бўлиши ҳам талаб этилади. Мустақил таълим шахснинг ўзи томонидан бошқарилишини эътиборга олиб, бу фаолият билан инсон эркин ҳолда ва истаган вақтида манбалардан ўзи танлаб, мақсад, восита, мазмун нуқтаи назаридан фойдаланиши мумкин. Мустақил билим олишда автономлик бу-ўқитиш мақсадлари, тамойиллари, мазмуни, методи ва воситаларни аниқлаш ва танлаш, уларни қийналмасдан ҳамда ташқи таъсир ёрдамисиз, амалга ошириш қобилиятидир.

Мустақил таълим бевосита мустақил фикрлаш билан узвий боғлиқлиги сабабли унга берилган таърифни ҳам келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ: «Мустақил фикрлаш - инсоннинг ўз олдида турган муаммоларни мақсад ва вазифаларини белгилаган ҳолда ўз билими ва ҳаётий тажрибаларига таяниб, турли йўл, усул, воситалар ёрдамида, ўзининг интеллектуал имкониятлари даражасида мустақил равишда ҳал қилишдан иборат бўлган ақлий фаолиятидир»

«Мустақил таълим» тушунчаси педагогик луғатларда ўқув юртидан ташқари, мустақил ўрганиш туфайли эгалланадиган таълим туридир, деб

таърифланган.

Айни вақтда «мустақил таълим олиш», «ўзини тарбиялаш», «мустақил ўқиш» тушунчаларидан синонимлар сифатида фойдаланилмоқда.

Илмий тадқиқот натижалари асосида мустақил таълимга қуйидагича таъриф берилди: мустақил таълим – ўқув материални мустақил ўзлаштириш, мураккаблик даражаси турлича бўлган топшириқлар, амалий вазифаларни аудиторияда ҳамда аудиториядан ташқарида ижодий ва мустақил бажариш асосида назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган тизимли фаолиятдир.

Мустақил ишлар дидактик мақсади, вазифаси, мураккаблик даражаси, кимга (индивидуал ёки жамоа учун) мўлжалланганлигига қараб, бирбиридан фарқ қилади. Мустақил таълим жараёнида танланган мавзуларнинг илмийлиги, тизимлилиги ҳамда ўқув материалларининг қизиқарлилиги, амалиёт билан боғлиқлиги, фанлараро алоқадорлиги, шунингдек бериладиган мустақил ишлар ва топшириқларнинг ижодий характерга эгаллиги муҳимдир. Унинг назарий, амалий, илмий, методик ва педагогик асослари таҳлил қилини, самарали шакллари, воситалари танланса, ижобий натижаларга эришиш мумкин. Бунда ўтиладиган мавзунинг амалиёт билан узвийлиги, илмийлиги ва ўқув материалларининг қизиқарлилиги, мавзуларнинг тизимлилиги, топшириқ ҳамда вазифаларнинг кўп қирралилиги, ўзаро боғлиқлиги муҳим ўрин тутди. Аммо энг асосийси, талабаларнинг мустақил равишда таълим олиш фаолиятини ташкил этишда уларнинг интилиш ва қизиқишларига эътибор қаратиш зарур. Талабаларнинг эгаллаган билимларини амалиётда қўллай олишини, улар ижтимоий фойдали, тарғибот–ташвиқот ишларида иштирок этишини таъминлаш мақсадга мувофиқ.

Мустақил таълим фаолиятининг биринчи босқичида фанларга бўлган қизиқиш асосий манба бўлади. Бироқ бу қизиқиш етарли даражада қатъий ва чуқур бўлмайди. Бунда ҳам мақсадга йўналтирилган, тизимли, махсус ташкилий, мустақил таълим фаолияти мавжуд эмас. Фақат китоблар ўқиш, махсус маърузалар тинглаш, мустақил тафаккур фаолиятига интилиш бўлади. Шахснинг мустақил таълим олиш фаолиятига қизиқишлари ҳам мужассамлашмаган, у ҳам кўплаб қўшимча, кенг миқёсли ишларни амалга оширади, бироқ буларни узвий равишда эмас, балки баъзан ва чуқур билимга эга бўлмай амалга оширади.

Мустақил таълим фаолиятининг иккинчи босқичида талабалар мустақил (албатта, нисбатан) ўз олдига мақсад ва вазифалар қўйиб, мустақил фаолият мазмунини англаб, ташкилий ишларни амалга ошириб борадилар. Бу даврда талабалар шахсий – ҳаётий режалар, ғояларни амалга ошириш воситаси

сифатида касбий вазифаларни ҳал этадилар. Иккинчи босқичда уларнинг мустақил фаолият қизиқишлари жиддийлашади, фаннинг алоҳида қисмини ўрганиш, бу орқали ўз ҳаётий режаларини тузиш, бирор касбни эгаллашга бўлган қатъий истак асосий ўрин тутади. Онгли равишда кўшимча фаолият билан шуғулланади, ўз ғояларини амалга ошириш воситасига айланган мустақил таълим билан шуғулланишга интилиш пайдо бўлади. Мустақил таълимни онгли равишда ташкил этади.

Мустақил таълим фаолиятининг учинчи босқичида талабалар мустақил таълим билан бир неча йил шуғулланиб, ўз касбий мақсадлари, фаолияти йўналишларини вазифаларини аниқ белгилаш малакасига эга бўладилар.

Мустақил билим олиш даражасини баҳолаш ўз-ўзини баҳолаш ва ўқитувчи томонидан баҳолаш асосида қиёсланади. Талабаларни мустақил ишга тайёрлашда ўқитувчиларнинг роли айниқса катта бўлади. Ўқитувчи мустақил иш мавзусини талабанинг имкониятига, билим даражасига мослаб, унда шу ишга нисбатан қизиқиш уйғотадиган ва мустақил фикр юритишга мажбур қиладиган қилиб белгилаши лозим. Бу ишни бажариш учун зарур бўладиган барча маълумотларни методик қўлланмаларни бериши ва ишни бажариш тартиби керак бўлганда савол – жавоблар уюштиришни, маслаҳатлар бериш ва шу мавзулар бўйича экскурсиялар ташкил қилиш зарур.

Илмий педагогик адабиётларда мустақил ишларнинг қуйидаги тўртта тури қайд этиб ўтилади: намуналар бўйича бажариладиган мустақил ишлар, реконструктив-вариатив, эвристик (қисман ижодий), ижодий тадқиқот характеридаги мустақил ишлар. Аммо уларда юқорида қайд этилган мустақил ишлар натижасини текшириб кўриш, таҳлил этиш, синтез қилиш, баҳолаш, хулоса чиқариш ҳақида сўз юритилмайди.

Бизнингча, мустақил ижодий тадқиқот натижаларини таҳлил этиш ва синтез қилиш ҳам муҳим педагогик аҳамиятга эга. Уни мазмунан таркиб топтириш билан бирга талабаларнинг ўз ишларини ўзлари текширишлари ҳамда назорат қилишлари мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантиришда яхши самара бериши аниқланди. Уларнинг моҳияти қуйидагича тавсифланади:

- намуналар бўйича мустақил ишларда типик вазифалар амалга оширилади, яъни турли машқлар, амалий ишлар намуналар асосида бажарилади. Намуналар бўйича бажариладиган мустақил ишлар ўқув материалларини ўзлаштиришга омил бўлади, лекин талабалар ижодий фаоллигини ривожлантирмайди;

- реконструктив-вариатив мустақил ишлар нафақат билимларнинг амалий тавсифномасини, балки билимлар мазмунини қайта ишлаб чиқишни, масала ёки

муаммони ечишда улардан амалий фойдаланишни тақозо этади;

- эвристик (қисман ижодий) мустақил ишларда маъруза, лаборатория, амалий машғулотлар, семинарларда қўйилган муаммолар ҳал қилинади;

- ижодий тадқиқот ишларида талаба масалани ҳал қилиш йўллари мустақил қидиради ва тадқиқ этади. Бундай ишлар қаторига тажриба синов ишларини ўтказиш, жиҳозлар, моделлар, макетлар ва дастгоҳларни лойиҳалаш билан боғлиқ бўлган вазифалар киради.

Ижодий тадқиқот характеридаги мустақил ишлар талабаларда муаммони кўра билиш малакасини шакллантиради ва натижада улар муаммони мустақил ифодалай олади ва уни ҳал этиш режасини ишлаб чиқади.

**2-илова**

**АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ ТОПШИРИҒИ**  
**(саволга мос жавобни аниқланг)**

<b>т/р</b>	<b>Саволлар</b>	<b>Жавоблар</b>
<b>1</b>	Маъруза, лаборатория, амалий машғулотлар, семинарларда қўйилган муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилган ...	Эвристик (қисман ижодий) мустақил ишлар
<b>2</b>	Талаба масалани ҳал қилиш йўллари мустақил қидиришга ва тадқиқ этишга ундайди ...	Ижодий тадқиқот характеридаги мустақил ишлар
<b>3</b>	Бу босқичда шахсий – ҳаётий режалар, ғояларни амалга ошириш воситаси сифатида касбий вазифаларни ҳал этилади...	Мустақил таълим фаолиятининг иккинчи босқичи
<b>4</b>	Фанларга бўлган қизиқиш асосий манба бўлади...	Мустақил таълим фаолиятининг биринчи босқичи
<b>5</b>	Ўз касбий мақсадлари, фаолияти йўналишларини вазифаларини аниқ белгилаш малакаси ҳосил бўлади ...	Мустақил таълим фаолиятининг учинчи босқичи
<b>6</b>	Билимлар мазмунини қайта ишлаб чиқишни, масала ёки муаммони ечишда улардан амалий фойдаланишни тақозо этади ...	Реконструктив-вариатив мустақил ишлар



**3-илова****Мунозара учун савол ва топшириқлар:**

1. Мутақил таълимнинг моҳиятини изоҳланг...
2. Мустақил таълим тушунчасига қандай таърифлар берилган?
3. Мустақил таълим фаолияти неча босқичдан иборат?
4. Бугунги кунда ёш авлод тарбиясида мустақил ишларнинг қандай ўрни бор?
5. Мустақил ишларнинг қандай турлари мавжуд?..
6. “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналишида ўқитиладиган фанлардан кўпроқ қайси турдаги мустақил таълим топшириқларини тайёрлаш мақсадга мувофиқ?..

**4-илова****АДАБИЁТЛАР**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясидги нутқи. 2020 йил, 23 сентябрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси//Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.
4. Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори.// Тошкент, Халқ сўзи. 2019 йил. 4 май. № 78.
5. Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 8 апрелдаги “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги №5465–сон Фармойиши//Халқ сўзи, 2019 йил, 9 апрель.
6. Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепцияси” лойиҳаси
8. Каримов И.А. Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти, 1993.
9. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
10. Абдуллаева Қ.М. Махсус фанларни ўқитишда бўлажак ўқитувчиларнинг касбий билим ва кўникмаларини шакллантиришнинг методик асослари: Дисс. ... пед. фан. ном.- Тошкент: 2006.
11. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Ўқув кўлланма. – Тошкент: ТДПУ, 2003 .
12. Халилов Н. Мустақил таълим шакллари // Халқ таълими. – Тошкент, 2002.- № 5.- Б. 88 – 89.

13. Хусанбоева Қ.П. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг илмий-методик асослари: Дис. ... пед.фан.док. – Тошкент: ЎзПФТИ, 2004.

## **7-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ: МИЛЛИЙ ҒОЯ, МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ВА ҲУҚУҚ ТАЪЛИМИ ФАНЛАРИДАН КУРС ИШИ (ЛОЙИҲАСИ), БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ, ИЛМИЙ-МЕТОДИК ТАЪМИНОТИ ВА УЛАРНИНГ ОНЛАЙН ҲИМОЯЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**Амалий машғулотда кўриладиган масалалар мазмуни:** Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими фанларидан курс иши (лойиҳаси), битирув малакавий ишларини тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари. Курс иши (лойиҳаси), битирув малакавий ишлари мавзулари банкини шакллантириш. Курс иши (лойиҳаси), битирув малакавий ишларини тайёрлашга раҳбарлик қилиш.

Курс иши (лойиҳаси), битирув малакавий ишлари учун адабиётлар рўйхатини шакллантириш. Курс иши (лойиҳаси), битирув малакавий ишлари учун топшириқлар тайёрлаш.

Курс иши (лойиҳаси), битирув малакавий ишларининг бажарилиши. Курс иши (лойиҳаси), битирув малакавий ишларининг анъанавий ва онлайн ҳимояларини ташкил этиш технологияси.

**1-илова**

### **Мавзуга оид ёрдамчи материаллар:**

Курс лойиҳаси ёки ишлари олий ўқув юртларида талабаларни илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш малакасини ҳосил қилишга, маълум илмий характерга эга бўлган қисқача маъруза ёзишга ўрганишга чорлайди. Одатда, курс ишлари ёки лойиҳаси ёзишда ўқитувчи раҳбарлигида мавзу танлаб олинади ва мавзуга доир режа тузилади, режага асосан курс иши ёзилиб, тақриз қилинади ва ўқитувчига топширилади. Курс ишини бажариш жараёнида талаба ўқитувчи раҳбаридан мунтазам равишда маслаҳатлар олиб туради. Уларнинг ҳажми фанларнинг хусусиятидан келиб чиқиб белгиланади. Курс ишларининг назорат ишларидан фарқи шундаки, курс ишларида талабалар аниқ мавзу бўйича мустақил фикр юритади ва кичик муаммоларни ечиб беришга ўзининг ҳиссасини қўшади. Назорат ишларда эса олдин тайёрлаб қўйилган саволларга жавоб қайтарилади. Уларнинг ҳажми курс ишларининг ҳажмига нисбатан кичик бўлиб, ўзаро бир-бирларидан тубдан фарқ қилади. Курс лойиҳаси ёки

ишлари талабаларнинг ўқув-тадқиқот ишларининг асосий шаклларида бирини ташкил этади.

Битирув малакавий ишлари талабалар олий ўқув юртини тамомлаётганларида танлаган махсус курслари юзасидан илмийтадқиқот олиб борадилар. Улар шу соҳа билан бевосита боғлиқ бўлган адабиётларни ишлаб чиқиб, ўз ишларнинг бошқа ишлардан фарқини, унинг ишлаб чиқаришга келтирадиган фойдасини кўрсата билишлари керак. БМИ ўқитувчи раҳбарлигида ёзилади. БМИларнинг ҳажми 12- 15 минг сўз атрофида белгиланади. Иш тамом бўлгач, БМИга мутахассис томонидан тақриз ёзилади ва муҳокамага қўйилади. Муҳокамада мутахассислар иштирокида битирувчи қилган тадқиқоти ҳақида ахборот беради. Сўнгра муҳокама ҳамда мунозара қилинади ва иш баҳоланади. Талабалар томонидан бажарилган БМИлар ҳақиқий илмий ишларнинг бошланишидир. Бу мунозарани талаб этмайди. БМИ талабага илмий изланиш, муаммоларни ўрганиш ва унинг моҳиятини таҳлил қилишда ёрдам беради. Зотан, талабалар ўқиш жараёнида маълум доирада илмий-текшириш ишлари олиб борган бўладилар. Талабаларнинг илмий ишлари талабалар илмий жамиятлари анжуманида тингланади, муҳокама қилинади, баҳоланади бу жараён талабанинг илмий қобилиятини чархлаб боради.

**2-илова**

**Қуйидаги тушунчаларни таҳлил қилинг:**

1. Курс иши
2. Битирув малакавий иши
3. Курс иши ёки битирув малака ишининг кириш қисми
4. Курс иши ёки битирув малака ишининг асосий қисми
5. Курс иши ёки битирув малака ишининг хулоса қисми

**3-илова**

**АДАБИЁТЛАР**

1. М.Г.Гольченко.Введение в специальность, Минск, 1986, 160 с.
2. Т.Ш.Ширинкулов и др. Введение в специальность, Ташкент,Укитувчи, 1987, 184 с.
3. В.Ф.Максимов, Г.В.Стадницкий.Введение в специальность, Ленинград,1988, 1680 с.
4. А.Раджабов, А.Д.Рахматов, А.Х.Воҳидов. Мутахассисликка кириш, тошкент, 2008, 82 б.
5. А.Т.Турабаев, М.Х.Ахмедова. “Мутахассисликка кириш” фанидан маърузалар тўпламию,2003 й.

## **V. КЕЙСЛАР БАНКИ**

### **Модул бўйича кейслар**

#### **1-кейс баёни**

1989 йил 25 июнь куни Ислом Каримов жанжал-тўполонлар алангаси ичида қолиб кетган Фарғонага йўл олади. Ловиллаб ёнаётган уйлар, таҳлика ва саросимага тушган шаҳар ва қишлоқлар, қаҳр-ғазабга тўлган одамларнинг ичига дадил кириб боради. Улар билан чин дилдан, ҳеч нарсани яширмасдан очиқ гаплашади. Бу инсонларнинг шу вақтга қадар ҳеч ким эшитмаган оху нолаларини тинглаб, ўзининг юракдан чиққан самимий ва ҳаққоний сўзлари билан бамисоли уларнинг қалбидаги жароҳатларга малҳам қўйгандек бўлади, кўнгилларда сўнган умид учқунларини уйғотади. Тартиб-интизомни тиклаш, қон тўкилишининг олдини олиш бўйича бутун масъулиятни ўз зиммасига олиб, аниқ чора-тадбирлар кўради. Воқеа сабабларини қидирди.

#### **Кейс саволи**

Ислом Каримов нима учун шахсан ўзи Фарғонага йўл олди?

#### **Ўқитувчининг ечими**

“Ўзбек халқининг виждони пок. Фарғона воқеалари ўзбек халқининг иродаси билан содир бўлмади. Бу воқеаларга тутуруқсиз ва ғаразли мақсадларни кўзлаб, ким қандай бўёқ бермасин, тарих, албатта, ўзининг адолатли ҳукмини чиқаради. Байналминалчилик, меҳмондўстлик, яхшилик, қалб саховати ҳамиша ўзбек халқига хос фазилат бўлиб келди. Халқимиз ҳеч қачон бошқа халқларга нисбатан душманлик кайфиятида бўлмаган. Бу қадимий ва ҳозирги тарихимиздан олинган кўпгина мисоллар билан исбот қилинган”. Шу боис Ислом Каримов ўзи Фарғонага шахсан ташриф буюриб масаланинг асл моҳиятини англаб етишни, ўзбек халқининг шаъни, кадр қиммати ва ғурурини оёқ ости қилинишига йўл қўймасликни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

#### **2-кейс баёни.**

“Инсониятнинг кўп минг йиллик тажрибаси шундан далолат берадики, дунё-даги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бой-лиги бўлмиш миллий кадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади. Бунинг тасдиғини узоқ ва яқин тарихдаги кўп-кўп мисолларда яққол кўриш мумкин. Чунки ҳар қайси миллат ёки халқнинг маънавияти унинг бугунги ҳаёти ва тақдирини, ўсиб келаётган фарзандларининг келажакини белгилашда шакл-шубҳасиз ҳал қилувчи аҳамият касб этади”.

### **Кейс саволи**

Нима учун Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарининг муқаддимасидаёқ маънавий таҳдидларга эътибор қаратди?

### **Ўқитувчининг ечими**

Чунки маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охир-оқибатда жамиятни инқирозга олиб келиши мумкин.

### **3-кейс баёни.**

Жамиятда маънавиятга таҳдидлар соладиган иллатлар талайгина, ана шундан иллатлар қаторида бугунги кунда виждонсизлик ҳолатлари ҳам кўзга ташланиб турибди. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида виждон поклиги ва бедорлиги тушунчасининг мазмун моҳиятига алоҳида тўхталиб ўтади.

### **Кейс саволи**

Нима Ислом Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида виждон поклиги ва бедорлиги тушунчасининг мазмун моҳиятига алоҳида тўхталиб ўтди?

### **Ўқитувчининг ечими**

Виждон поклиги ва бедорлиги асрлар, замонлар оша инсон маънавиятининг таянч устунларидан бири бўлиб келмоқда. Жамият ҳаётида адолат ва ҳақиқат, меҳр-шафқат, инсофу диёнат каби тушунчаларни қарор топтиришда айнан мана шу омилнинг ўрни ва таъсири бекиёсдир.

Виждони уйғоқ одам ён-атрофида бўлаётган воқеаларга, ёрдам ва кўмакка муҳтож инсонларнинг муаммоларига, адолатнинг топталишига бефарқ қарай олмайди.

### **4-кейс баёни.**

Ислом Каримов бепарво одамни “душмандан ҳам хавфлироқ” деб тушунади ва бу билан бепарволик оқи багида кириб келиши мумкин бўлган вожеалар ҳақидаги фаразларни олга суради.

### **Кейс саволи**

Бу қанчалик тўғри? Бепарво одамни “душмандан ҳам хавфлироқ” деб билан аташ мумкинми? Фикрларинигизни асосланг ва изоҳланг.

### **Ўқитувчининг ечими**

Бепарво одамлардан ҳеч қачон яхшилик чиқмайди. Чунки уларда на иймон, на ирода бўлади. Улар ҳатто ўз халқи ва Ватани тақдирига ҳам бамисоли бегона одамдек қарайди. Азалдан маълумки, бепарво одам душмандан ҳам хавфлироқдир. Чунки душманнинг кимлиги, асл қиёфаси сиз

учун олдиндан маълум бўлади. Бироқ лоқайд ва бепарво одамнинг қиёфасини бирданига билиб бўлмайди. Шунинг учун у ичингизда юриб, сизга қарши тиш қайрайдиган душманлар учун имконият яратиб беради.

Машхур файласуфлардан бири ана шу ҳаётини ҳақиқатни чуқур таҳлил этиб, қуйидаги ҳаққоний фикрларни баён қилган: “Душманлардан қўрқма – нари борса, улар сени ўлдириши мумкин. Дўстлардан қўрқма – нари борса, улар сенга хиёнат қилиши мумкин. Бефарқ одамлардан қўрқ – улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши туфайли ер юзиде хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади”.

## VI. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
<b>Касбий-ижодий имконият</b>  <b>Professional and creative ability</b>	1) касбий компетенция, малакага эгаллик; 2) касбий ижод методологияси асосларини ўзлаштирганлик; 3) ижодий тафаккурнинг шаклланганлик даражаси; 4) касбий-ижодий лаёқат ва шахсий сифатларнинг ривожланганлиги.	1) possessing professional competence and skills; 2) mastering basics of professional creativity methodology; 3) level of development of creative thinking; 4) development of professional and creative tendency and personal qualities.
<b>Касбий-ижодий фаолият</b>  <b>Professional and creative activity</b>	мутахассиснинг касбий масалаларни ижодий ҳал қилиш муваффақиятини тавсифловчи фаолияти, инновацион хатти-ҳаракати.	an innovative behavior or an activity of a specialist characterizing his success in solving professional issues in a creative way.
<b>Касбий ижодкорлик методологияси</b>  <b>Methodology of professional creativity</b>	ижодкорликнинг жараён ва натижа сифатида объектлар ҳамда муайян касбий фаолият турларига муносабат кўринишидаги тузилиши, мантиқий ташкил этилиши, метод ва воситалари ҳақидаги таълимот.	a doctrine about logical organization and composition of a creativity as an object of a process and result in the form of attitude toward the distinct types of professional activity, methods and means.
<b>“Кейс-стади” технологияси</b>  <b>Case study technique</b>	(ингл. “case” – чемодан, метод, “study” – муаммоли вазият; вазиятли таҳлил ёки муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш) – талабаларда аниқ, реал ёки сунъий яратилган муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул вариантларини топиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиладиган технология	a technique that allows students to develop skills of identifying the best solution to the context by analyzing certain, real or non-authentic problem-based situations.
<b>Креативлик</b>	(лот., инг. “create” – яратиш,	an ability of an individual

<p><b>Creativity</b></p>	<p>“creative” – яратувчи, ижодкор) – индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ва мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти.</p>	<p>characterizing readiness for producing new ideas and an independent factor comprising creative skills</p>
<p><b>Педагогика pedagogy</b></p>	<p>1) педагогда таълим ва тарбия жараёнини ташкил этишга нисбатан ижодий, креатив ёндашиш, мавжуд педагогик муаммоларни ижобий ҳал қилишга бўлган қобилият ва малакаларини ривожлантириш; 2) талабаларда ўқув материалларини ўзлаштиришга ижобий, мустақил ёндашиш, ўқув топшириқларини бажаришда янги, ижодий ва креатив ғояларни илгари суриш қобилияти кўникмаларини шакллантириш ҳамда босқичма-босқич ривожлантириш асосида касбий тайёрлаш асосларини ёритадиган, шахс креативлигининг турли ёш босқичлари хусусиятларига мувофиқ ривожланиши масалаларини ўрганувчи фан</p>	<p>1) developing teacher’s с creative approach toward organizing educational process and skills of positive solving of existing pedagogical problems; 2) a science about developing students’ positive and independent attitude toward mastering the learning materials, promotion of new ideas when fulfilling assignments; covering professional training basics based on the step by step development, studying issues of development individual’s creativity in accordance with peculiarities of different age stages.</p>
<p><b>Креатив қобилият Creative ability</b></p>	<p>шахснинг ижодий фаолиятни ташкил этиш ва унинг натижаланганлигига эришишни таъминлаш имкониятини белгиловчи индивидуал хусусияти</p>	<p>an individual peculiarity of a person that identifies a possibility of organizing creative activity and providing its effectiveness.</p>
<p><b>Ижод</b></p>	<p>ижтимоий субъектнинг янгилиги, аҳамияти ва</p>	<p>a results of a work acknowledged by a society or a</p>



<b>Creative work</b>	фойдалилиги жамият ёки муайян гуруҳ томонидан тан олинган фаолияти ёки фаолияти натижаси.	certain group of people on subject's novelty, significance and usefulness.
<b>Ижодий тафаккур</b> <b>Creative thinking</b>	тафаккурнинг ижод жараёнини ташкил этиш ва ижод натижалари (маҳсуллари)ни башоратлашни ифодаловчи тури.	a type of thinking that expresses the organization of creative work and predicts its results.
<b>Ижодий топшириқлар</b> <b>Creative assignments</b>	муаммоли вазиятларни тизимли таҳлил асосида ҳал қилишга йўналтирилган масалалар тизими.	a system of issues intended to solve based on the systematic analysis of problem-based cases.
<b>Ижодкорлик</b> <b>Creativeness</b>	муайян янгиликнинг аҳамияти ва фойдали эканлигини белгиловчи шахс фаолияти ва унинг натижаси.	an individual's activity and its result that identify significance and usefulness of novelties.
<b>Ижодкор шахсни шакллантириш</b> <b>Training a creative persponality</b>	касбий-ижодий фаолият тажрибаларини қарор топтириш ва бойитиш асосида ижодий ғоя, уларни амалга ошириш кўникма ва малакаларига эга шахсни шакллантириш ҳамда ривожлантириш	formation and development of an individual's skills on producing creative ideas based on the experience of professional and creative activity.
<b>Ижодий қобилият</b> <b>Creative ability</b>	ижодий фаолиятни муваффақиятли амалга ошириш ва унинг натижаланганлигини баҳолашда намоён бўладиган индивидуал хусусияти	an individual peculiarity demonstrated in assessing creative activity and its effectiveness.
<b>Ўзини ўзи ижодий фаоллаштириш</b> <b>Creative self-activation</b>	шахснинг ижодий фаолиятда ўз имкониятларини тўлақонли намоён қилиши ва ривожлантириши	development and absolute demonstration of abilities in individual's creative activity

## VII. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ 3160 сонли қарори//Халқ сўзи, 2017 йил, 29 июль.
2. Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори.// Тошкент, Халқ сўзи. 2019 йил. 4 май. № 78.
3. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. 2019 йил 8 октябрь// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон
4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясидаги нутқи. 2020 йил, 23 сентябрь.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси//Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.
6. Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 8 апрелдаги “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги №5465–сон Фармойиши//Халқ сўзи, 2019 йил, 9 апрель.
7. Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепцияси” лойиҳаси
8. Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарори.//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 15-16-сон, 104-модда.
9. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т.: Ўзбекистон, 2003.
7. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
8. Отамуродов С. Миллий ғоя - миллий тикланиш манбаи. – “Тарих, мустақиллик, миллий ғоя”. -Т.: Академия, 2000.
9. Мавлонова Р., Тураева О., Холикбердиев К., Педагогика. Т.: «Ўқитувчи» 2001. 514.
10. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Зебунисо-Кониғил / 4-том. Бош таҳрир ҳайъати аъзолари: М.Аминов ва б. – Т.: “Ўзбекистан миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002.

11. Халилов Н. Мустақил таълим шакллари // Халқ таълими. – Тошкент, 2002.- № 5.- Б. 88 – 89.
12. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДПУ, 2003 .
13. А.Т.Турабаев, М.Х.Ахмедова. “Мутахассисликка кириш” фанидан маърузалар тўпламию,2003 й.
14. Хусанбоева Қ.П. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг илмий-методик асослари: Дис. ... пед.фан.док. – Тошкент: ЎзПФТИ, 2004.
15. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С. Илғор педагогик технологиялар. – Т.: Ўқитувчи, 2004.
16. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006.
17. Қорабоева З.Т. Педагогик технологиялар. Маърузалар матни. – Т.: Фан, 2006.
18. Абдуллаева Қ.М. Махсус фанларни ўқитишда бўлажак ўқитувчиларнинг касбий билим ва кўникмаларини шакллантиришнинг методик асослари: Дисс. ... пед. фан. ном.- Тошкент: 2006.
19. Замонавий дарс. / Масъул муҳаррир Ш. Шомансуров – Т.: А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти, 2007.
20. А.Раджабов, А.Д.Рахматов, А.Х.Воҳидов. Мутахассисликка кириш, Тошкент, 2008, 82 б.
21. Т.У.Усмонов, Б.С.Мирзаев, И.С.Ҳасанов. Мутахассисликка кириш. Тошкент,Ворис-нашриёт, 2013, 336 б
22. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. Қ. Назаров таҳрири остида. -Т.: Маънавият, 2009.
23. Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Т.: Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистан Миллий кутубхонаси нашриёти, 2011.
24. Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳолиқова.Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Мет.қўлл. – Т.: Низомий номли ДТПУ, 2013.
25. Холиқов И., Собирова М ., Машарипова Г. “Маънавият асослари” фанини замонавий педагогик технологиялар асосида ўқитиш. – Т.:ТДПУ,2013.
26. Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Ҳ., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015.
27. Тоҳириён А., Собирова М., Замонов З. Миллий ғоя туркумига кирувчи фанларни ўқитишда интерфаол таълим методларидан фойдаланиш бўйича услубий тавсиялар. – Т.: РТМ, 2017.

28. Ўқитувчи фаолиятини лойиҳалаш: //Узлуксиз таълимда модулли технология// Монография. М.Тожиев, Б.Зиёмухамедов, Б.Ш.Усмонов, А.Ж.Хуррамов; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази. – Т.: «TURON- IQBOL», 2017. – 256 б. 15.

### **ХОРИЖ МАНБАЛАРИ:**

1. Human Life in the Light of Spiritual Science. - Anthroposophy –Schmidt Number: S-3277.On-line since: 24th January, 1995.

2. Michael Freeden.Ideology: A Very Short Introduction (Oxford, 2003)

3. Ларнер И.Я. Дидактические основы методов обучения. – Москва, Педагогика, 1981,с.35

4. М.Г.Гольченко.Введение в специальность, Минск, 1986, 160 с.

5. В.Ф.Максимов, Г.В.Стадницкий.Введение в специальность, Ленинград, 1988, 1680 с.

6.Литвинова С.Г. Технология «Перевернутое обучение» в облачно ориентированной учебной среде как компонент развития медиаобразования в средней школе // Медиафера и Медиаобразование,2015.

### **V. Интернет сайтлар**

1. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

2. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

3. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази.

4. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали Ziyonet

5. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.